


**ОЛАМЛАР
САРВАРИ**



УЎЗБЕК

*Имом Бухорий номидаги Тошкент Ислам
^ , л институти*

ОЛАМЛАР САРВАРИ

*(Пайжамбаримизнинг Ҳаётлари,
нубувватлари ва сийратлари)*

Макрлалар туплами

6 1№

«Мовароуннахр» нашриети
Тошкент — 2008

Тўплаб нашрга тайёрловчилар:
Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ,
Муҳаммад Содик Сайфиддин ўғли

Масъул муҳаррир:

Усмонхон АЛИМОВ

*Ўзбекистон мусулмонлари идораси
раиси, муфтий*

Муҳаррир:

Алишер НАЗАР

Тақризчилар:

Убайдулла УВАТОВ

тарих фанлари доктори

Зоҳиджон ИСЛОМОВ

филология фанлари доктори

*Ушбу китоб пайғамбарларнинг энг сўнгиси ва башариятнинг энг
афзали бўлган ҳазрат Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақидадир.*

*Сизларга тақдим этилаётган мақолалар мажмуаси қалбларин-
гизга нур ва муҳаббат бағишлашига умид қилиб қоламиз.*

ISBN 978-9943-12-112-6

© Сайфиддин Сайфуллоҳ

МУНДАРИЖА

Сўзбоши. Оламларга раҳмат бўлиб. (С. Сайфуллоҳ)	6
Расулulloҳ насаблари ва туғилишлари Алихонтўра Соғуний	13
Илоҳий раҳматдан муждалар. (Болаликлари) (Н. Абдулҳаким)	17
Пайғамбарлик илоҳий фазл. (Ваҳийнинг униши) (З. Қ. Отахон ўғли, З. Худойшукуров)	23
Илоҳий туҳфа. (Мўъжизалари) (С. Сайфуллоҳ)	39
Бундай мақом ҳеч кимда йўқ. (Меърож) (С. Сайфуллоҳ)	55
Тарих саҳифасида буюк ҳодиса. (Ҳижратлари) (Ж. Маҳмудов)	71
Ҳақ ва ҳақиқат йўлида. (Фазолари) (Фитрат, Ҳ. Болтабоев)	79
Лашкарбоши саҳобалар. (А.Ҳайитов)	95
Сўнгги хитоб. (Видолашув ҳажи) (А. Деҳқон)	99
Оламларни тўлдирган қайғу. (Вафотлари) (Д. Жумакул)	107
Буюк муаллим. (Ахлоқлари) М. А. Жўшон	115
Муборақ қиёфалари. Абу Исо Муҳаммад ат-Термизий	149
Улуғ хулқ соҳиби. (Сурат ва сийратлари) (А. Ҳайитов)	155

Илоҳий даъват усуллари. (Хусайн Обидов)	167
Олгин халқа. (<i>Аҳли байтлари ва халифалари</i>) (О. Жўрабоев)	175
Ҳақиқат таълимоти. (<i>Хулоса ўрнида</i>) (А. Назар)	193
«Саодат асри»нинг муҳим саналари. (А.Назар)	204
Наъти набий. (С. Сайфуллоҳ)	208



ОЛАМЛАРГА РАҲМАТ БЎЛИБ...

*Бедилинг хайли русул, сенсен аларга дилрабо,
Ё набий, руҳий фидока аҳлан ва саҳлан марҳабо!*

(Алишер Навоий)

Бизни йўқдан бор қилиб, ислом дини билан ша-
рафлантирган Аллоҳу таолога ҳамду санолар ва олам-
ларга раҳмат бўлиб келган ҳазрат пайғамбаримизга
салоту саломлар бўлсин!

Маълумки, одам яралгандан буён илоҳий зарурат
туфайли бани башарга пайғамбарлар юборилиб ту-
рилган. Ҳақнинг бу азиз танланган бандалари ўз
замонларида умматларига Аллоҳнинг амрини етказ-
ганлар, инсонларни Ҳақ ва ҳақиқат йўлига бошлаб,
одамларга яхшилик ва ёмонликларни танитганлар.
Уларни ҳар бир киши амалига яраша тақдирланиши-
дан хабардор қилишган. Аллоҳнинг амрларини бажари-
ришда, гўзал хулқ-атворда пайғамбарларнинг ўзлари
инсонларга намуна бўлишган.

Қалблари иймон ва маърифатга тўла бу маъсум
инсонлар Аллоҳ билан одамлар ўртасидаги элчилик
вазифасини масъулият билан адо этганлар. Уларни доим
илоҳий мадад қўллаб-қувватлаб турган.



Аллоҳ элчиларининг тарихдаги фазлу камолоти ва саъй-ҳаракати сияр ва тарих китобларида битиб қолдирилган.

Пайғамбарлар ичида энг улуғи ва охиргиси оламларга раҳмат қилиб юборилган ҳазрати Муҳаммад алай-ҳиссаломдирлар.

Мисрлик араб шоирларидан Муҳаммад ибн Саъид ал-Бусирий(1212-1292) машҳур "Қасидаи Бурда"ри-соласида шундай ёзади:

"Пайғамбаримиз ҳақида башарият билган илмнинг ҳулосаси шу: "У Зот ҳам албатта бир инсон ва шубҳасиз, махлуқотнинг энг хайрлиси ва энг афзалидир.

Улуғ пайғамбарлар кўрсатган барча мўъжизалар муҳаққақ Ҳабибуллоҳнинг нуридан файз ва шуъла олгандир. Чунки у зот фазилат ва ирфон қуёшидир.

Пайғамбарлар эса, бу қуёшдан нур олиб, инсонларнинг зулматларини ёритадиган юлдузлардир.

Аллоҳ ҳазрат пайғамбаримизнинг хилқатини на гўзал икром қилди! Ва хуш ахлоқи, зоти покига зийнат берди, ҳусн (яхшилик) билан безанди, табассум билан имтиёз топди.

Латофат ва юмшоқликда — гул, шарафда — ой, қарамда — баҳр, қимматда даҳр кабидир»¹.

Тарихдан маълумки, Ҳазрат пайғамбаримиз тавҳидга, Ислом динига даъват этгунга қадар нафақат Арабистон ярим ороли, балки, бутун олам залолатда эди. Хусусан, Макка мушриклари Каъба атрофида осиб қўйилган 360 та бутга сиғиниб, энг қабих ишларга қўл урардилар.

Инсоният шайтоний ҳою ҳавасларга берилган, гуноҳ

¹ Муҳаммад ибн Саъид ал- Бусирий. "Қасидаи Бурда". Тошкент. «Мовароуннаҳр», 2005 й. 28-29-б.



ва маъсият ичида яшаётган бир пайтда Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам оламларга раҳмат бўлиб, инсониятга Ҳақни танитиш, тўғри йўлни кўрсатиш учун дунёга келдилар ва зиммаларидаги бу вазифани мукамал адо этдилар. Мушрикларнинг ҳар қандай азиятларига бардош бериб, "улуғ хулқ соҳиби" эканликларини намоён қилдилар.

Машҳур ҳанафий уламоларидан Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа ақидага доир "Махзанул мақсуд" рисола-сида шундай фикрларни билдиради:

"Ул пайғамбарларни ҳақларида бизларга билмоғимиз вожиб бўлган сифатлар бешдур:

1. Сидқ. 2. Омонат. 3. Таблиғ. 4. Исмат. 5. Фатонат.

Яъни жами пайғамбарлар сўзларида рост гапиргувчи, омонатдор - хиёнат қилмайдигандирлар. Худойи таолонинг амрларини ва наҳйларини билиб умматларига баён қилгувчилардир. Катта ва кичик гуноҳлардан пок ва узоқ бўлгувчи, ҳамма одамлардан ақллик бўлгувчидурлар.

Пайғамбарларда бўлмоғи жоиз бўлган сифатлар бешдур:

Алар таом ерлар ва ичарлар ва бетоб бўлурлар ва дунёларини эҳтиёт қилурлар. Аммо бизларга ўхшаб дунёга муҳаббат қилмаслар.

Аммо бизни жаноб Пайғамбаримиз саллаллоҳу алайҳи васалламда махсус кўп сифатлар бордур:

Аввали одамийзодга ва жинга юборилган ҳақ пайғамбардирлар.

Иккинчи шариатларининг ҳукми қиёматгача боқийдир.

Учунчи сифатлари, илгари ўтган баъзи пайғамбар-



ларнинг ҳукмларини мансух қилибдурлар. Ал-ҳол (бу-гунги кунда) улар бирла амал қилмоқ дуруст эмасдир.

Тўртинчи сифатлари, хотамул-анбиё (пайғамбарларнинг охиргиси)дирлар.

Бешинчи сифатлари, шафоатлари гуноҳи кабира ва гуноҳи сағира қилғонларга умумий ва баробардир.

Олтинчи сифатлари, волидаи шарифаларидан суннатий (хатна қилинган ҳолда) туғилибдурлар.

Еттинчи сифатлари, табаввул ва тағаввут яъни кичик ва катта ҳожат қилганларида ер ютуб, мушк-ка ўхшаган хушбўй бўлур эди.

Саккизинчи сояи муборақлари асло ерга тушмас эди.

Тўққизинчи сифатлари, олдиларидан кўрганларига ўхшаш орқаларидан ҳам кўрар эрдилар.

Ўнинчи сифатлари, муборақ оёқларини қумга боссалар из бўлмас эрди, тошга боссалар из бўлур эрди.

Ўн биринчи сифатлари, муборақ баданларига ийзо (зарар) берадиган ҳайвонотдин ҳеч бир нимарса қўнмас эрди.

Ўн иккинчи сифатлари, асло эҳтилом бўлмадилар.

Ўн учунчи сифатлари бир жойга бормакни хоҳласалар нури поклари ўзларидан илгари борур эрди.

Ўн тўртинчи сифатлари ҳар кишини ёнида турсалар муборақ қадлари тўрт бармоқ узун кўринур эрди.

Ўн бешинчи сифатлари, доим тепаларида бир оқ булут соя қилиб турар эрди.

Ўн олтинчи сифатлари, намози аввобин ва намози таҳажжуд ул жаноб саллаллоҳу алайҳи васалламга вожиб эрди, бизларга суннати завоид бўлди.

² Мақсудхўжа ибн Мансурхўжа. "Махзанул Мақсуд". 1909 й. 12-14-б.



Ўн еттинчи сифат-таяммул бирла намоз ўқимоқ ул жаноб соллаллоҳу алайҳи васалламни шариатларидур.

Ўн саккизинчи сифатлари, ухласалар таҳоратлари шикаст топмас эрди, зероки пайғамбарларнинг кўзлари ухлайдир, диллари ухламайдир.

Ўн тўққизинчи сифатлари, вужуди поклари дунёга келмасдан илгари шайтонлар осмонларга чиқар эрди. Вақтики ул жаноб соллаллоҳу алайҳи васалламни вужуди шарифлари дунёга келди, алар осмонларга чиқолмайдурган бўлдилар. Мундин зиёда сифатлари ва мўъжизотлари кўп китобларда мазкурдур..."²

Ислом тарихи билан шуғулланган мусулмон ва ғайри муслим олимларнинг эътироф этишича, тарихда Ҳазрат пайғамбаримизникидек ҳаётий фаолияти энг "кўб ва хўб" ўрганилган бошқа бирор шахс учрамайди. Шарафли ва қутлуғ ҳаётлари тарихини мукаммал ўқиб-ўзлаштиришимиз шарт ва заруратдир. Сабаби, аввало, бутун бани башар у зотнинг хизматлари олдида том маънода қарздор. Иккинчидан, Расули акрамнинг ҳаётлари ва сийратларини яхши билмасдан туриб, Қуръони карим, ҳадиси шариф ва бошқа исломий илмларни пухта эгаллаб бўлмайди. Учинчидан, Ҳазрат пайғамбаримизга тухмат ва бўҳтон тошини отадиганларга муносиб жавоб бериш учун ҳам Расулуллоҳнинг ҳаётларини, саодат асри даврини яхши билишимиз лозим. Қолаверса, биз шу баракотли Зот шарофатидан энг улуғ уммат бўлганимизни асло эсдан чиқармаслигимиз виждоний бурчимиздир. Зотан биз Расулуллоҳни буюк бир муҳаббат билан севмағунимизча, у зотни молимиздан, жонимиздан ортиқ яхши кўрмағунимизча комил мўмин бўла олмаймиз.



Ўрни келганда шуни алоҳида таъкидлашимиз керак-ки, ҳар қандай шароитда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак номлари зикр қилинганида саловот айтишимиз лозим. Зеро, бу ҳақда Жаброил алайҳиссалом ваҳий орқали барчамизни огоҳлантирган.

Аллоҳ таоло эса Куръонда Расулуллоҳга эргашмагунча, суннатига амал қилмагунча бандасини севмаслигини таъкидлаган. У зотни севиш, суннати санийясига пайравлик қилиш эса ўз-ўзидан бўлмайди. Бунинг учун Аллоҳнинг буюк тавфиқи, илм, амал ва ихлос керак. Шакл эмас, маънога назар солмоқ керак..

Аллоҳ барчамизни раҳмат ва шафоат манбаига эргаштирсин, у зотни севиб, севилиш бахтига мушарраф айласин!

Муҳтарам ўқувчи! Бу мўъжаз китоб ҳам Расули акрамнинг сийратлари ва фаолиятларига бағишланган уммондан бир қатрадир. Мақолалар тўпламидан иборат бу китоб кўп нарсани даъво қилмайди. Аммо мустақиллик давридан кейин илк бор олимлар ва журналистларнинг диний мавзуда ҳамжиҳат бўлиб ёзган хайрли ишларининг бир дебочасидир. Худо хоҳласа, бу қўйилган қутлуғ қадам кейинги изланиш ва тадқиқотларнинг амалга ошишига ҳам йўл очади деган умиддамиз.

Биз муҳтарам китобхонларимизга ушбу камтарона китобни тортиқ қилишдан ғоят мамнунмиз. Аллоҳдан барчага ажри азим тилаб қоламиз!

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ
Филология фанлари номзоди

Пайғамбаримиз (с.а.в.)
ҳазрати Исо алайҳиссаломдан
571 йил кейин Рабиъул-аввал ойи-
нинг 12-си душанба кечаси, саҳар вақ-
тида дунёга келдилар.

* * *

Расулulloҳ (с.а.в.) она қорнида олти
ойлик бўлганларида "Худонинг дўсти, охир-
замон Пайғамбарига юкли бўлдинг, - деб онаси Оми-
нага тушларида башорат бўлди. - Бу муборақ ўғил
туғилган сўнггида оти Муҳаммад бўлсин", дейилди.

* * *

У зот (с.а.в.) дунёга келишларида Аллоҳ таолонинг қуд-
рати билан ҳазрати Марям, Фиръавннинг хотини ҳазра-
ти Осий ва бир неча хур қизлар дояликка ҳозир бўлдилар.

* * *

Пайғамбаримиз (с.а.в.) дунёга келган кечада муш-
риклар тарафидан Байтуллоҳга осиб қўйилган 360 дона
бут юзтубан ерга йиқилди. У зот она қорнидан
ерга тушган чоеларида бир нур пайдо бўлиб,
унинг ёруғида Макка шаҳридан ораси 50
кунлик йўл бўлган Шом вилоятидаги
Бусро деган шаҳарнинг саройлари
кўринди. Оташпараст эронликлар-
нинг ибодатхоналаридаги минг
йиллардан бери ўчмай турган
ўтлари ўчиб қолди.



ПАЙҒАМБАРИМИЗНИНГ НАСАБЛАРИ ВА ТУҒИЛИШЛАРИ

Умматман деган ҳар бир одам Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломни ўз ота-онасини танигандек билиши лозим. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари араб наслидин, Қурайш қабиласи, Бани Ҳошим уруғидин бўлиб, номи шарифлари Муҳаммаддир, соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Туғилган жойлари Арабистонда Макка шаҳридир. Оталари Абдуллоҳ, Абдуллоҳнинг отаси Абдулмутталиб, унинг отаси Ҳошим, унинг отаси Абдуманнофдир. Ушбу тўрт оталарини билиш ҳар бир мусулмонга лозим. Ўн биринчи оталари Қурайш, йигирма биринчи оталари Аднондир.

Пайғамбаримизнинг юқориги оталари Иброҳим Халилulloҳдир. Оналарининг отлари Оминадир. Пайғамбаримиз ота-онадан ёлғиз туғилган, тўнғич ўғилдир. Чунки пайғамбаримиз она қорнида икки ойлик бўлган чоғларида оталари Абдуллоҳ Шом сафарига кетаётиб, Мадина шаҳрида вафот топдилар, ёшлари ўттизга етмаган эди.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазрати Исо алайҳиссаломдан 571 йил кейин туғилдилар. У за-



монда Эрон мамлакатида машхур Нўширавон Одил подшоҳ эди. Одил подшоҳ замонида туғилдим, деган сўзлари марвийдир. Рабиъул-аввал ойининг 12-куни душанба кечаси, сахар вақтида дунёга келдилар. Она қорнида ётишлари, онадан туғилишлари бошқа болалардек бўлмади. Чунки оналари Омина оғир бўй хотинлардек қурсоқ оғирлигини сезмади, юкли хотинларда бўладиган бадан заҳматларининг ҳеч бирини билмади.

Она қорнида олти ойлик бўлганларида «Худонинг дўсти, охирзамон Пайғамбарига юкли бўлдинг, — деб Оминага тушларида башорат бўлди. — Бу муборак ўғил туғилган сўнггида оти Муҳаммад бўлсин», дейилди.

Туғилиш ой-кунлари тамом бўлганда Аллоҳнинг қудрати билан ҳазрати Марям, Фиръавннинг хотини ҳазрати Осиё ва бир неча ҳур қизлар дояликка ҳозир бўлдилар. Бола туққан хотинлардек одатдаги тўлғоқ тортиш, қурсоқ оғриғи, қон келишига ўхшаш нарсалар содир бўлмади. Пайғамбаримиз туғилганларида поклик, тозаллик билан вужудга келдилар. Шундоқки, суннат қилинган эдилар. Киндиклари кесилган, баданлари ёғланган, ҳуш ислик нарсалар суртилган ҳолда туғилдилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келган кечасида ул зотнинг шараф ва ҳурматлари учун Худои таоло кўп мўъжизалар кўрсатди. Ул замонда олам ҳаммаси кофиристон эди. Одамлар ўтган пайғамбарларнинг кўрсатган ҳақ динларидан адашган эди. Араб мушриклари тарафидан Байтуллоҳга 360 дон бут осилган эди. Арабларнинг ҳар бир уруғи ўзларига атаб, Байтуллоҳга бир донадан бут осиб қўйишни одат қилган эди. Пайғамбаримиз туғилган кечада мана шу бут-



лар юзтубан йиқилиб, ерга тушди. Эрталаб келган кофирлар бу ҳолни кўриб, ҳайрон қолди. Пайғамбаримиз она қорнидан ерга тушган чоғларида бир нур пайдо бўлди, унинг ёруғида Шом вилоятидаги Бусро деган шаҳарнинг саройлари кўринди. Макка шаҳри билан бунинг ораси 50 кунлик йўл эди. У замонларда ҳозирги Эрон халқи оташпараст кофир эди. Тутган динлари эса мажусийлар дини—ўтпарастлик эди. Буларнинг оташкада, яъни ибодатхоналаридаги минг йиллаб, узун замонлардан бери ўчмай, ёниб турган ҳисобсиз ўтлари Пайғамбаримиз она қорнидан тушган чоғларида ўчиб қолди. Яна у ерда Сова деган бир қўл бор эди. Пайғамбаримиз туғилган кечада ерга сингиб кетиб, Сомова деган чўлдан қайнаб чиқди. Чўл сувга мўл бўлди, қўлга айланди. У кечада мана шунга ўхшаш бир неча турли мўъжизалар содир бўлдики, агар уларнинг ҳаммаси бу ўринда ёзилса, бир китоб бўлур. Энди бу жойда айтганларимиз дарёдан бир чўмич, хирмондан бир ҳовуч мисоли бўлса ҳам, қолганларга ишорат, мўминларга башоратдир.

Пайғамбаримиз туғилганларини англагач, боболари Абдулмутталиб ҳаммадан ортиқроқ суюнди. Ёшлигида ўлиб кетган боласи Абдуллоҳдин ёдгор қолган ёлғиз ўғлим Муҳаммад, деб кўп суяр эди.

Алихонтўра Соғуний
«Тарихи Муҳаммадий»,
Тошкент: «Мовароуннаҳр», 1997

Расулulloҳ (с.а.в.) тўрт
ёшга тўлганларида "Шаққи садр"
воқеаси содир бўлди. Яъни, у зот яй-
ловда қўй боқиб юрганларида оқ кийим
кийган икки киши келиб унинг кўксини
ёриб юрагини чиқарди. Сўнгра ундан қора
қонни оқизиб ташлаб, бир жом кавсар суви
билан тозалаб ювишди. "Мана, сендан шайтон
насибаси узилди. Энди сенга шайтон йўл топа ол-
майди", деб жўнаб кетишди.

* * *

Пайғамбар (с.а.в.) она қорнида икки ойлик экан-
ликларида оталари Абдуллоҳ, олти ёшга тўлганларида
оналари Омина вафот этди. Саккиз ёшида эса суюк-
ли боболари Абдулмутталиб вафот этиб, амакилари
Абу Толиб қарамоғида қолди.

* * *

Пайғамбар (с.а.в.) 12 ёшга тўлганларида амаки-
лари Абу Толиб ҳамроҳлигида савдо карвони
билан Шом сафарига отландилар. Ҳаво
бағоят исиган, ҳарорат баландлигидан на-
фас олиш қийин эди. Аммо сафар даво-
мида у зотнинг муборак бошлари ус-
тига бир парча оқ булут соя солиб
турди.



ИЛОҲИЙ РАҲМАТДАН МУЖДАЛАР

(Болаликлари)

Болаликларидаёқ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётларида илоҳий раҳматнинг қўплаб аломатлари зоҳир бўлди. Эсланг, ўшанда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам икки ойлик гўдак эдилар. (Таомилга кўра, Макканинг бойлари оилаларида ту-гилган чақалоқларини қишлоқларда яшовчи қабила аёлларига эмизиб бериш учун бериб юборардилар) Айни пайтда Маккадаги машҳур Саъд ибн Бакр қаби-ласидан бўлган Ҳалима исмли аёл Пайғамбаримизни эмизиш учун қабул қилдилар. Аслида бу онаизор шун-чаки тирикчилик тақозоси билан эмизиш учун қўшимча бола олганди. Ваҳоланки, унинг қуриб қолган кўкрак-лари ўзининг боласини ҳам тўйғазолмас эди. Шундай бўлса-да, Ҳалима Муҳаммад исмли бу гул юзли бола-га кўкрак тутди. Во ажаб, кундан-кунга қуриб бораёт-ган сийналар қайнар булоқдек сутга тўлди. Мўъжиза-дан ҳайрону лол бўлган аёл, ўнг кўкрагидан тўйиб-тўйиб эмаётган хушбўй гўдакка бироздан сўнг чап кўксини тутди. Бироқ бола дудоқларини ёпиб олди. Аёл ҳарчанд уринмасин бола эммади. Ҳалима яна ўнг



кўксини тутди. Бола аввалгидек эма бошлади. Аёлнинг чап кўкрагидаги ризқ ўзининг боласи учун қолди.

Саъд ибн Бакр қабиласи яшайдиган ерлар қурғоқчиликдан қақшаб ётарди. Аммо бу муборак ўғил борган хонадонга қурғоқчилик ҳукмини ўтказолмади. Ҳалиманинг оиласига тегишли қўй-эчкилар, сигирлар тап-тақир ерларда ҳам семириб, елини сутга тўлиб-тошиб юрарди. Бу ҳолни кўриб кўпчилик ҳайратдан ёқа ушлардилар. Ахир улар шундоққина ёнгиналарида оламларга раҳмат бўлиб келган бир зот улғаяётганини, бу ғайритабиий ҳодисалар айнан мана шу зот туфайли содир бўлаётганини қайдан билсинлар!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўрт ёшга тўлганларида «Шаққи садр» воқеаси содир бўлди. Ўша куни эмикдош биродари билан бирга қўй боқиб юргандилар. Ногаҳон эмикдош бола йиғлаб хабар етказди:

— Оқ кийим кийган икки киши укам Муҳаммадни ётқизиб, кўксини ёриб қўйди.

Қўрқиб кетган Ҳалима ва эри фарёд чекиб югуришди. Қарасалар, Пайғамбаримиз ранглари ўчган, вужудлари титраган ҳолда турибдилар.

Пайғамбаримиз айтдилар:

— Оқ либосли икки киши мени ётқизиб, кўксимни ёрди. Ичимга қўл тиқиб, юрагимни чиқариб, уни тилди. Ундан қора қонни оқизиб ташлаб, бир жом кавсар суви билан тозалаб ювишди. «Мана, сендан шайтон насибаси узилди. Энди сенга шайтон йўл топа олмайди», деб жўнаб кетишди.

Бу синоат илоҳий фазлнинг бир нишонаси эканини



билмаган Ҳалима билан эри ҳайратлар ичра қолаверди. Ахир улар келажақда бутун инсониятни жаҳолат ботқоғидан қутқарувчи бир халоскорни тарбият этаётганларини қайдан билишсин!

Бир сафар жуда ҳайратланарли воқеа бўлди. Макка халқи аёвсиз қурғоқчилик гирдобидида қолди. Очлик ва сувсизлик одамларнинг тинкасини қуритди. Шунда одамлар бу мушкулотдан паноҳ тилаб яна улуғ Роббига юзландилар. Юзлаб маккаликлар Кубайс тепалигига чиқишиб, Аллоҳдан ёмғир тилаб ёлвора бошлашди. Ана шу одамларнинг ичида кичкинагина бир болани етаклаб олган Қурайш сардори Абдулмутталиб ҳам бор эди. Бир пайт у киши самога юзланиб илтижо қила бошлади:

— Аллоҳим, мана шу етим болани ўртага қўйиб Сендан ёмғир сўраймиз. Бизларнинг мақсудимизни раво қил!

Во ажаб, кўм-кўк самода дабдурустдан бир парчагина булут пайдо бўлди. Ҳамманинг нигоҳи шу булутга қадалган эди. Булут эса аста-секин катталашиб бутун осмонни эгаллай бошлади. Одамлар бу мўъжизадан ақлу ҳушини йиғиб олишга ҳам улгурмай усти-боши шалаббо бўлиб кетди.

Одамлар Абдулмутталиб етаклаб олган бола ҳақида гаплашишар, бу ишда қандай ҳикмат борлигини билмай боши қотарди. Ахир улар мана шу бола келажақда бутун оламни илму маърифат билан суғоришини, унинг ҳаққи-ҳурмати Аллоҳ таоло наздида осмонлар қадар юксак эканини қайдан билсинлар!

Пайгамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам олти ёшга



тўлганларида оналари Омина вафот этди. Минг воҳки, она қорнида икки ойлик эканликларида оталари Абдуллоҳ ҳам қазо қилган эди. Пайғамбаримиз энди меҳрибон оналаридан ҳам ажраб қолдилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам саккиз ёшга кирганларида яна бир улкан йўқотиш бўлди. Энди дунёдаги ягона суянчиги — боболари Абдулмутталиб вафот этган эди. Шундан сўнг у зот амакилари Абу Толиб қарамоғига ўтдилар.

... Саратоннинг айна қизиган кунларидан бирида Пайғамбаримиз амакилари Абу Толиб ҳамроҳлигида савдо карвони билан Шом сафарига отландилар. Ҳаво бағоят исиган, ҳарорат баландлигидан нафас олиш қийин эди. Қизик, бутун сафар давомида Муҳаммаднинг соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак бошлари устига бир парча оқ булут соя солиб турди. Бу не синоат?

Карвон Шом заминига етиб, Бусро шаҳрига киргач, насоро роҳиблари ибодатхонаси ёнида истироҳат қилдилар. Бу ерда Тавроту Инжилни ёд олган Бухайро исмли бир обид муттасил ибодат билан кун ўтказар эди. Бухайро узоқдан келаётган карвонни ва бошига оқ булут соя солиб турган болани кўриб, бу муборак болада Тавроту Инжилда зикр этилган сифатлар муҷассам эканини мушоҳада қилди. Абу Толибга бу бола келажакда анбиёлар сарвари бўлиши хушхабарини етказди. Охир замон Пайғамбари ўзларидан чиқишини кутаётган яҳудий ва насоро олимлари унинг араб наслидан дунёга келганини билса, зиён етказиши мумкинлигини айтиб, огоҳлантирди.

Роҳибнинг сўзларини эшитган Абу Толиб Шоми шарифга кирмай, карвонни орқага қайтарди.



Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам болаликдан хушхулқ, чин сўзли, юмшоқ кўнгилли, саховатли, улуғ ҳимматли эканликлари билан алоҳида ажралиб турганликлари зикр этилади. Бу фазилатлари орқали катта-кичик, яхши-ёмон, дўст-душман — барчасининг ҳурматини, эътирофини қозонганлар. Шунинг учун ҳам ул зотни Муҳаммад Амин деб чақиришарди. Аслида ҳам ул зотдан-да ишончлироқ яна кимдир бўлиши мумкинми?

Пайғамбаримиз болаликданоқ беҳуда ўйин-кулгидан, турли ботил ишлардан тамомила йироқ бўлганлар. Ўша замонда арабларга хос бўлган бутпарастликдан, бузуқ хулқлардан, жаҳолатдан пок эдилар. Бировдан кўрмаган, ҳеч кимдан ўрганмаган бўлсалар ҳам, Иброҳим Халилуллоҳнинг пок динларига эътиқод қилардилар.

Нурбой АБДУЛҲАКИМ,
филология фанлари доктори



Расулulloҳга (с.а.в.)
ҳали ваҳий келмасидан чамаси
олти ойлар бурун илоҳий ишоралар
бераила бошланди. Бир куни кимдир:
— Ассалому алайка, ё Расулulloҳ!
— деди.

У киши ҳайрон бўлиб атрофига қара-
ди. Овоз яна такрорланди. Пайғамбаримиз
овоз келган тарафга қарадилар. Аниқ билдилар-
ки, бу овоз бир тошдан чиқаётган эди.

* * *

Милодий 610 йил, Рамазон ойининг йигирма олтин-
чи куни билан йигирма еттинчи кунини боғловчи тун
нихоясига етган эди. Ҳиро ғорида тунаган Муҳам-
мад Амин қандайдир овоздан уйғониб кетди. Орадан
кўп ўтмай унинг қаршисида умрида ҳеч қачон кўрма-
ган бир хилқат пайдо бўлди. Бу Аллоҳ таолонинг мах-
сус вазифа билан жўнатилган ваҳий фариштаси Жаб-
роил алайҳиссалом эди.

* * *

Қуръони каримда бошларига машаққат-
ли қийинчиликлар тушган, ҳаётлари ни-
ҳоятда оғир кечган баъзи пайғамбарлар
"сабот эгалари" деб баён қилинган. Бу-
лар Нух, Иброҳим, Мусо ва Исо алай-
ҳиссаломлардир. Пайғамбаримиз
(с.а.в.) ҳам сабот эгаларидан
эдилар.



ПАЙҒАМБАРЛИК ИЛОҲИЙ ФАЗЛ

(Ваҳийнинг ишиши)

Одамлар бутларга сиғиниб, жаҳлатга ботган, қизларини тириклай кўмиш даражасида ахлоқий тубанликка юз тутган заминда, болаликданоқ покиза хулқ ва пок эътиқод билан яшаган кишига кўп мушкулотлар бўлиши табиий. Аввало, бундай киши руҳий қийноқлар исканжасида қолади. Шундай бўлгач, киши ёлғизликни, хилватни ахтариб қолади. Пайғамбаримиз руҳиятида ҳам ваҳий келмасидан олдин шундай ҳодиса юз берди.

У киши тез-тез ёлғиз қолишни ихтиёр қилардилар. Бир-икки кунлик емагини олиб тоғларга чиқиб кетадиган одат чиқардилар. Ана шундай кунларнинг биринда ҳаёл суриб кетаётган эдилар. Кимдир:

— Ассалому алайка, ё Расулуллоҳ! — деди.

У киши ҳайрон бўлиб атрофига қаради. Ҳеч ким йўқ. Бир пайт овоз яна такрорланди. Пайғамбаримиз овоз келган тарафга қарадилар. Аниқ билдиларки, бу овоз бир тошдан чиқаётган эди.

Бундан ташқари, у киши бири-биридан ғаройиб тушлар кўра бошлади. Қизиги шундаки, кундузи содир бўлган ишларнинг натижасини тушда аниқ-тиниқ кўрардилар.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳали ваҳий келмасидан чамаси олти ойлар бурун мана шу хил илоҳий ишоралар берила бошлаган эди. Ким билсин, балки меҳрибон Аллоҳ таоло бандасининг табиатидан келиб чиқиб у зотни ваҳийни қабул қила оладиган даражагача босқичма-босқич юксалтириб боргандир. Нима бўлганда ҳам бу илоҳий ишоралар дунёни жаҳолатдан қутқариш ва инсонлар қалбини ислоҳ этиш учун бир азим пайғамбар келаётганидан муждалар бераётганди.

Дарвоқе, шу ўринда муҳтарам ўқувчиларимиз диққатини муҳим бир масалага қаратишни истардик. Хўш, пайғамбарлик ўзи нима? Набийлар ва расуллар кимлар?

Пайғамбарлар Аллоҳга иймон келтириб, яхши амаллар қилган кишиларга бу дунёда ва охирада яратганинг мукофотлари хушхабарини етказадилар. Аллоҳни инкор этиб, ёмон амаллар қилганларни эса дунё ва охирада шиддатли азоблар кутишидан огоҳлантирадилар.

Аллоҳ таоло «Анъом» сурасининг 48-оятида бундай дейди:

وَمَا نُرْسِلُ الْمُرْسَلِينَ إِلَّا مُبَشِّرِينَ وَمُنذِرِينَ

فَمَنْ آمَنَ وَأَصْلَحَ فَلَا خَوْفٌ عَلَيْهِمْ وَلَا هُمْ يَحْزَنُونَ

«Биз пайғамбарларни фақат хушхабар олиб келгучи ва огоҳлантиргучи қилиб юборурмиз. Кимки иймон келтириб, яхши амаллар қилса ундайларга ҳеч қандай хавф йўқ. Ва улар ҳеч ғамгин бўлмаслар».

Пайғамбарларга Аллоҳ томонидан илму маърифатнинг




етиш усуллари қуйидагича бўлади: қалбга солиш, инсон қиёфасига кирган фариштадан бевосита эшитиб олиш, уйқусида аниқ тушлар кўриш ва бошқа руҳий ҳолатлар воситасида. Бунинг ҳикмати пайғамбарлардан бошқа ҳеч ким англай олмайдилар. Парвардигорнинг ўз пайғамбарларига берувчи бу таълими «ваҳий» деб аталади.

Пайғамбар этиб танланган киши бошқаларни даъват қилишга буюрилмаса, бундай пайғамбарлар «Набий» дейилади. Агарда пайғамбарликка танланган кимсага бошқа кишиларнинг ақидасини тўғрилашлик вазифаси ҳам юклатилса, яъни элчилик қилишга буюрилса, у ҳолда бундай кишилар «Расул» деб номланади. Ҳикмати Аллоҳнинг ўзига аён бўлган бу қоидага кўра, ҳар бир «Расул» «Набий» бўлади, аммо «Набий» «Расул» бўла олмайди.

Дунё яралиб, ер юзида турли динлар пайдо бўлиб, Аллоҳ тарафидан Пайғамбарлар инсонларни шу динларга даъват этганлар.

Ҳозирги кунда бир неча динларнинг мавжудлиги ва бу динларга миллионлаб кишиларнинг эътиқод қилишининг ўзиёқ пайғамбарликнинг ҳақиқатдан бўлганлигига гувоҳдир. Чунки ҳозирда мавжуд динларнинг барчаси келиб чиқиш жиҳатидан пайғамбарликка бориб тақалади. Демак, пайғамбарларсиз бирорта дин юзага келмаган. Пайғамбарлик илоҳий фазл бўлиб, Аллоҳ таоло ўзи хоҳлаган бандасини бунга мушарраф қилади. Пайғамбарликка на ақл, на касбу маҳорат, на ортиқча ибодат, на мерос йўли билан эришиб бўлади. Балки Аллоҳ ўз бандаларидан хоҳлаганини танлаб олади ва пайғамбарлик даражасига кўтаради.



Аллоҳ таоло бу борада Қуръони каримда бундай зикр қилган:

اللَّهُ يَصْطَفِي مِنَ الْمَلَائِكَةِ رُسُلًا وَمِنَ النَّاسِ
إِنَّ اللَّهَ سَمِيعٌ بَصِيرٌ

«Аллоҳ фаришталардан ва инсонлардан ўзи хоҳлаганини пайғамбар этиб, танлаб олур, албатта. Аллоҳ барча нарсаларни эшитиб, кўриб тургувчи зотдир. («Ҳаж» сураси, 75-оят).

إِنَّ اللَّهَ اصْطَفَىٰ آدَمَ وَنُوحًا وَآلَ إِبْرَاهِيمَ
وَآلَ عِمْرَانَ عَلَى الْعَالَمِينَ

«Аллоҳ Одамни, Нуҳни, Оли-Иброҳимни, Оли-Имронни ўз даврларидаги одамлардан танлаб олди» («Оли-Имрон» сураси, 33-оят).

Пайғамбарликнинг асосий вазифалари асосан уч қисмга бўлинади.

Биринчиси, ёлғиз Аллоҳгагина иймон келтиришга кишиларни даъват этиш.

Иккинчиси, қиёмат кунига ва унда ҳар ким бу дунёдаги амалига яраша мукофот олишидан огоҳлантириш.

Учинчиси, инсонларнинг ҳар икки дунё саодатига эришишларига сабаб бўладиган шариат аҳкомларини баён қилиш.

Пайғамбарлар қайси бир даврда, қайси бир қавм-га келган бўлсалар, барчасининг асосий мақсади ва би-



ринчи даъвати Аллоҳ таолога бўлган ақидани ислоҳ қилишдан бошланган. Бандаларнинг Парвардигорга бўлган эътиқодини тўғрилаш, ёлғиз Аллоҳнинг ўзигагина холис ибодат қилишга даъват этиш, фақат Аллоҳ таологина дуо ва илтижо қилишга лойиқ зот эканлигини эътироф этиш, уларнинг бош мақсади бўлган.

Мисол учун, пайғамбарлар охират куни ҳақида хабар бермаганда эди, инсонлар ўз ақллари билан бу нарсанинг ҳақиқатини билишга қодир бўлолмасди. Натижада улар залолатга кетган ҳолларида яшайверар эдилар.

Охиратдаги ҳаётга эътиқод қилмаслик инсониятга ҳам нафсоний, ҳам ижтимоий томондан кўплаб зарар келтиради. Маълумки, ҳар бир инсон ўз ҳаётида турли касалликларни, зулму тазйиқларни, азиз бўлган яқинларидан ажралиш каби мусибатларни бошидан кечи-ради. Агар инсонда бу ҳаётдан кўра афзал бўлган охират ҳаётига эътиқод бўлса ва у ерда ҳар бир инсон ўз амалига кўра одилona мукофотланишига, ўзи яхши кўрган солиҳ кимсалар билан бирга бўлишига ишонса, у доимо яхши амаллар қилишга, ёмонликлардан ўзини сақлашга ҳаракат қилади.

Инсонлар ўз ақллари билан барча фазилатли ишларни қилишга эриша олмайдилар. Чунки уларнинг табиатлари, қизиқишлари ва истаклари турлича. Шу боисдан ҳам пайғамбарлар инсонларга Аллоҳнинг розилигини топиш йўлларини кўрсатадилар. Ўзлари яшаб турган жамиятларини ислоҳ қилишларига кафолат берадиган яхши амалларни баён қилиб беришлари ва Аллоҳнинг ғазабини келтирадиган, жамиятнинг бу-



зилишига сабаб бўладиган ишлардан инсонларни қай-тариб, огоҳлантиришлари лозим бўлади.

Пайғамбарлар юборилишининг ҳикматларидан яна бири золимларнинг узр йўлларини тўсиш эди. Яъни, қиёмат кунда золимларнинг Аллоҳ ҳузурида: «Бизларга тўғри йўлни кўрсатмаган эдинг», деб даъво қилишларига асос қолмайди. Бу тўғрида ҳам Қуръонда хабар қилинган:

رُسُلًا مُّبَشِّرِينَ وَمُنْذِرِينَ لِئَلَّا يَكُونَ لِلنَّاسِ عَلَى اللَّهِ حُجَّةٌ
بَعْدَ الرُّسُلِ ۚ وَكَانَ اللَّهُ عَزِيزًا حَكِيمًا

«Итоаткор бандаларга башорат беришлари, осийларни огоҳлантиришлари учун пайғамбарлар юбориб турдик, тоинки пайғамбарлардан сўнг одамларга Аллоҳ ҳузурида узр айтишларига ҳожат қолмасин, деб. Албатта, Аллоҳ ҳар нарсага қодир ва доно зотдир» («Нисо» сураси. 165-оят).

Қуръонда номи зикр қилинмаган пайғамбарлар ҳақида тўхталадиган бўлсак, Аллоҳ таоло бу ҳақда пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломга хитоб қилиб айтганки:

وَرُسُلًا قَدْ قَصَصْنَاهُمْ عَلَيْكَ مِنْ قَبْلُ وَرُسُلًا لَمْ
نَقْصُصْهُمْ عَلَيْكَ ۚ وَكَلَّمَ اللَّهُ مُوسَى تَكْلِيمًا

«Биз кўпгина пайғамбарлар юбордик, юқорида сизга улар ҳақида ҳикоя қилдик ва бошқа пайғамбарлар ҳам



юборганмизки, улар ҳақида сизга ҳикоя қилмадик» («Нисо» сураси, 164-оят).

Юборилган пайғамбарлар обрў-эътибор ва фазлда бир даражада эмаслигини ҳам Аллоҳ таоло баён этган:

وَرَبُّكَ أَعْلَمُ بِمَن فِي السَّمَوَاتِ وَالْأَرْضِ وَلَقَدْ فَضَّلْنَا
بَعْضَ النَّبِيِّينَ عَلَىٰ بَعْضٍ ۖ وَءَاتَيْنَا دَاوُدَ زَبُورًا

«Албатта, биз пайғамбарларнинг баъзиларини баъзисидан афзал қилиб қўйдик» («Исро» сураси, 55-оят).

Ўрни келганда ифтихор билан айтишимиз керакки, Аллоҳ таоло бизнинг пайғамбаримиз Муҳаммад алай-ҳиссаломнинг даражаларини бошқа барча пайғамбарларга нисбатан баланд қилган. Чунки у кишидан илгари ўтган пайғамбарлар фақат бир қавмга юборилган, пайғамбаримиз эса бутун инсониятга охирги пайғамбар этиб юборилдилар. Аллоҳ таоло бу ҳақда пайғамбаримизнинг ўзларига хитоб қилиб айтадики:

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا كَافَّةً لِّلنَّاسِ بَشِيرًا
وَنَذِيرًا وَلَٰكِنَّ أَكْثَرَ النَّاسِ لَا يَعْلَمُونَ

«Сизни (эй Муҳаммад) барча инсонларга башорат бергучи ва огоҳлантиргучи пайғамбар қилдик, лекин кўп одамлар буни билмайдилар» («Сабаъ» сураси, 28-оят).

Қуръони каримда пайғамбарлардан баъзиларининг «сабот эгалари» бўлганлиги баён қилинган. Буларнинг «сабот эгалари» деб номланишига сабаби шуки, улар-

нинг иродаси кучли бўлиб, бошларига машаққатли қийинчиликлар тушган, ҳаётлари эса ниҳоятда оғир кечган. Булар Нуҳ алайҳиссалом, Иброҳим алайҳиссалом, Мусо алайҳиссалом ва Исо алайҳиссаломлардир. Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом ҳам сабот эгаларидан эдилар.

Исломда пайғамбарларга ишониш (иймон келтириш) динимизнинг асосий кўрсатмаларидан биридир. Чунки Аллоҳ таоло бу ҳақда оят нозил қилган:

قُولُوا ءَامَنَّا بِاللّٰهِ وَمَا اُنْزِلَ اِلَيْنَا وَمَا اُنْزِلَ اِلَىٰ اِبْرٰهٖمَ وَاِسْمٰعِیْلَ
وَإِسْحٰقَ وَيَعْقُوبَ وَالْاَسْبَاطِ وَمَا اُوْتِیَ مُوسٰی وَعِیْسٰی وَمَا
اُوْتِیَ النَّبِیُّوْنَ مِنْ رَبِّهٖمْ لَا تَفْرِقْ بَیْنَ اَحَدٍ
مِّنْهُمْ وَنَحْنُ لَهُ مُسْلِمُوْنَ

«Сизлар (эй мусулмонлар) — «Биз Аллоҳга, бизга туширилган китобга, Иброҳимга, Исмоилга, Исҳоқга, Яъқубга, Асботларга (Яъқуб авлодларига) туширилган нарсаларга, Мусога ва Исога берилган нарсаларга, пайғамбарларга ўз Роббиси томонидан берилган нарсаларнинг барчасига ишонамиз (иймон келтирамыз), бу пайғамбарларни бир-биридан ажратмаймиз (яъни баъзисига ишониб, баъзисини инкор этмаймиз) ва биз ёлғиз Аллоҳга итоат қилурмиз», — деб айтинглар» («Бақара» сураси, 136-оят).

Мусулмонлар Аллоҳнинг барча пайғамбарларига иймон келтириб, уларни эҳтиром билан улуғлайдилар.



Кимки бирон пайғамбарни инкор этса ёки Қуръонда номи зикр қилинган пайғамбарлардан биронтасини ҳақорат қилса ундай кимса пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом шариатига иймон келтирмаган кишилардан бўлади. Аллоҳ таоло бу ҳақда «Нисо» сурасида хабар бериб бундай дейди:

إِنَّ الَّذِينَ يَكْفُرُونَ بِاللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيُرِيدُونَ أَنْ يُفَرِّقُوا بَيْنَ اللَّهِ وَرُسُلِهِ وَيَقُولُوا نَحْنُ مُؤْمِنُونَ بَعْضُ وَنَكْفُرُ بِبَعْضٍ وَيُرِيدُونَ أَنْ يَتَّخِذُوا بَيْنَ ذَلِكَ سَبِيلًا أُولَٰئِكَ هُمُ الْكَافِرُونَ حَقًّا
وَأَعْتَدْنَا لِلْكَافِرِينَ عَذَابًا مُّهِينًا

«Қайси бир кимсаларики, барча пайғамбарларга иймон келтирмай, Аллоҳ ва унинг пайғамбарларини инкор қилиб, Аллоҳ билан унинг пайғамбарлари орасини ажратишни исташиб, «баъзи пайғамбарларга иймон келтирамиз ва баъзисини инкор этамиз» дейишиб, ўзлари-ча ўртача йўлда (яъни куфр ва иймон аралаш ўртача йўллар) бўлишни хоҳласалар, бундай кишилар ҳақиқий кофирдурлар» (150— 151-оятлар).

Ислом ўзининг ушбу одилона таълимоти билан ер юзи аҳолиси ўртасида бирликка, иноқликка, биродарликка асос солди.

Аллоҳ субҳонаҳу ва таоло ўз пайғамбарларини гўзал ахлоқли, наслу насабли, ростгўй, зийрак инсонлар ичидан танлаб олди ва уларга айнан ана шу инсоний хислатларни мукамал қилиб берди. Уларни айблар-



дан, инсонлар нафратланадиган ҳар хил касалликлардан доимо сақлаб келди. Аллоҳ таоло уларни доимо ўз ҳифзу ҳимояти остида сақлаб, уларга мададкор бўлиб турганлигини Қуръони каримда қуйидагича хабар қилади:

وَأَصْبِرْ لِحُكْمِ رَبِّكَ فَإِنَّكَ بِأَعْيُنِنَا وَسَبِّحْ بِحَمْدِ رَبِّكَ حِينَ تَقُومُ

«(Эй Муҳаммад) Сабр қилинг, (ва парво қилманг) албатта сиз бизнинг назаримизда, ҳифзу ҳимоятимиздасиз» («Тур» сураси, 48-оят).

Пайғамбарларга одоб ўргатиш, тарбия бериш кафолатини Аллоҳ таоло ўз зиммасига олди ва уларни гуноҳ ишлар қилишдан ўзи сақлади. Пайғамбарларгагина хос бўлган бундай турмуш тарзи бутун инсонлар ибрат олиши учун ирода қилинди:

وَجَعَلْنَاهُمْ أَيْمَةً يَهْتَدُونَ بِأَمْرِنَا وَأَوْحَيْنَا إِلَيْهِمْ فِعْلَ

الْخَيْرَاتِ وَإِقَامَ الصَّلَاةِ وَإِيتَاءَ الزَّكَاةِ وَكَانُوا لَنَا عَبِيدِينَ

«Биз уларни ўз буйруқларимизга юрадирган пешволардан қилиб қўйдик ва уларга яхши амалларни бажариши, намоз ўқишлари, закот беришлари лозимлиги ҳақида ваҳий юбордик, чунки улар бизга итоаткор эдилар» («Ал-Анбиё» сураси, 73-оят).

Дарҳақиқат, Аллоҳ таоло энг сўнгги элчиси Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳам болаликдан Ўз ҳифзу ҳимоясида сақлаб, гуноҳ ишлардан, ёлғон эътиқодлардан асраб улғайтирди. Яхши амаллари туфайли ўз қавмдошларидан афзал қилиб қўйди. Ниҳо-



ят, у кишига тушларида, баъзан ҳушларида яхшиликлардан нишона бергувчи ишоратлар қила бошлади. Бу ҳол олти ойга яқин давом этди.

Ана шундай кунларнинг бири эди. Тўғрироғи, милодий 610 йилнинг Рамазони эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар йилги анъанага мувофиқ бу йил ҳам Рамазон ойини Ҳиро тоғида ўтказмоқчи бўлдилар. Бу тоғ Маккадан беш-олти чақирим узоқликда, қуп-қуруқ чўлнинг ўртасида жойлашган эди. Муҳаммад алайҳиссалом яна ёлғиз қолиб Аллоҳга ибодат қилиш учун мана шу манзилга келдилар.

Рамазон ойининг йигирма олтинчи куни билан йигирма еттинчи кунини боғловчи улуғ тун ниҳоясига етди. Эрта тонг эди. Бир пайт Муҳаммад Амин қандайдир овоздан уйғониб кетди. Орадан кўп ўтмай, унинг қаршисида умрида ҳеч қачон кўрмаган бир хилқат пайдо бўлди. Бу Аллоҳ таолонинг махсус вазифа билан жўнатилган ваҳий фариштаси Жаброил эди.

Фаришта Муҳаммад ибн Абдуллоҳга: “Иқро бисмироббика”, яъни “Парвардигоринг номи билан ўқи!” деди. У ҳаяжон ичида жавоб берди: “Мен ўқишни билмайман”. Фаришта унинг белидан маҳкам сиқиб яна “Ўқи!”, деб хитоб қилди. Бу сафар Ал-Амин: “Мен умримда ўқиган инсон эмасман”, деб жавоб берди. Ахир унинг бошқача жавоб бериши ҳам мумкин эмасди-да. Чунки шу кунгача у на ўқишни, на ёзишни биларди.

“Ўқи!” хитоби уч марта такрорлангач, Пайғамбаримиз Жаброил алайҳиссалом билан беш оятдан иборат илк ваҳийни биргаликда ўқидилар:

اقْرَأْ بِاسْمِ رَبِّكَ الَّذِي خَلَقَ ﴿١﴾ خَلَقَ الْإِنْسَانَ مِنْ عَلَقٍ ﴿٢﴾

اقْرَأْ وَرَبُّكَ الْأَكْرَمُ ﴿٣﴾ الَّذِي عَلَّمَ بِالْقَلَمِ ﴿٤﴾

عَلَّمَ الْإِنْسَانَ مَا لَمْ يَعْلَمْ ﴿٥﴾

“Эй Муҳаммад алайҳиссалом, Сиз ўзингизга но-
зил бўладиган Куръонни барча мавжудотни) яратган
Зот бўлмиш Парвардигорингиз номи билан (бошлаб)
ўқинг! У инсонни лахта қондан яратган (Зотдир). Ўқинг!
Сизнинг Парвардигорингиз (инсониятга) қаламни (яъни,
ёзишни — хатни) ўргатган ўта қарамли Зотдир. У Зот
инсонга унинг билмаган нарсаларини ўргатди” (*Алақ
сураси, 1-5-оятлар*).

Фаришта ғойиб бўлди. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ бу
ғайритабиий ҳодисадан ўзини йўқотиб қўйди. Унинг
бутун вужуди титрарди. Бу қўрқув уни уйига қайтиш-
га ундади. Фордан чиқдилар. Кечқурун форга Муҳам-
мад ибн Абдуллоҳ бўлиб кирган бўлсалар, мана, эрта
тонгда Муҳаммад Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-
саллам бўлиб, мисли қуёш янглиғ оламга нур сочиб
чиқдилар.

У зот уйига титроқлари тарқалмаган бир алфозда
кириб келдилар. Ҳазрати Хадича онамиз шошиб қолди.
Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам дарҳол бо-
риб ётдилар. “Менинг устимни ёпинг, тезроқ ёпинг!”,
дедилар. Орадан бироз вақт ўтгач, у киши тинчланди
ва Хадича онамизга бўлган воқеани гапириб бердилар.
Онамиз билимдон ва оқила аёл бўлганликлари боис



даврининг пешволаридан бўлган амакиваччаси Варақа ибн Навфал кўмагида келган хилқатнинг ваҳий фариштаси Жаброил эканини аниқлади. Жияни Хадичанинг гапларини эшитган Варақа ҳаяжонланганидан:

— Қуддус, Қуддус! — деб бақриб юборди. — Бу Буюк Аллоҳнинг Мусо алайҳиссаломга юборган Номуси Акбаридир!

Кутилмаганда бошланган ваҳий кутилмаганда тўхтаб қолди. Ваҳий қанча вақт тўхтаганлиги ҳақида эса турли фикрлар мавжуд. Нима бўлганда ҳам ваҳий тўхтаб қолган бу дамларда Пайғамбаримиз кўп дилгир бўлдилар. Кечаю кундуз ваҳий интизорлигини тортди.

Ниҳоят, у зот кутган кун келди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одатдагидек Ҳиро горидан қайтаётиб, Батни Водийга етишганларида:

— Ё Муҳаммад! Ё Муҳаммад! — деган овозни эшитадилар.

Пайғамбаримиз кўкка қарадилар. Кўк билан ернинг ўртасида бутун уфқни тўсиб қўйган, таърифи сўзга сифмайдиган ҳайбатли бир мавжудот қиёфасида Жаброил алайҳиссалом турарди. Унинг ҳайбатидан чўчиб кетган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйга шошилдилар.

Аммо бу сафар у кишига кўрпага бурканиб ётишларига изн берилмади.

يَا أَيُّهَا الْمُدَّثِّرُ قُمْ فَأَنْذِرْ وَرَبَّكَ فَكَبِّرْ


وَيَسَّابِكَ فَطَهِّرْ وَالرُّجْزَ فَاهْجُرْ



“Эй (либосларига) бурканиб олган зот, туринг-да, (инсонларни охират азобидан) огоҳлантиринг! Ёлғиз Парвардигорингизни улуғланг! Либосларингизни пок тутинг! Бутлардан йироқ бўлинг!”, дея хитоб қилинди. (Муддассир сураси, 1-5-оятлар).

Мана шу тариқа бошланган ваҳий Жаброил алайҳиссалом воситасида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга 23 йил давомида нозил бўлиб турди. Кейинроқ бу илоҳий ваҳийлар — оятлар, жамланиб, Қуръони карим ҳолига келтирилди.

Зоҳидхон Қодир Отахон ўғли,
Зокир ХУДОЙШУКУРОВ



Расулуллоҳнинг (с.а.в.)
мўъжизаларини баъзи олимлар
уч мингга яқин эканлигини қайд
этишган. Бу илоҳий тухфаларнинг
бир қисми бевосита ўзларининг вужуд-
лари-муборак аъзоларига тегишли бўлса,
қолганлари бутун махлуқот билан алоқа-
дордир.

* * *

У зотнинг (с.а.в.) сояи мубораклари ерга туш-
маган. Қаршисида турган нарсаларни қандай кўрса-
лар, ортида турганларни ҳам худди шундай кўра ол-
ганлар. Муборак оёқларини қумга боссалар ҳеч бир
из қолмас, тошга боссалар из қолар эди.

* * *

Уша кеча ой ўн тўрт кунлик эди. Расулуллоҳ
(с.а.в.) муборак бармоқларини кўтариб ойга ишо-
рат қилдилар, Аллоҳ таолонинг амри билан ой ик-
кига бўлиниб бир қисми ўз ўрнида қолди, иккинчи
бўлаги Жароға тоғининг тўғрисиغا келиб
турди. Расулуллоҳ уларга қарата: "Ал-
лоҳнинг қудратини кўрдингларми?" де-
дилар. У толеъи насллар шундай улуг
мўъжизани ўз кўзлари билан кўриб
туриб ҳам иймон келтирмади.



ИЛОҲИЙ ТУҲФА

(Мўъжизалари)

Пайғамбарликнинг ҳам ўзига хос нишонлари бўлган. Ана шу нишонларнинг ҳар бири расулликни тасдиқлайдиган ҳужжат вазифасини ўтаган. Инчунун, мўъжиза ҳам нубувват тожининг белгиларидан биридир.

Мўъжизанинг луғавий маъноси “ожиз қолдирувчи”дир. Яъни мўъжиза бошқаларни ҳайратга солиб, уларни лол қолдиради, улар бундай ишни қилишдан ожиз бўладилар. Истилоҳда эса пайғамбарларнинг пайғамбарлигини тасдиқлаш учун Аллоҳ томонидан бериладиган одатдан ташқари, бошқаларнинг қўлидан келмайдиган ишлардир.

Алишер Навоий ҳазратлари ёзганидек:

*Қайда хавориқ била мўъжиз дурур,
Ақл онинг идрокида ожиз дурур.*

Дарҳақиқат, хориқи одат ва мўъжизаларни идрок қилишдан инсон ақли ожиз бўлиб келган. Чунки, банда заиф қилиб яратилган ва унинг ақли ҳам истаймизми-истамаймизми чегараланган...

Маълумки, пайғамбарлардан мўъжиза талаб қилиш, улар кўрсатган мўъжизалар билан кўнгилга таскин

бериш ҳамийша инсонларни қизиқтириб келган. Ўз даврида ҳазрат пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васалламдан содир бўлган мўъжизаларни кўрган мўъминларнинг ишонч-эътиқодлари, садоқатлари ортган. Шунинг баробарида, пайғамбарликни инкор этувчи бадбахт кимсалар ҳам бўлганки, улар Аллоҳ таоло элчи қилиб юборган пайғамбарни ожиз қолдириш, унинг устидан кулиш, масхаралаш ва ёлғончига чиқариш учун қасддан мўъжизалар талаб қилишган. Шу боисдан ер юзида қанча пайғамбар яшаб, ўз қавмларини имонга даъват этган бўлса, уларнинг ҳаммасини Аллоҳ субҳонаху таоло турли мўъжизалар билан қувватлантирган. Жумладан, кофирлар Иброҳим алайҳиссаломни ўтда куйдирмоқчи бўлиб, ёниб турган гулханга улоқтирганда, у мўъжиза туфайли оловдан саломат чиққан. Юсуф алайҳиссалом тушларни тўғри таъбир қилгани боис зиндондан озод бўлган, Сулаймон алайҳиссалом паррандаю даррананинг тилини билган...

Мўъжизалар пайғамбарларга ўз даврига хос тарзда ато этилган. Шайх Акбарободийнинг таъкидлашича: «Одати Илоҳи жалла зикруху андоғ жорий бўлгандирки, ҳар бир пайғамбарга умматлари учун андоғ мўъжизалар бергайки, аларни майл ва рағбатлари анга кўб бўлғай. Чунончи, Мусо алайҳиссалом замонларида қавмларининг рағбати илми сеҳрни таҳсилига эрди, бинобарин, Мусо алайҳиссаломнинг мўъжизаларини ани жинсидан этти. Масалан, дарёни ёрилмоғи ва қибтийлар учун сувни қон бўлмоқи ва асони аждаҳо бўлмоқи ва мунга ўхшаш. Ва ҳам Исо алайҳиссалом

замонларида халқни майли илми тиб таҳсилига эрди. Исо алайҳиссаломнинг мўъжизалари ўликни тиргуз-мак, кўр ва песни тандуруст қилмоқ бўлди»¹.

Расуллар тасодифий одамлардан танлаб олинмаган. Аллоҳ субҳонаҳу таолонинг лутфу инояти билан улар дунёга келганлариданоқ бошқалардан намунали хулқлари, айрича хислат ва фазилатлари билан ажралиб турган. Улардан ҳатто чақалоқлик давриданоқ мўъжизанамо ҳолатлар содир бўлган. Пайғамбарлик даражасига етгунга қадар вужудга келган бундай ҳайратланарли ишлар «ирҳос» дейилган. Сўфи Аллоҳёр “Саботул-ожизин”да таъкидлайди:

*Набийдин хориқи одатни таъйин,
Дедилар мўъжиза, эй толиби дин.
Нубувватдин бурунни дерлар ирҳос,
Муни билсанг керакдур, аййуҳаннос.
Агар солиҳ кишидин бўлса ҳар гоҳ,
Кароматдин бўлур бешакку ашбоҳ.
Кўрунса бир авом мўмин ишидин,
Маунатдир ўшал айғон кишидин.
Агар кўрсатса мундоғ кофир инсон,
Ул истидрож эрур монанди Шайтон...*

Ҳар бир пайғамбардан пайғамбарлик мақомига эришгунга қадар зуҳурга келган ҳодисалар “ирҳос” дейилган. Масалан, Расули акрамнинг таваллуд онларидаги турли ғайритабиий воқеа ва ҳодисалар, «асҳоби

¹ Шайх Акбарободий. «Нодирул меърожи туркий» Тошкент «Азия»-нашриёти, 1329 ҳижрий, (1910— 1911 мелодий), 541-бет.



фил» воқеаси (бу воқеа Куръонда «Фил» сурасида баён этилган) ва Исо алайҳиссаломнинг гўдаклик пайтларидаёқ одамларга гапирганлари “ирҳос” нинг намуналаридир. Аммо мазмун-моҳияти бир бўлса ҳам ирҳос мўъжиза ҳисобланмайди.

Мўъжизалар ҳақида кўп китоблар ёзилган. Баъзи олимлар уларнинг уч мингга яқин эканлигини қайд этишган. Мўъжизаларнинг бир қисми бевосита ўзларининг вужудлари-муборак аъзоларига тегишли бўлса, қолганлари бутун махлуқот билан алоқадордир.

Ҳадиси шарифларда ҳам мўъжизалар нақл қилинган. Анас розияллоҳу анҳудан ривоят қилинган бир ҳадисда келтирилишича, Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам Заврода саҳобалари билан турганларида у зотга бир идиш келтирилади. Ҳазрат пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўлларини идишга соладилар. Шунда У зотнинг панжалари орасидан сув чиқа бошлайди. Қавм у сувга таҳорат қиладилар. Қатода деган саҳоба Анас розияллоҳу анҳудан бу воқеа ҳақида: “Ўшанда неча киши эдинглар?” деб сўраганида, “Уч юз ёки уч юзга яқин киши эдик” деб жавоб берган эканлар. (Ҳадис икки шайхдан ривоят қилинган).

Шунингдек, уламолар мўъжизани икки турга —ҳиссий ва ақлий мўъжизаларга ажратишган.

Ҳиссий мўъжизаларга келсак, бу кишиларни ошкора ҳайратга соладиган бир ишни бажариш асносида Тангри таолонинг қудратли зот эканини намоёиш этмоқ ва Пайғамбарнинг ҳақ гапираётганига далил-ҳужжатдир.

Расули акрамнинг вужудларига тегишли мўъжизалардан бири, «Онҳазрат алайҳиссаломнинг муборак



жасадларининг сояси ерга тушмас эрди”. Алишер Навоий ҳазратлари ҳам ушбу мўъжизани тилга олиб, энг муҳтарам зотнинг пок ва улуғ хилқатларига ишора қилади:

*Соя агар бўлмади шахсингга ёр,
Сояи қадрингда дурур ҳар не бор.*

Шунингдек, “Муборак кўзлари олдинни қандай кўрса, орқани ҳам шундай кўрар эди”. “Муборак бурунлари фаришталарнинг ҳидини сезар эди. Жаброил алайҳиссалом келишларидан олдин ўзларини ваҳийга тайёрлар эдилар”. “Муборак қалблари ҳамиша уйғоқ эди”. “*Кўзим ухласа ҳам қалбим уйғоқ бўлади*”, деб айтардилар”. “Ҳамиша у зоти олийнинг баданларидан ва муборак либосларидан хушбўй ҳид таралиб турарди”. “Кулоқлари узоқдагини эшитар, уйқу ҳолатида ҳам уйғоқ каби эшитар эдилар”. Қоринларидан чиққан ахлатни ер ютиб юборар эди ва ҳок²...

Яна бир мўъжиза — Пайгамбаримизнинг “Муборак пешоналари эрдик, андин тикан дарахтига муборак терлари томғон эрди, дарҳол ул тикан гул бўлди. Онҳазрат соллаллоҳу алайҳи васалламнинг терларини асҳоб юзига суртар эрдилар, токи, хушбўй бўлғайлар”. Турк мутасаввиф шоири Юнус Эмро бу мўъжизани қуйидагича шеърга солган:

*Яна сўрдим чечакдин
Гул сизин нениз бўлур.
Чечак айтур, эй дарвеш,
Гул Муҳаммад теридир...*

² Муҳаммад алайҳиссаломнинг мўъжизалари. Тошкент. «Мовароуннаҳр», 1992 й. 14-б.



“Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Тобу чўлида бармоқлари орасидан эллик минг киши от-улови билан ичиб қонишига бемалол етадиган сув чиқардилар. Расулуллоҳнинг бу мўъжизалари шунча кўп аскар кўз олдиларида бўлганидан, унинг аниқлигига ҳеч қандай гумон йўқ. Ундан шубҳаланганлар Макка шаҳрининг борлигига гумон қилгандек бўлиб кулгуга қолгайлар...”.

“Бурайда биннул Ҳасиб розияллоҳу анҳу ривоят қилурларки, бир аъробий (яъни саҳройи араб) Онҳазрат соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдиларига келиб айди:

— Ё, Расулуллоҳ, мусулмон бўлдим ва сизнинг ҳузурингизга ислом бирла келдим. Аммо менга бир мўъжизани кўрсатингки, менинг яқийним(ишончим) зиёда бўлсин.

Айтдилар:

— Нима мўъжиза тиларсан?

Айтди:

— Бу дарахтни чақиринг, токи, сизни олдингизга келсин.

Айтдилар:

— Эй, аъробий, боргил, мандин унга лаём (салом) айтгил ва уни мани ҳузуримга талаб этгил.

Аъробий ул дарахтни олдига бориб айтди:

— Расули Худо сани чақирадур, унга жавоб бергил.

Анда ул дарахт бир тарафга мойил бўлиб, барча томирларини тортди(суғурди), яна иккинчи тарафга мойил бўлиб, ҳаммасини ердан узди. Этагини судраб, Онҳазрат алайҳиссаломнинг хизматларига келди ва айтди:

— Ассалому алайкум!

Ул вақт аъробий айтди:



— Ҳасбий, ҳасбий, — яъни манга бу мўъжиза кифоя бўлди, — деди.

Расул алайҳиссалом ул дарахтга рухсат бердилар, боз (яна) ўз жойига қайтди³.

“Келтурубдурларки, бир кимса чап қўли бирла таом ошар эрди. Расул алайҳиссалом анга айттиларки: “Ўнг қўлинг бирла ошагил!”. Ул кимса ёлғондин пинҳона қилиб айтдики: “Ўнг қўлим бирла ошолмасман”. Онҳазрат алайҳиссалом айтдиларки: “Ошолмассан!”. Сўнгра асло ўнг қўли оғзига етмади”⁴.

Айниқса, Пайғамбаримизнинг Макка мушриклари талабига кўра мўъжиза кўрсатиб ойни иккига бўлганликлари жуда машҳур. Қурайш раисларидан Валид ибн Муғйира, Абу Жаҳл, Ос ибн Воид ва яна бир неча киши тўпланиб пайғамбаримиздан мўъжиза кўрсатишни талаб қилдилар. Уларнинг талабига кўра Расулуллоҳ ойни иккига бўлишлари керак эди. Нима учун тоғни, туяни ёки бўлмаса бошқа бирор нарсани эмас, айнан ойни? Негаки, улар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни жодугар билиб, “Жоду ердаги нарсаларга таъсир қилади, кўкка таъсир қилмайди”, деб ҳисоблар эди. Шу ғарибона тушунчаларига қаттиқ инонган Қурайш раислари шунга аҳд бердиларки, пайғамбаримиз шу ишни уддалай олсалар, улар у зотнинг сўзлари ростлигини тасдиқлаб, Аллоҳнинг борлигига ва Муҳаммад алайҳиссаломнинг ҳақ пайғамбар эканига имон келтириши лозим эди.

Шу кеча ой ўн тўрт кунлик эди. Улар бу талабни қўйгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам му-

³ Мазкур асар, 23-24-б.

⁴ Мазкур асар, 49-б.

борақ бармоқларини кўтариб ойга ишорат қилдилар, Аллоҳ таолонинг амри билан ой иккига бўлиниб бир қисми ўз ўрнида қолди, иккинчи бўлаги Жароъа тоғининг тўғрисига келиб турди. Расулulloҳ уларга қарата: “Аллоҳнинг қудратини кўрдингларми?” дедилар. У толеъи пастлар шундай улуғ мўъжизани ўз кўзлари билан кўриб туриб ҳам иймон келтирмади. Аксинча, “Муҳаммад бизни сеҳр қилди”, деб ғавғо кўтарди. Шунда ҳар томондан келган йўловчилар “Биз йўлда ойнинг икки бўлинганини кўрдик”, дея гувоҳлик берди. Уларнинг ғайридинлари бу мўъжиза таъсирида Ислом динини қабул қилиб, ҳидоят йўлига кирди. Аммо мушриклар шу билан ҳам тавфиқ топмади. Мўминларнинг иймони эса яна зиёдароқ бўлди.

Мўъжиза одамларни икки жиҳати билан ожиз қолдиради. Булар бажарилган иш кўлами ва ана шу ишнинг қандай куч-қудрат маҳсули экани. Айтайлик, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ишорати билан ой иккига бўлинди. Заминдан минглаб километр баландликдаги ойни ердаги одам ҳатто жойидан ҳам жилмасдан икки бўлакка ажратиши ақлга сиғадиган иш эмас. Бу мўъжиза қошида ҳар қандай одам ҳайратдан ёқа ушлаб қолиши табиий. Аммо бу мўъжиза қай йўсинда амалга оширилди? Пайғамбар алайҳиссаломга ким куч-қувват ато этди? Мана шуниси масаланинг муҳим жиҳати ва бунинг моҳиятини англашга ақл ожизлик қилади...

Мўъжизаларнинг гарчи катта-кичиги бўлмаса-да, уларнинг ичида энг машҳурлари ҳақида кўп фикрлар билдирилган. Мўъжизалар пайғамбаримиз томонидан турли ҳолат ва вазиятларда ҳар хил кишиларга кўрса-



тилган. Айрим мўъжизалар бир гуруҳ кишиларга, айримлари алоҳида шахсларга тааллуқли бўлган. Мўъжизалар мусулмон ё кофир, эркак ё аёл, қари ё ёш, парранда ё дарранда, ҳар хил ўсимлик ва гиёҳларга, умуман, ердаги ва самодаги жисмларга баробар таъсир этган. Одамларни тўлқинлантирган, ҳайратга солган. Кимдир бир мўъжиза кўрибоқ мусулмон бўлса, кимдир бир қанча мўъжизаларга гувоҳ бўлиб ҳам исломга кирмаган. Жумладан, Абу Жаҳл каби мушриклар пайғамбаримиздан ҳар қанча мўъжизалар кўрсалар-да, уни сеҳр ва афсунга йўйиб, иймон гавҳаридан бенасиб қолган. (Бундай бадбахтликдан Аллоҳнинг ўзи асрасин!)

Шарқ адабиётида, жумладан, туркий адабиётда ҳам Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари билан боғлиқ жуда кўп асарлар битилган. Илк ёзма ёдгорликлардан тортиб ҳозирги кунга қадар ўтган шоир ва адиблар пайғамбаримиз мўъжизаларига бот-бот мурожаат этганлар.

Ҳиссий мўъжизалар нақадар ҳайратланарли, қанчалар жозибадор бўлмасин, улар пайғамбарликни исботловчи ҳужжатдир. Шу боисдан бу мўъжизалар боқий эмас. Масалан, Исо алайҳиссалом пес касаллигининг энг оғир кўринишини даволаганлар. У зот ўтиб кетганларидан кейин на издошлари ва на бошқа қавмдан бирор киши бу касалликни даволай олгани йўқ. Муҳаммад алайҳиссаломдан бошқа бирор кишига ҳам ойни иккига бўлиш қуввати берилмаган. Шу жиҳатдан у зоти покнинг энг улуғ мўъжизалари, уламолар яқдиллик билан эътироф этганидек, Қуръони каримдир.



Зотан, Пайғамбаримизнинг ўзлари “*Ўтган пайғамбарларга берилган мўъжизалар улар ўтганидан сўнг умматларининг қўлида қолмаган. Аммо менга берилган мўъжизаларнинг энг улуғи Қуръондир. Уни умматларимга қолдирдим. Унга амал қилганлар қиёматгача адашмайди*”, дея марҳамат қилганлар. Шу боисдан ҳам

ҚУРЪОНИ КАРИМ ЭНГ УЛУҒ МЎЪЖИЗАДИР

Шайх Акбарободий Қуръоннинг мўъжизаларга, илоҳий маъно ва сирларга кон эканини алоҳида таъкидлайди. “Барча мўъжизалардан энг равшан ва қувватлироғи Қуръони каримдир. Тўғри ва Ҳақ йўлга бошловчи бу муқаддас китоб ҳамма мўъжизаларнинг ўн ҳиссасидин тўққиз ҳиссасидир, балки, мингларча мўъжиза анда пайдодир, одам фарзандининг қуввати ани баробарида сўзламакдин ожиз ва лолдур...”

Дарҳақиқат Қуръони карим пайғамбаримизга берилган энг олий ва улуғ мўъжизадир.

Муфассир олимлар Қуръони каримнинг илоҳий китоб эканлигига кўплаб далиллар келтиришган. Жумладан:

— Ҳазрат пайғамбаримиз уммий-саводсиз бўлатуриб, бундай китобнинг ёзишлари мумкин эмаслиги;

— Қуръон оятлари фасоҳат ва балоғати(етук ва нозик иборалари) билан арабларнинг ҳар қандай моҳир ва санъаткор шоирларини ҳам лол қолдиргани;

— Қуръон ўтмиш ва келажакдаги ғойиб нарсалардан хабар бергани;

— Фан ва техника ривожланмаган бир даврда бу илоҳий китобнинг илмий мўъжиза ва кашфиётларга бойлиги ва ҳ.к.



Қуръон мазмуни билан чуқур танишмаган ҳар қандай киши ҳам юқоридаги далиллар ҳақида озроқ мулоҳаза қилса, Қуръоннинг илоҳий китоблигини тан олмасдан иложи йўқ!

Одатда инсон кўпинча ақлни ишлатишдан кўра эҳтиросга берилади, нафснинг, кибрнинг қутқуларига қулоқ солади. Шу боисдан Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламга нозил бўла бошлаган Қуръони каримнинг мўъжизалигини ўз кўзи билан кўриб турган бўлса-да, илоҳий ҳидоятдан бенасиб бўлгандан кейин саркашлик қилади, ҳақиқатни тан олгиси келмайди. «Кофирлар айтадилар:

وَقَالُوا لَوْلَا أُنزِلَ عَلَيْهِ آيَاتٌ مِّن رَّبِّهِ قُلْ إِنَّمَا الْآيَاتُ

عِنْدَ اللَّهِ وَإِنَّمَا أَنَا نَذِيرٌ مُّبِينٌ أَوَلَمْ يَكْفِهِمْ أَنَا أَنْزَلْنَا

عَلَيْكَ الْكِتَابَ يُتْلَى عَلَيْهِمْ إِنَّ فِي ذَلِكَ لَرَحْمَةً

وَذِكْرَى لِقَوْمٍ يُؤْمِنُونَ

«Нима учун Муҳаммад (алайҳиссалом)га Худо тарафидан *Мусонинг асо(ҳасса)сига, Солиҳнинг туясига ўхшаш мўъжизалар* нозил қилинмайди?» Уларга айтгил: «Мўъжизалар нозил қилиш Худонинг ҳукмида, *менинг ихтиёримда эмасдир*. Менинг вазифам — сизларга Худонинг ҳукмини етказмоқ, холос» Булар учун Сенга нозил қилганимиз ушбу китоб (*Қуръон*) кифоя қилмасми?! Бу *Қуръон* уларга тиловат қилинади, *ғайб ишлардан хабар беради*,



ахир ундан улуг мўъжиза бўладими? Албатта, бу Қуръон ниймон келтирган одамларга раҳмат ва панд-насихатдир”. (Анкабут сураси, 50-51-оятлар).

Қуръон сўз санъатини қадрлайдиган, шеъриятда, фасоҳат ва балоғатда машҳур бўлган араб хал-қини ҳайратда қолдирган. Унинг муқобаласида арабларнинг ҳар қандай машҳур шоирлари, нотик ва сўзамоллари лол қолиб, Каломуллоҳнинг илоҳий китоб эканини тан олишган. «...Араблар ҳам Қуръон уларни ожиз қолдирганидан сўнг ҳеч нарса дея олмай қолдилар. Қуръонни эшитган пайтда араб сўз усталарининг энг катталари ҳам унга бош эгдилар. Қуръон қаршисида машҳур шоирларнинг ҳам тили тутилиб қолди. ...Аллоҳ таоло Исро сурасининг 88 –оятда шундай дейди:

قُلْ لِّينِ اجْتَمَعَتِ الْاِنْسُ وَالْجِنُّ عَلٰى اَنْ يَّاتُوْا بِمِثْلِ

هٰذَا الْقُرْاٰنِ لَا يَّاتُوْنَ بِمِثْلِهٖ وَلَوْ كَانَتْ بَعْضُهُمْ لِبَعْضٍ ظَهِيْرًا

«Эй Муҳаммад кофирларга айтгил: “Худога қасамки агар инсон ва жиңлар фасоҳат ва балоғатда Қуръонга ўхшаш бошқа бир Қуръон тайёр қилиш истагида *итти-фоқ бўлиб* жамлансалар ва агарчи баъзилари баъзиларига ёрдамчи ва мададкор бўлсалар ҳам, (ушбу ишни) ҳаргиз қилолмайдилар *ва қўлларидан ҳам келмайди*».

...Ислом динида эса, бошқа динларга қараганда фарқли равишда, бу дин ҳақиқатдан Аллоҳнинг дини эканига мўъжиза — ҳужжат қилиб Қуръон келтирилди.

Бу китоб ўзининг барча жиҳатлари: қонун-қоидалари, тил ва услуби, ифода баёни, моддий ва маънавий



шифолиги, юксак маънолари ва ҳидоятга бошлаши билан башариятни лол қолдирган ва қолдириб келмоқда.

Дарҳақиқат, Қуръонни шеър билиб, унга тенглаштириб сўз тиза оламан, деб Мусайлама Каззобга ўхшаганлар уч-тўрт жумла ёзиб, ҳатто ўз тарафдорлари ичида ҳам кулгу бўлди.

Бундан ўн тўрт аср олдин Қуръонда хабар берилган масалалар, илмий мўъжизалар бугун замонамизнинг энг улуғ олимлари томонидан тасдиқланмоқда ва бу олимларнинг бир қатор ғайридинлари инсоф юзасидан Исломни қабул қилмоқда. Аммо таассуфки, Қуръоннинг ҳақлигини била туриб ҳам ундан баҳра олиш ўрнига уни инкор қилиб Аллоҳ таолонинг қаҳрига учраган жоҳил бандалар ўша даврлардаги каби ҳозир ҳам бор.

«Аҳли Китоб олимлари Расулуллоҳни синамоқ учун Таврот, Инжилдаги ёзилмиш бирмунча хабарлардан, Мусо билан Хизр алайҳиссаломларнинг суҳбатларидан, Юсуф алайҳиссалом билан акаларининг воқеаларидан, Асҳоби Қаҳф, Зулқарнайн хабарларидан, инсон руҳининг ҳақиқати нима эканидан саволлар бердилар. Ваҳий орқали бу саволлар Расулуллоҳга маълум бўлди. Сўраган саволларига қаноатлантириб жавоб бердилар. Алар кўрдиларким, Расулуллоҳнинг берган жавоблари ўз китоблари Таврот ва Инжилга мувофиқ чиқди, “Муҳаммаднинг жавоби тўғридир”, деб тасдиқ қилмоқдан ўзга чора тополмадилар. Баъзилари инсофга келиб, иймон келтирган бўлса ҳам куфр, ҳасад балчиғига ботган бир қанчалари бу улуғ неъматдан бебаҳра қолди.

Чунки ҳақиқий ҳидоят Аллоҳдан бўлса ҳам, ҳидоят талаб қилмоқ банданинг вазифасидир. Талаб қилмаган



кишиларни ҳидоят қилмоққа қудрати етса ҳам уни ато қилмайди. Банда ўз ихтиёрича келиб тавба эшигини қоқиб, Аллоҳдан ҳидоят сўрамоғи керак. Банда сўрамагунча, ул эшикни очмоқ Аллоҳга одат эмасдир...

Яна шуни билмак керакким, Қуръоннинг мўъжизалигини ақл ишлатган, фикр юргизган кишилар бошқалардан яхшироқ билгайлар. Ислом динининг ҳақлигини билгудек, ҳақ йўлни ботил йўлдан ажратгудек ақлни Аллоҳ таоло барчага бермишдир. Шунчалик ақлнинг бўлиши бари инсонда баробардир. Шунинг учун Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдилар:

«Алқуръону ҳужжатун лака ав алайка». Маъноси: «Қуръон сенинг фойданга ёки зиёнинга ҳужжат» демакдур»⁵.

Қуръони карим мусулмонларни қанчалик тўғри йўлга, ҳидоятга бошлаган бўлса, ижтимоий ҳаёт, бадий адабиёт ва илму-фан равнақи учун ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилган ва қилмоқда.

Довуд алайҳиссаломга тушган Забур, Мусо алайҳиссаломга тушган Таврот, Исо алайҳиссаломга тушган Инжил-чи, улар ҳам ҳозир мавжуд-ку?! деган савол туғилиши табиий. Ана шу савол жавобининг ўзиёқ Қуръони каримнинг мўъжизалиги исботидир. Жаноби Аллоҳ марҳамат қиладики:

إِنَّا نَحْنُ نَزَّلْنَا الذِّكْرَ وَإِنَّا لَهُ لَحَافِظُونَ

“Биз албатта. Қуръонни Сенга нозил қилдик. Албатта, Биз то қиёматгача (уни) ўзгартиришлардан ва йўқ бўлишдан сақлаймиз”. (Ҳижр сураси, 9-оят).

⁵ Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Тошкент «Мовароуннаҳр» 1997й. 89-б.



Ояти каримадан аён бўлмоқдаки, Куръони карим Аллоҳ таолонинг ҳимоясида. Шу боисдан неча замонлар ўтса ҳам, қандай ёвуз ниятли кишилар уни йўқ қилмоқчи бўлиб уринсалар ҳам, унинг бир ҳарфини ўзгартира олмади. Аксинча, шум ниятлари туфайли ўзлари бир балога йўлиқиб, шарманда-ю шармисор бўлди. Олдинги китоблар — Забур, Таврот ва Инжилни сақлаш вазифаси эса ҳар бир пайғамбарнинг ўзига топширилган эди. Шу боисдан пайғамбарлар ўтиб кетганларидан сўнг бу китоблар уларнинг умматлари томонидан кўплаб ўзгаришларга учради.

Биз, Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг умматлари шууримизни ҳар турли ғаройиб ишлар қошида ҳайратга тушмоққа банд этмасдан, У зот қолдирган энг буюк мерос — Куръони каримга қаттиқ боғланмоғимиз, ҳар қандай мўъжиза талаб бўлсак, ёлғиз Аллоҳдан истамоғимиз даркор. Зотан, бугунги кунга келиб яратилаётган энг улкан кашфиётлар ҳам 1400 йил бурун Куръони каримда бир оғиз сўз билан айтиб ўтилганини ҳозир эътироф этмаган олим ер юзида қолмади. Демак, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизалари ҳар доим мусулмонларга, нафақат мусулмонларга, балки, бутун олам халқига йўлчи юлдуз вазифасини ўтамоқда. Иншоаллоҳ, бу қиёматга қадар давом этажак.

**Сайфиддин Сайфуллоҳ,
филология фанлари номзоди**

*Расули муҳтарам меърожда
Аллоҳ дийдорини кўз билан кўрган-
ларми ё қалб кўзи биланми ё бутун
вужудлари кўзга айланганми?*

** * **

*Аллоҳ таоло ҳазрат Пайғамбаримизни ду-
нёда меърож билан сийлаб ва охирада шафоат
қилиш ҳуқуқини бериб, бошқа пайғамбарлардан
мартабаларини улуғ қилди. Чунки, айнан шу икки
фазилатлари билан ҳам бошқа пайғамбарлардан
устун эдилар.*

** * **

*Пайғамбаримизнинг таширфлари туфайли
юқори оламидагилар ҳам шарафландилар.*

*У зотга барча ер ва осмонларнинг ҳазиналари
кўрсатилди ва қалбларидан икки оламнинг
ҳою ҳаваслари сидирилиб ташланди.*

*Жаброил алайҳиссаломнинг асл су-
ратларини кўрдилар ва муборак ма-
конда "Бақара" сурасининг охири бе-
восита нозил бўлди.*



БУНДАЙ МАҚОМ ҲЕЧ КИМДА ЙЎҚ (Меърож)

*Эй Навоий, чораи дардингни қилғай, улки бор
Ҳам расулу, ҳам амин, ҳам мустафо, ҳам муқтабо.*

(Алишер Навоий)

Меърож ҳазрат пайғамбаримизга берилган улуғ мўъжизалардан биридир. Бошқа бирор пайғамбарга бундай улуғ мақом берилмаган. Меърож воқеасига инсоннинг ақли етмайди. Ундаги замон, макон ва масофа каби тушунчаларни англатишга ҳар қандай қалам ожиз.

Уламолар меърож пайғамбарликнинг ўн иккинчи йили, рабиъул аввал ойида ё ҳижратдан бир йилу беш ой олдин шаввол ойида ёки ражаб ойининг охирларида содир бўлган дейдилар.

Меърож Аллоҳнинг ўз ҳабибига бўлган улуғ инояти, тасаллиси ва хос сирларидан воқиф этишидир.

Одатда меърож ҳақида баҳс юритилса, уламолар уни икки босқичга: **исро ва меърожга** ажратиб талқин қилдилар. Ҳадисларда айтилишича, расул алайҳиссалом хуфтон намозидан сўнг аммалари Абу Толибнинг қизи Умми Ҳонийнинг уйида ухлаб ётган бир пайтда Исро ҳодисаси бошланган. Исро араб тилида кечанинг бир қисмида “сайр қилиш, юриш” деган маънони билдиради. Яъни, Аллоҳ таоло Муҳаммад алайҳиссаломни ўз ҳузурига кўтариш учун



кечалардан бирида Масжидул Ҳарамдан Байтул Мақдисдаги Масжидул Ақсога сайр қилдириб олиб боради.

Бу ҳақда “Исро” сурасининг дастлабки оятида шундай дейилади:

سُبْحَنَ الَّذِي أَسْرَى بِعَبْدِهِ لَيْلًا مِنَ الْمَسْجِدِ الْحَرَامِ
إِلَى الْمَسْجِدِ الْأَقْصَا الَّذِي بَرَكْنَا حَوْلَهُ لِنُرِيَهُ مِنْ آيَاتِنَا
إِنَّهُ هُوَ السَّمِيعُ الْبَصِيرُ

«(Аллоҳ) бир кеча, ўз бандаси (Муҳаммад)ни — унга оят-мўъжизаларимиздан кўрсатиш учун (Маккадаги) Масжид-ал-Ҳаромдан (Қуддусдаги) Биз атрофини баракотли қилиб қўйган Масжид-ал Ақсога сайр қилдирган (барча айбу нуқсонлардан) пок Зотдир...»

Қуръон таржимони Алоуддин Мансур юқоридаги оятни шундай шарҳлайди: «Бу — меърож, яъни Аллоҳ ҳузурига кўтарилиш қиссаси бўлиб, у пайғамбар алайҳ-иссалом Мадинага ҳижрат қилишларидан бир йил илгари воқе бўлгандир. Расулulloҳ айтадилар: «Бир кеча Масжид ал-Ҳаромда эканман, баногоҳ ҳузуримга Жаброил Буроқ исмли отни етаклаб келди ва мени ўша отга миндириб самога олиб чиқиб кетди. Бир зумда Қуддус шаҳрига етиб келдик. Бу ердаги Масжид ал-Ақсода икки ракат нафл намозини ўқигач, яна Буроққа миниб Жаброил билан осмонга йўл олдик... Еттинчи осмонга етгач, Тангри таоло менга ва менинг умматимга кунда беш вақт намоз ўқишни фарз қилиб деди: «Бу бир кеча-кундузда ўқиладиган беш вақт намознинг ҳар бирига ўн



намоз савобини ато этурман... Шунингдек, бандаларимдан ким бир яхшилик қилишга азм этиб, уни адо эта олмаса бир савоб, адо эта олса, ўн савоб ато қилтурман. Энди кимки бирон ёмон ишни — гуноҳни қасд қилсаю, уни амалга оширмаса, у кишига гуноҳ ёзилмас, агар ўша ёмон ниятини амалга оширса, бир гуноҳ ёзилур». Парвардигоримдан ушбу вазифаларни олиб заминга тушдим ва бир нафасда ўзимни Маккада кўрдим»¹.

Исро кечаси Расул алайҳиссалом Байтул Мақдисга Буроқ номли ҳайвонга миниб борадилар. У ерда ҳам ғаройиб ҳодисалар рўй беради. Хусусан, Байтул Мақдисда Пайғамбаримизни ҳазрат Иброҳим, Мусо ва Исо алайҳиссаломлар бошлиқ барча Пайғамбарлар кутиб турган эдилар. Уларнинг талаби билан Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам имом бўлиб икки ракат намоз ўқидилар. Шундан кейин Жаброил алайҳиссалом Пайғамбаримизга бир косада шарбат, бир косада сут келтирди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч иккиланмасдан сутни олиб ичдилар. Шунда Жаброил алайҳиссалом сизу биз умматлар учун қутлуғ башорат бердилар. Яъни, Пайғамбаримиз ҳақиқатни тоңганини, косадаги сутни ичгани умматларининг бошқа умматлар сингари йўлдин адашиб, гумроҳликка кетмаслигидан нишона эканлигини таъкидлади. Сўнгра у ердаги харсангтош устида турганларида Меърожга кўтариладилар. Ҳозирда ўша тош устига қубба гумбаз қурилган, суратлари думалоқ бино шаклида бутун дунёга тарқатилган. Кўпчилик билмасдан уни Масжидул Ақсо деб тушунадилар.

¹ Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Тошкент. 1992, 195 - 196-бетлар.



Молик ибн Соъсоба розияллоху анҳудан ривоят қилинади:

«Набий соллаллоху алайҳи васаллам дедилар:

«Мен байтнинг олдида уйқу билан уйғоқлик орасида, икки кишининг ўртасида эдим. Менга бир жом келтирилди. У ҳикмат ва иймонга тўла эди. Сўнгра томоқнинг настидан қориннинг настигача ёрилди. Кейин қорин Замзам суви ила ювилди ва ҳикмату иймонга тўлдирилди. Менга хачирдан кичикроқ, эшакдан каттароқ оқ улов – Буроқ келтирилди. Жаброил ила жўнаб кетдим. Дунё осмонига етиб бордик².

Меърож воъеаси ҳадислар ила собит бўлган. Саҳобалардан ўттиз уч нафари меърожга оид ҳадислар ривоят қилганлиги манбаларда қайд этилган³.

“Ҳазрат Муҳаммад Меърож кечаси биринчи кўкда ҳазрат Одамни, иккинчи кўкда Ҳазрат Яҳё ва Исони, учинчи кўкда Ҳазрат Юсуфни, тўртинчи кўкда Ҳазрат Идрисни, бешинчи кўкда Ҳазрат Ҳорунни учратди. Бу Пайғамбарларнинг ҳаммаси Уни севинч билан қаршиладилар ва:

— Марҳабо, эй солиҳ Пайғамбар ва солиҳ қардош,— деб саломлашдилар.

Олтинчи кўкда Ҳазрат Мусони, еттинчи кўкда Ҳазрат Иброҳимни кўрди. У ердан Сидратул-Мунтаҳога ўтди. Бу ер илоҳий нурлар билан безатилган эди. Бу ерда Жаноби Ҳақнинг қули Муҳаммадга асрор пардаси кўтарилди...

Бу мақомда Ҳазрат Пайғамбарга уч нарса берилди:

1. Бақара сурасининг охири (Оманаррасулу).

² Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва ҳаёт. 19-жузъ. Тошкент. Шарқ нашриёти. 2006, 188-бет.

³ Меърожнома. Тошкент «Ёзувчи» нашриёти, 1995й. 52-бет.



2. Умматидан Аллоҳга ширк келтирмаганларнинг жаннатга кириши муждаси.

3. Меърож ҳадяси сифатида беш вақт намоз⁴.

Шунингдек бу кечада ҳазрат пайгамбаримиз Аршу Курсини, қаламни, дўзах ва жаннатни, ундаги одамларнинг аҳволларини, Байтул маъмур-Обод уйни, Байтул-аҳрорни, Байтус-суроҳни, Байтул-иззатни, доимий ибодатдаги фаришталарни ва ҳоказо бошқа ғайбий нарсаларни кўрдилар. Ширк, зулм, зино, етимнинг ҳақини ейиш, ота-онага оқ бўлиш каби фисқу фасод ишларнинг аянчли оқибатидан огоҳлантирилдилар.

Аммо бу кечадаги энг улуғ неъмат Расулуллоҳнинг Аллоҳ жамолига мушарраф бўлишларидир. Бу ҳақда меърожга оид китобларда баъзи ҳадислар ҳам келтирилган. Улуғ тарихчи олим Алихонтўра Соғуний бу хусусда ёзадилар: «Бу улуғ сафарда Аллоҳ таолонинг қудрат-камолига ҳужжат бўлгудек не ишларни кўрдиларким, барчаларидин энг улуғроғи — шу кечада Жаббори аъзамнинг жамоли покига мушарраф бўлишларидир. Бу эрса бошқа ҳеч бир пайгамбарга берилмаган энг улуғ каромат эди. Шунинг учун Расулуллоҳга берилган ҳисобсиз мўъжизаларнинг улуғроғи Меърож мўъжизасидир. Чунки энг юқориги оламдаги жаннатни, энг тубан оламдаги дўзахни бу сафар - саёҳатида ўз кўзлари билан кўриб, томоша қилдилар. Боқинглар, эй мўъминлар, Аллоҳ таоло қудратигаким, шунчалик узун муддатлик сайри-саёҳат-

⁴ Усмон Кески ўғли. «Сияри набий»-Ҳазрати пайгамбар ҳаёти. Тошкент «Қомуслар бош таҳририяти» 1996 й. 39-б.



лари эса бу чексиз, тубсиз оламни айланишларида кўрилган ҳисобсиз ҳодисаларнинг тамоми шу кечанинг бир қисмидагина бўлиб ўтди. Энди биз мўминлар бу улуғ мўъжизага иймон келтирамиз ва ҳам ишонамиз⁵.

Расули муҳтарам меърожда Аллоҳ дийдорини кўз билан кўрганларми ё қалб кўзи биланми ё бутун вужудлари кўзга айланганми? Бу ҳақда ҳам тортишувлар бўлиб ўтган.

Маълумки, Пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссалом умматларига: *«Аллоҳ дийдорини ўлгандан кейин кўрасизлар»*, деб башорат берганлар. Бу ҳадис бутун инсониятга тегишли бўлса ҳам аксар уламоларимиз Ҳазрат Пайғамбаримизнинг Меърож кечасида Аллоҳ дийдорини ҳеч бир андозасиз ва кайфиятсиз ҳолда кўрганликлари ҳақида иттифоқ қилганлар. Баъзилар Расулulloҳ Худони қалб кўзи билан кўрган дейишса, айримлари кўз билан кўрганликларини айтишган. Айрим тоифа олимларнинг ёзишларича, ҳам қалб кўзи билан, ҳам кўз билан кўришга муваффақ бўлганлар, яъни бутун вужудлари кўзга айланган эди...

«...Ва ҳам ривоят қилур Оишаи Сиддиқа розияллоҳу анҳодинки, айдилар: *«Ман заъама анна Муҳаммадан алайҳиссалоту вассаламу рао раббаҳу биайни раъсиҳи фақад аъзамал фиръята»*. Яъни, ҳар кимарса заъм била (тасдиқлаб) айтсаки, албатта, онҳазрат алайҳиссалоту вассалом Парвардигорини бош кўзлари ила кўргондурлар. Бас, ул кимса улуғ ялғонни пай-

⁵ Алихонтўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадий. Тошкент «Моваро-уннаҳр» 1997 й. 51-б.



до этибдур. Кўз ила кўрмадилар, балки муборак баданларининг фарқи саридин то қадамлариғача бошоёқ ҳар зарраси кўз бўлгон эрди. Ҳамаи аъзолари ила мушоҳада қилдилар⁶.

Манбаларда ёзилишича, ҳазрат пайғамбаримиз меърож тунисида Аллоҳ дийдорини кўришгина эмас, У Зот билан сўзлашиш бахтига ҳам муяссар бўлганлар. Бундай шарафли мулоқот ҳақида «меърожнома»ларда, илмий ва бадий асарларда мулоҳазалар билдирилган.

Алишер Навоий «Лисонут тайр»асарида шундай дейди:

*Ҳам кўруб жонон жамолин кўз била,
Васлидин ҳам баҳра топиб сўз била,
Айлабон идрок тўқсон минг калом,
Лек асносида юз минг эҳтиром.
Оси(й) умматнинг гуноҳин истабон,
Борча аҳволин табоҳин истабон.
Ҳар не истаб Ҳайи Мутлақдин топиб,
Ҳақ тилаб, Ҳақдин тилаб, Ҳақдин топиб⁷.*

Айтишларича, ўша «тўқсон минг калом»нинг ўттиз мингги умматга тегишли, ўттиз мингги хосларга алоқадор бўлиб, қолган қисмининг мазмуни сир ўлароқ қолгандир. Хўш, меърож ҳодисаси қандай ҳолатда воқеъ бўлган: тушдами, ўнгдами? Пайғамбарнинг Аллоҳ даргоҳига кўтарилиши — руҳий кўтарилишми ёки руҳ ва вужуд баробар кўтарилганми? Бу саволларга жавоблар турлича. Аҳли залолат бу ҳақда шубҳа- гумон қилганлар. Аҳли сунна вал жамоанинг саҳиҳ эътиқодларига кўра, меърож уйғоқликда Расулуллоҳнинг вужудлари

⁶ («Нодирул Меърожи туркий». Мазкур асар, 289- 292 бетлар)

⁷ Алишер Навоий. «Лисон уг-тайр». Тошкент, 1991, 26-бет.



орқали содир бўлган. Улуғ шоир ва фақиҳ Сўфи Аллоҳёр таъкидлаганларидек:

*Аниқ билгин анинг меърожин, эй ёр,
Тани бирла эди, ҳам эрди бедор.*

Шайх Акбарободий айтади: «Жумҳур аҳли суннат ва жамоа»нинг эътиқодлари шуки, онҳазрат соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожлари бедорликда ва жасади муборақлари ила кеча баъзисида Маккадин Байтул Мақдисга ва андин осмонларга кўтарилганлар. Ва ҳар ким ўша кеча Маккаи мукаррамадин Байтул Мақдисга борганларини инкор этса кофир бўлур. Ва осмон табақасига чиққанларини инкор этса кофир бўлмас. Зероки, онҳазрат алайҳи васалламни осмонлар табақасига уруж этганлари (кўтарилганлари) хабар ва ҳадис ила собит бўлгандир. Хабар ва ҳадисларга инкор этувчи кофир бўлмагай, балки, гумроҳ ва аҳли бидъатдан бўлур. То «қоба қавсайн»гача уруж этгонларига ҳар ким иқдор этса, албатта, ул мўминдир»⁷.

Қуръони каримда келган «Қоба қавсайн» ибораси ҳақида ҳам уламо ва адиблар турли фикр билдиришган. Жумладан, Ҳусайн Воизи Кошифий «Тафсири Ҳусайний»да ёзади: «Меърож кечаси Муҳаммад алайҳиссалом унга ваҳий етқарадиган Жаброил фаришта-ни асл қиёфасида кўрди. Уни бошқа киши асл қиёфада кўрган эмас. Муҳаммад алайҳиссалом Жаброил алайҳиссаломни дастлаб икки марта асл қиёфада кўриб, беҳуш бўлди. Ҳушига келиб кўрдик, Жаброил бир қўлини унинг кўкрагига ва бир қўлини унинг елкасига қўйиб турибди. Худойи таоло бу воқеадан хабар

⁷ Шайх Акбарободий. «Нодирул меърожи туркий» Мазкур асар, 18-бет.



берадики: **Сумма дано** - Жаброил Муҳаммад алайҳиссаломни беҳуш кўриб унга яқинлашди. **Фатадалло** - кейин унга сўзлаш учун бошини энгаштирди. **Факона** - Жаброил ва Муҳаммад алайҳиссалом орасидаги масофа, **қоба қавсайни** - икки камон миқдори, **ав адно** - ё ундан ҳам озроқ (эди).

Баъзилар мазкур оят Муҳаммад алайҳиссаломнинг муқаддас қурб манзилида Аллоҳга яқин бўлганлигига ишора дейдилар. Ибни Аббос розияллоҳу анҳу «икки камон масофаси икки газ миқдорига тенг», деб таъкидлаган. Яъни, Муҳаммад алайҳиссалом ва Жаброил алайҳиссалом ораларидаги масофа икки газ миқдори, ча ё ундан ҳам озроқ бўлган дейди.

“Қисаси Рабғузий”да ўқиймиз: “**Факона қоба қавсайни ав адно**- яъни икки ёй андозасинча тиклик Мавлонинг азамати ва жалолатига ёвушти, андин устун мақом йўқ. Набийийи мурсал, малаки муқарраб тегмас ерга тегди. Аммо Мавло таолога зоти соридин ёвушти темак раво бўлмас, куфр бўлурким, Ҳақ таолони юқори, қуйи, остин, устун, илгару, ортгару бирла ёд қилса кофир бўлур”⁹.

Бир қатор замонавий ислом олимлари ҳам Расули акрам Меърожда Ҳақ жамолини кўз ва басиратлари билан кўрганликларини таъкидлаган. Жумладан суриялик машҳур мутасаввиф олим Юсуф Хаттор Муҳаммад ўз китобида Имом Муҳаммад Маҳдий Баҳоуддин Раввосдан шундай нақл қилади: “Биз Аллоҳнинг Пайгамбарига ишонамиз, биламизки, у яна элчи — расул ҳамдир. Бундан ташқари у элчиларнинг энг ях-

⁹ Носириддин Бурҳониддин Рабғузий. «Қисаси Рабғузий». 2-китоб. Тошкент. 1991.151-бет.



шиси ва бутун дунёга раҳмат сифатида юборилган. Куръони каримда айтилганидек:

ثُمَّ دَنَا فَتَدَلَّى فَكَانَ قَابَ قَوْسَيْنِ أَوْ أَدْنَىٰ

“Сўнгра яқинлашиб пастлади. Бас, (Муҳаммад алай-хиссаломга) икки камон оралиғида ё (унданда) яқинроқ бўлиб”. (“Нажм” сураси, 8, 9 оятлар).

Аллоҳни кўзи ва басирати билан кўрганига ишонамиз. Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ибн Абдулмутталиб ибн Ҳошим қурайший мана шу иш учун Аллоҳ танлаган инсон эди ва уни барча инсонлардан устун қилиб қўйди. Аллоҳ унга улуғ даража ато этди ва улуғ шафоатчи ҳуқуқини берди, уни барча пайғамбар ва элчилардан нариги дунёда ҳам, бу дунёда ҳам обрўлироқ қилиб қўйди”⁹.

Ҳақиқатдан, бу улуғ мартаба фақат бизнинг улуғ Пайғамбаримизга насиб этган. Шайх Аҳмад Яссавий Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг меърожга чиқишларини таърифлаб шундай деган:

*Ҳаққа қараб қўйди қадам Расулуллоҳ,
Ҳақдин ўзга ҳеч ким йўқдур анде ҳамроҳ,
Мундоғ мақом ҳеч кимга йўқ, валлоҳ-биллоҳ,
Чин умматсиз эшитиб дуруд айтинг, дўстлар.*

Мана шу ҳеч кимга насиб этмаган буюк «мақом» аҳли ислом учун Ҳаққа ёвуқлашиш, Аллоҳ билан «мулоқот»да бўлиш, Аллоҳнинг буюк инъом ва марҳаматига сазовор бўлишдир. Фанолик ва бақоликка етишишнинг энг ҳақиқий ва намунавий кўринишидир. Бу

⁹ Юсуф Ҳаттор Муҳаммад. Алмавсуатул-юсуфийа фи баёни адиллатис – суфийа. Дамашқ, 1999 й. 42.6.

меърож воқеасини ҳис қилиш учун инсонда буюк бир таслимият, ихлос ва эътиқод бўлмоғи лозим. Аллоҳ таоло меърож воқеаси орқали ўз ҳабибининг мартабасини янада кўтарди, ғойибдаги нарсаларни кўрсатиб, қалбларига таскин берди ва келгуси даъват ишларига тайёрлади. Мушриклар ғаройиб хабарларни эшитиб масхара қилишга тушган бўлсалар, ҳақиқий мўмин-мусулмонларнинг иймонлари янада мустаҳкам бўлди. Айрим иймони заиф кишилар сирли ва ғаройиб воқеаларни эшитиб, ақлига сиғдиролмай диндан чиқиб муртад бўлишди.

Расул алайҳиссалом Исродаги воқеаларни одамларга айтиб берганларида, баъзилар ҳайрон ва таажжубга тушган бўлсалар, баъзилар расул алайҳиссаломни ёлғончига чиқарди. Байтул Мақдиси ўз кўзи билан кўрган одамлар Ҳазрат пайғамбаримиздан у жойни таърифлаб беришларини талаб қилишди. Аллоҳнинг иродаси ила Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у жойларни кутгандан ҳам зиёда таърифлаб бердилар. Одамлар Жаноб пайғамбаримизнинг хабарларини тасдиқлаб: "Ажабо, тўғри айтди, тўғри таърифлади", дейишдан нари ўтмадилар. Сўнгра Байтул Мақдис тарафидан келаётган карвонлари ҳақида сўрай бошлашди. Расулуллоҳ карвондаги туяларнинг сони ва аҳволидан хабар бериб, қайси кунда, қай пайтда, қай ҳолатда, шаҳарга кириб келишидан башорат бердилар. Карвон айтилган пайтда, таърифланган ҳолатда Маккага кириб келди. Бу сафар ҳам Ҳазрат пайғамбаримиз башоратлари рост бўлиб чиқди. Бу ҳолатларни кузатган, воқеалар ҳақида мушоҳада юритган мушриклар меъ-



рож ҳодисасига иймон келтиришлари керак эди, лекин бундай бўлмади... Аксинча, севикли пайғамбаримизни сеҳргарга, ёлгончига чиқаришда давом этдилар.

Ҳазрат Абу Бакр Сиддиққа меърож воқеалари ҳақида айтишганда, ҳеч иккиланмай тасдиқлаганлари ва “Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бундай сўзлардан юксакроғини, ғаройиброғини айтса ҳам ишонаман”, деганлари учун “Сиддиқ” — ўта тасдиқловчи деб ном олдилар.

Аллоҳ таоло ҳазрат Пайғамбаримизни дунёда меърож билан сийлаб ва охиратда шафоат қилиш ҳуқуқини бериб, бошқа пайғамбарлардан мартабаларини улуг қилди. Чунки, айнан шу икки фазилатлари билан ҳам бошқа пайғамбарлардан устун эдилар.

“Меърожнома”ларда меърожга кўтарилишнинг йигирмадан ортиқ ҳикматларидан баҳс юритилади. Жумладан:

Ҳазрат пайғамбаримизнинг аҳволлари танг бўлиб турган бир пайтда, Аллоҳ таоло дунёнинг фонийлиги ва охиратнинг боқийлигини кўрсатиб у Зотга тасалли берди.

Ҳазрат пайғамбаримиз охиратда шошиб қолмасликлари учун Аллоҳ таоло дўзах ва жаннатнинг ҳақиқий аҳволини кўрсатди. Охиратда ҳатто пайғамбарлар ҳам “нафси-нафси” деб турган бир пайтда, У зот “уммати-уммати”, деб куюнадилар.

Аллоҳ таоло ўз расулини Меърожга чиқариб барчадан улуг эканликларини кўрсатди. Исро ва меърож кечаси намозда пайғамбарларга имом ўтдилар. Малакут оламида фаришталарга ҳам имом бўлдилар.



Пайғамбаримизнинг ташрифлари туфайли юқори оламидагилар ҳам шарафландилар.

У зотга барча ер ва осмонларнинг хазиналари кўрсатилди ва қалбларидан икки оламнинг ҳою ҳаваслари сидирилиб ташланди.

Жаброил алайҳиссаломнинг асл суратларини кўрдилар ва муборак маконда “Бақара” сурасининг охири бевосита нозил бўлди. Ваҳийнинг лаззатидан сармаст бўлдилар.

Аллоҳ таоло бир қатор савоб ва гуноҳ ишларни, яхши ва ёмон хулқларни расулига билдириб, умматларига етказишни амр этди. Бандаларига меҳрибон эканлигини билдирди ва ҳок.

Шунингдек, Қуръонда тун билан боғлиқ бир қатор оятлар нозил бўлгани боис, меърожнинг тунда содир бўлганлиги ҳикмати ҳақида ҳам турли фикрлар билдирилган. Жумладан, туннинг «либос», кундузнинг «тирикчилик» воситаси қилиб яратилгани, туннинг сукунатлиги ва ибодат қилишга қулай бир пайтлиги ва ҳок.

Илм ва ижод аҳли учун меърож воқеаси тадқиқ ва таҳлил, илҳом ва ижод манбаи бўлиб келган. Шу боис Меърож тўғрисида кўп китоблар ва ҳўб шеърлар ёзилган. Шайх Акбарободийнинг форс тилида битилган «Нодирул меърож» асари ҳам эътиборли манбалардан биридир. Бу китоб Юсуф исмли мударрис томонидан ўзбек тилига таржима қилинган ва ҳижрий 1329 йил [мел.1910—1911й.] «Нодирул меърожи туркий» номи билан Тошкентда босилиб чиққан.


Шайх Акбарободий «Нодирул меърож»нинг «сабаби таълиф» қисмида тушида ҳазрат пайғамбаримизни



кўргани ва ўттиз йилдан ортиқ изланиб ва энг зарур манбалардан фойдаланиб ўз асарини ёзганини таъкидлайди. Шу жиҳатдан мазкур асар китобхонларнинг меърож ҳақидаги саволларига жавоб беради деб ўйлаймиз.

Меърож воқеаси на фақат ўз даврида мусулмонлар учун ҳам башорат, ҳам иймонларини имтиҳон қилувчи ғаройиб ҳодиса бўлган, балки, бу воқеа қиёматга қадар Аллоҳ таолонинг чексиз қудратига ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг улуғ мўъжизаларига гувоҳлик бериб туради. Биз унга сидқ ила ишонамиз ва ундан тегишли хулоса чиқарамиз!

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ



Ислом йўлида биринчи
ҳижрат соҳиблари ўн уч ки-
шидан иборат бўлиб, улар Ҳабашис-
тонга кетдилар. Иккинчи сафар
Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар
болалардан ташқари саксон уч киши эди.

* * *

Милодий 622-йил, 20 сентябрь, рабиъ
ул-аввал ойининг ўн иккинчи санаси, душан-
ба куни эди. Пайғамбаримиз Маккани ташлаб Яс-
риб томон йўлга тушдилар. Бу Ислом дини йўлида-
ги энг буюк ҳижрат эди. Шунинг учун ҳам кейинча-
лик ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бошлиқ саҳоба-
лар Ислом тарихини шу ҳижратдин бошлашга қарор
қилдилар.

* * *

Мадиналиклар Пайғамбарни (с.а.в.) мамнуният би-
лан кутиб олишди. У зот йўлдан ўтиб бораётганларида
ҳар тарафдан: "Марҳабо, ё Расулуллоҳ!" - деган овоз-
лар янграб турди. Пайғамбаримиз одамларнинг
кўнгли учун қаерга тушиш ихтиёрини туя-
нинг ўзига берди. Туя дастлаб Нажжор
ўғилларидан икки нафар етим болага ман-
суб бир ерга чўкди. Кейинчалик туя
чўккан мазкур ер сотиб олиниб, бир мас-
жид ва Расулуллоҳнинг (с.а.в.) ис-
тиқомати учун хос хоналар
бино қилинди.



ТАРИХ САҲИФАСИДА БУЮК ҲОДИСА

(Ҳижратлари)

Маккаи мукаррамада Ислом динига ошкора даъватлар бошлангандан кейин мушриклар буткул ҳаловатини йўқотиб қўйдилар. Улар ота-боболари сиғиниб келган бутларга нисбатан кўрсатилаётган “ҳурматсизлик”ка тоқат қилолмасдилар. Шунинг учун мусулмонларга турли хил озор беришлар бошланди. Бироқ шунга қарамай янги динга иймон келтирувчилар сони кундан-кунга кўпайиб борарди. Бу ҳол мушрикларни баттар хавотирга солиб, мусулмонларга нисбатан тазйиқ ва таҳдидлар ҳам кучайиб борди. Натижа шундай бўлдики, мусулмонларнинг олдида икки йўл қолди: кураш ёки ҳижрат!

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳижратни танладилар. Чунки мусулмонларнинг ўз эътиқодлари йўлида курашишга ҳали қурби етмасди. Шунинг учун энг тўғри йўл бирор бир давлатни паноҳ этиш лозимлиги кўриниб турарди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ўша пайтда Арабистон билан чегарадош бўлган Ҳабашистон давлатини танлади.

Шундай қилиб, муқаддас Ислом йўлида биринчи ҳижрат бошланди. Биринчи ҳижрат соҳиблари ўн уч



кишидан иборат бўлди. Ана шу саодатманд кишилар орасида ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу билан жуфти ҳалоли, Пайғамбаримизнинг севикли қизлари Руқаййа ҳам бор эди.

Маккадан мусулмонларнинг чиқиб кетиши муаммони бартараф этолмади. Аксинча, шаҳардаги айрим обрў-эътиборли кишилар ҳам иймон келтириб, мусулмонлар сафига қўшила бошлади. Айниқса, амир Ҳамза билан Умар ибн Хаттобнинг иймон келтириши Қурайш мушрикларини қутиртириб юборди. Мусулмонларга нисбатан азиятлар, фитналар авж олди. Вазиятни обдон таҳлил қилган Пайғамбаримиз яна ҳижрат қилиш эҳтиёжи борлигини англади. Бу сафар Ҳабашистонга болалардан ташқари саксон уч киши ҳижрат қилдилар. Бу — Ислом йўлидаги иккинчи ҳижрат эди.

Навбатдаги ҳижратга томошабин бўлган Макка мушриклари энди хоинона йўлга ўтдилар. Гарчи Ислом динига ўн уч йилдан буён даъват қилинаётган бўлсада, мушрикларнинг тош қотган кўнгиллари сира юмшамаган эди. Улар энди Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни жисман йўқотиш режасини туза бошлади. Мана шу маслак уларни Дорун-Надвага тўплади.

Йиғилганларнинг бир қисми: «Уни занжирбанд қилиб зиндонга ташлайлик», деди. Баъзилари эса: «Узоқ бир ерга сургун қилайлик», дедилар. Бироқ мушрикларнинг энг айёри Абу Жаҳл улардан фарқли ўлароқ бир таклифни ўртага ташлади: «Уни ўлдириш керак!» Лекин қандай қилиб? Бу савол ҳаммасини бир зум карахт қилиб қўйди. Чунки арабларда қон даъвоси, яъни, қасос олиш одати бор эди. Агар Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ўлдирил-



са, Бани Ҳошим унинг қон даъвосидан воз кечмайди. Шунда Абу Жаҳлнинг мясига яна бир шум фикр келди: “Қотил бир киши бўлмайди. Муҳаммадни ўлдиришда ҳар бир қабиладан бир киши иштирок этади. Шундагина Ҳошим ўғиллари хун даъвосини қила олмайдилар”. Бу фикр ҳаммага маъқул тушди.

Бу хоинона келишувдан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳам ҳижрат қилиш рухсати берилди.

Ўшанда рабиъ ул-аввал ойининг ўн иккинчи санаси, душанба куни (милодий 622-йил, 20 сентябрь) эди. Пайғамбаримиз ўзи туғилиб ўсган Маккани ташлаб Ясриб томон йўлга тушдилар. Бу Ислом дини йўлидаги энг буюк ҳижрат эди. Шунинг учун ҳам бу кун мусулмон оламида энг муҳим ҳодиса сифатида тарихга муҳрланди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижратлари Ислом динининг ривожига катта туртки бўлди. Шу вайдан кейинчалик ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бошлиқ саҳобалар Ислом тарихини шу ҳижратдан бошлашга қарор қилдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Маккадан, яъни у кишини ўлдиришга бел боғлаган мушриклар қўлидан чиқиб кетишлари ҳам мўъжиза бўлди. Ўша куни Дорун-Надвадаги келишувга биноан юз чоғли киши Пайғамбаримизнинг уйларини ўраб олишганди. Бу жоҳилларнинг ичида Ал Ҳакам ибн Абул Ос, Уқба ибн Абу Муайт, Назр ибн Ҳорис, Умайя ибн Халаф, Замъа ибн Асвад, амакилари Абу Лаҳаб ва Абу Жаҳл сингари эътиборли кишилар ҳам бор эдилар. Улар ҳар дақиқада Расулуллоҳ соллаллоҳу



алайҳи васалламнинг уйидан чиқишини кутиб турдилар. Чунки арабларда бирор одамни уйнинг ичида ўлдириш қўрқоқлик ҳисобланарди. Бироқ меҳрибон Аллоҳ таоло Ўз ҳабибини ташлаб қўярмиди?!

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳеч иккиланмасдан уйдан чиқиб, “Ёсин” сурасининг дастлабки оятларини ўқидилар. Во ажаб, мушрикларнинг ҳеч бири қаршисида турган Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни кўрмай қолдилар. Пайғамбаримиз уларнинг шундоққина ёнларидан ўтиб, дўсти Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу билан олдиндан келишиб олган жойга келдилар. Икковлон тун қоронғусида Макканинг жануб тарафидаги ярим соатлик йўл бўлган Савр тоғига йўл олишди. Улар мана шу тоғдаги бир ғорда уч кеча-кундуз мушриклардан яшириниб ётдилар. Бу кунларда Абу Бакрнинг ўғли Абдуллоҳ уларга озиқ-овқат келтириб турди.

Мушриклар қўллари остидаги “душмани”ни қочириб қўйиб кўп хуноб бўлишди. Гуруҳ-гуруҳ бўлишиб қочоқларни излашга тушдилар. Бироқ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ билан Абу Бакр Сиддиқ умуман Маккада бўлмаган каби зим-зиё эдилар. Улар: “Муҳаммад билан Абу Бакрни топган кишига 200 та туя берамиз” дейишди. 200 та туя олиш орзусида ёнган Қурайш қабиласининг қўлида таёғи, белида ханжари бор ёшлари кеча-ю кундуз тиним билмадилар. Бироқ... Ҳар ишда Аллоҳ ғолибдир!

Мушрикларнинг қидиришлари бироз сусайгач, Абу Бакрнинг ўғли икки туя келтирди. Иккаловлари туяга минишиб, Мадинага равона бўлдилар.

Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳижрат қилиб йўлга чиққани ҳақидаги хабар Мадинага ҳам



етиб келди. Мадиналик мусулмонлар ўз шаҳрига келадиган буюк мусофирни тоқатсизлик билан кута бошладилар. Улар ҳар куни эрталаб шаҳар четига чиқиб, пешинга қадар йўл пойлашарди. Ниҳоят, интизор кутилган кун келди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) билан Мадина шаҳридан тўрт чақиримча узоқликда бўлган Қубо деган қишлоққа кириб келдилар. Уларни мадиналиклар зўр эҳтиром билан кутиб олишди. Меҳмонлар Бани Амр ибн Авф маҳалласида яшовчи Кулсум ибн Хадам деган кишининг уйига келиб тушдилар.

Пайғамбаримиз Қубода ўн кундан ортиқроқ яшадилар. Шу вақт мобайнида бир масжид қурдирди. Сўнгра Аллоҳ таолонинг иродаси билан Мадинага йўл олди.

Мадиналиклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни мамнуният билан кутиб олишди. Пайғамбаримиз йўлдан ўтиб бораётганларида ҳар тарафдан: «Марҳабо, ё Расулуллоҳ!» — деган овозлар янграб турди. Ҳар ким бу буюк мусофирни ўз уйида меҳмон қилишни истар, туясининг юганидан тутиб: «Бизникига марҳабо!», — дер эдилар. Пайғамбаримиз одамларнинг кўнгли учун қаерга тушиш ихтиёрини туянинг ўзига берди. Туя дастлаб Нажжор ўғилларидан икки нафар етим болага мансуб бир ерга чўкди. Бироқ дарҳол у ердан турди-да, яна йўлида давом этди. Иккинчи сафар Халид Абу Айюб Ансорийнинг уйи ёнига чўкди. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу уйга меҳмон бўлдилар.

Кейинчалик ўша куни Пайғамбар туяси чўккан ер сотиб олиниб, бир масжид ва Расулуллоҳ соллаллоҳу



алайҳи васалламнинг истиқомати учун хос хоналар бино қилинди. Бу масжиди шариф қурилишида муҳожирлар ва ансорлар бир ёқадан бош чиқариб меҳнат қилдилар. Масжид ва унинг ёнидаги хужралар қуриб битказилгач, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Айюб Ансорийнинг уйидан ўз хужрасига кўчиб ўтди. Сўнгра Зайд ибн Ҳорисни Маккага юбориб, у ерда қолган аёли Савда билан кичик қизи Фотимани кўчириб келтирди. Кўп ўтмай Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анҳунинг оиласи ҳам Мадинага келишди.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага келганларидан сўнг Маккада қолган мусулмонлар ҳам бирин-кетин у кишининг ортидан кела бошлашди. Маккадан кўчиб келган бу одамлар «муҳожир» деб аталиб, мадиналиклар уларга қўлидан келган ҳар турли ёрдамни аямаганликлари сабабли «ансорий»лар, яъни, «ёрдам қилувчилар» деган шарафга сазовор бўлдилар. Ростдан ҳам мадиналиклар ҳақ дин йўлида юртларини ташлаб келган муҳожирларга қардошлик қўлини чўзиб, топган-тутганларини ўртада баҳам кўрдилар. Муҳожирлар ва ансорийлар Ислом тарихида ҳурмат билан тилга олинган икки гуруҳдир. Улар Ислом дини йўлида беқиёс хизмат қилдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам таклифи билан ҳар бир муҳожир, бир ансорий билан қардош сифатида аҳд қилишди. Аллоҳ таолонинг иродаси билан бу қардошлик қон ва насаб қардошлигидан ҳам кучли бўлди.

Жасурбек МАҲМУДОВ,
филология фанлари номзоди.

*Ҳижратнинг иккинчи
йили жиҳод фарз қилинди.*

** * **

*Пайғамбаримиз иштирок этган ҳар
бир жангни ғазот, деб атаганлар ва ўзла-
ри иштирок этмай, лашкар юборган жанг-
ларни сариййа деганлар. Мусулмонлар қарийб
йигирмата ғазот ва сураййа уюштирганлар.*

*Улардан машҳурлари: Бадр, Уҳуд, Хандак, Ҳайбар, Мак-
канинг фатҳ этилиши ва бошқалардир.*

** * **

*Дин йўлидаги дастлабки ғазот Бадр урушидир. Унда
Пайғамбаримиз 313 нафар, Макка кофирлари эса минг-
га яқин аскар билан жангга кирдилар. Бу ғазотда мусул-
монлардан 14 киши ҳалок бўлди. Кофирлардан эса 70 киши
ҳалок бўлиб, етмиш нафари мусулмонларга асир тушди.*

** * **

*Худайбияҳ сулҳига биноан мусулмонлар Маккага
қарши ўн йил давомида жанг қилмасликлари керак
эди. Бироқ бу аҳдни маккаликларнинг ўзлари буз-
ди. Яъни, сулҳ имзоланганидан икки йил
ўтиб, ҳижратнинг саккизинчи йили Ма-
динага бот-бот хужум қила бошлади-
лар. Пайғамбар (с.а.в.) ўн минг лаш-
кар билан Маккага юриш қилишга
мажбур бўлдилар ва Аллоҳнинг
кўмагида жангсиз келиб Мак-
кани олдилар.*



ҲАҚ ВА ҲАҚИҚАТ ЙЎЛИДА... (Ғазотлари)

Маълумки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам жанобимизга пайғамбарлик вазифаси келганидан кейин Макка аҳли иккига бўлиниб қолди. Бир томонда Аллоҳ таолонинг лутфу қарами билан ҳидоят топган оз сонли мусулмонлар, иккинчи томонда юз йиллар давомига буту санамларга ибодат қилиб жаҳолатга ботган мушриклар... Вақт ўтиши билан бу икки қарама-қарши жамоалар ўртасидаги зиддиятлар кучайиб борди. Айниқса, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга эргашувчилар сони ортган сайин мусулмонларга нисбатан Макка мушрикларига адоват ҳам ортиб борди. Натижада Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзи туғилиб ўсган Маккани ташлаб Мадинага ҳижрат қилишга мажбур бўлдилар. Бироқ бу билан ҳам Макка мушрикларининг мусулмонларга нисбатан адоватлари тарқамади. Пайғамбаримиз билан Мадинага ҳижрат қилган мусулмонларнинг қариндош-уруғларига тазйиқ ва таъқиблар давом этаверди. Мусулмонларга ҳаж мавсумида ҳам Каъбага кириш таъқиқлаб қўйилди. Мана шундай бир вазиятда меҳрибон Аллоҳ таоло мусулмонларга дини, оиласи ва молу дунёсининг ҳимояси учун жиҳод қилишни фарз қилди.

Бу тарихий воқеа ҳижратнинг иккинчи йилида содир бўлди. Шундан сўнг мусулмонлар муқаддас дин ҳимояси учун мушрикларга қарши жанг қилдилар. Ана шу уруш-



ларнинг айримларида Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам иштирок этдилар. У зот иштирок этган жанглار ғазот деб аталди. Ўзлари иштирок этмай, лашкар юборган жангларни сариййа деб атадилар.

Албатта, бу урушлар мусулмон ва ғайри муслим олимлар томонидан қайта-қайта тадқиқ қилинган. Бу борада тарих китобларида батафсил ёзилган ва шу кунларимизгача ҳам илмий тадқиқотлар давом этмоқда. Зеро, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бошчилигида олиб борилган ғазоватлар Ислом дини тарихининг ажралмас бир қисми сифатида доимо унга мурожаат этилаверади. Бу тарихий воқеадан эса ғаразли сиёсий мақсадлар ёки нотўғри хулосалар чиқариш бемаъниликдан бошқа нарса эмас...

Мусулмонлар ва мушриклар ўртасида кечган бу урушларни халқимизнинг атоқли фарзанди, қатогон қурбони бўлган йирик олим, профессор Абдурауф Фитрат ҳам "Мухтасар ислом тарихи" китобида ажиб бир закийлик билан баён этган. Бу рисола бугунгача уч марта чоп этилиб, ўқувчилар ҳукмига ҳавола этилган. Унинг тўртинчи нашри эса чоп этилиш арафасида. Биз Расул алайҳиссаломнинг ҳақ ва ҳақиқат йўлидаги курашларини ёритишда мазкур асарга мурожаат қилдик, аммо улкан олимнинг асар матнини таҳрир қилишдан эҳтиёт бўлдик. Чунки асарни изох ва талқинлари билан форс тилидан таржима қилган Ҳамидулла Болтабоев воқеаларга илмий-тарихий жиҳатдан ёндошган ва муносиб баҳо берган.


(Муҳаррир изоху)

ЖИҲОДГА БУЮРИШ

...Мусулмонлар ўз ватанларини кофирлар қўлидан халос қилиш орзусида жиҳодни истар эдилар. Ҳижратнинг иккинчи йилида Аллоҳ томонидан *жиҳод* фарз қилинди¹. Шундан сўнг мусулмонлар кофирларга қарши кўпгина жанг қилдилар. Пайғамбаримиз иштирок этган ҳар бир жангни *ғазот*, деб атаганлар ва ўзлари иштирок этмай, лашкар юборган жанглари *сарийя* деганлар. Мусулмонлар қарийб йигирмата ғазот ва сарийя уюштирганлар. Улардан машҳурлари: Бадр, Уҳуд, Хандақ, Хайбар, Макканинг фатҳ этилиши ва бошқалардир. (Улар ҳақида) озроқ ёзамиз.

БАДР ҒАЗОТИ

Дастлабки ғазот *Бадр*² юришидир. Ҳазрати Пайғамбар бу жангга 313 нафар жангчи билан келган эдилар. Макка кофирлари эса, қарийб минг киши бўлиб жангга кирдилар³. Икки муҳолиф лашкар Бадр деб аталган қудуқ ёнида тўқнашдилар. Мусулмонлар Ҳақ йўлида яқдил бўлиб жанг қилганликлари учун ҳам ўзларидан уч баробар кўп бўлган душман лашкарини енгдилар. Бу ғазотда мусулмонлардан 14 киши, кофирлардан 70 киши ҳалок бўлди. Бу жангда Исломнинг ашаддий душмани Абу Жаҳл ҳам ҳалок бўлганлар орасида эди⁴. Кофирлардан етмиш нафари мусулмонларга асир тушди. Ҳазрат Пайғамбар Мадинага қайтгач, баъзи асирларни товон ҳисобига озод қилдилар. Товон тўлашга қурби етмаганлар эса, мусулмон болаларининг хат-савадини чиқаришга жалб қилинди, бу ишни бажаргандан кейингина уларнинг озод қилиниши шарт қилиб қўйилди. Бу ғазот ҳижратнинг иккинчи йили содир бўлган эди.



УХУД ҒАЗОТИ

Кофирлар Бадр жангида мағлуб бўлиб, Маккага қайтдилар. Бир ой азадорлик қилиб, кейин қасос олиш ниятида жангга тайёргарлик кўра бошладилар⁴. Кейинги йилда уч минг лашкар билан Мадинага қараб йўл олдилар. Ҳазрати Пайғамбар кофирларнинг (катта) қўшини келганини эшитиб⁵, асҳобларининг мўътабарларини йиғиб машварат ўтказдилар ва душманларнинг лашкари кўп экан, агар биз шаҳар дарвозаларини беркитиб, ичкаридан жанг қилсак, яхши бўлади, деган қарорга келдилар. Асҳобларининг ғайратли ёшлари бу маслаҳатга қулоқ осмай, шаҳардан ташқарига чиқиб душман билан юзма-юз жанг қиламиз, дедилар. Ҳазрат уларнинг ташқарига чиқиб жанг қилиш тарафдорлари эканликларини кўрдилар ва ҳеч нарса демай етти юз нафар⁶ мусулмонлар билан шаҳар ташқарисига чиқдилар. Мадина шаҳри ташқарисидagi Уҳуд тоғининг тагида душман билан юзма-юз келдилар⁷. Ислom лашкарининг чап томонида бир дара бўлиб, Ҳазрат (Пайғамбар) эллик нафар ўқчиларни ажратиб, сизлар шу жойда туринглар, асло бошқа жойга кўчманг-лар, агар душман бу ерга келиб ҳужум қилса, ишимиз мушкуллашади, дедилар. Жанг бошланди, мусулмонлар ҳужум қилдилар, кофирлар чекина бордилар, лекин бояги эллик нафар ўқчи Ҳазрат (Пайғамбар с.а.в.)нинг фармонини ёддан чиқариб, кофирларнинг ҳар ерда қолган молини ўлжа қилиб олиш учун дарадан қайтдилар⁸. Бир қанча душман аскарлари бу фурсатни ғанимат билиб, ана шу дарани эгаллаб олдилар ва шу ердан ислom лашкарига ҳужум қилдилар. Мусулмонлар мағлуб бўлдилар⁹, ет-



миш нафар мусулмон шаҳид бўлиб, Пайғамбаримизнинг амакилари ҳазрати Ҳамза¹⁰ ҳам шулар қаторида эдилар. Ҳазратнинг ҳам бу жангда тишлари синиб, азият чекдилар. Гарчи кофирларнинг қўллари бу жангда баланд келган эса-да, мусулмонларнинг яна куч тўплаб хужум қилиб қолишларидан қўрқиб чекиндилар¹¹.

ХАНДАҚ ҲАЗОТИ¹²

Ҳижратнинг бешинчи йили Макка кофирлари яҳудийлар билан иттифоқ тузиб, ўн минг кишини тўплаб, Мадина тарафга йўл олдилар. Ҳазрат бу хабарни эшитгач, асҳоблари билан машварат қилдилар. Маслаҳатга биноан Салмон Форсий уч минг киши билан шаҳар ташқарисига чиқиб, шаҳар остонасида ислом лашкарининг атрофида чуқур қазидилар. Кофирлар ислом лашкарининг рўбарўсига келиб саф тортидилар, аммо хандақдан ўтолмадилар, ночор қолиб, хандақнинг нариги томонида туриб ўқ отдилар. Мусулмонлар ҳам бу тарафда туриб душман ўқига жавоб бериб турдилар. Оқибатда душман ҳеч қандай натижасиз қайтиб кетишга мажбур бўлди. Мусулмонлар музаффар ва мансур бўлиб Мадинага қайтдилар¹³.

ҲУДАЙБИЯҲ СУЛҲИ

Ҳижратнинг олтинчи йили Ҳазрат беш юз нафар¹⁴ саҳобалари билан Каъбани зиёрат қилиш ниятида йўлга тушдилар. Жанг қилиш нияти бўлмаганлиги сабабли қиличдан бошқа жанг қуролиларини олмасликни буюрдилар. Макка яқинидаги Ҳудайбияҳ мавзеъига жойлашилгач, Макка аҳлига элчи юборилиб, ўз ниятларини




маълум қилдилар. Лекин Макка кофирларининг сардорлари туфайли Ҳазрат Расули ақрам соллаллоҳу алайҳи васалламга Каъба зиёрати учун рухсат бермадилар. Шунча миқдор мусулмонни кўриб, уларнинг ниятларидан беҳабар ёки боҳабар бўлсалар ҳам дарҳол лашкар тўплаб, жангга ҳозирлик кўра бошладилар.

Жанг чиқишига сал қолди, лекин баъзи кишилар гайрат кўрсатиб, улар ўртасида сулҳ тузилишига эришдилар. Бу сулҳга кўра, Ҳазрат бу йил Каъбани зиёрат қилмай қайтадиган ва кейинги йилда зиёратга келадиган бўлдилар; мусулмонлар ўн йил мобайнида Макка аҳли билан жанг қилмайдилар. Маккадан Мадинага қочган ҳар бир кимсани эса, қайтариб Маккага юбордилар ва Мадинадан Маккага қочган ҳар бир кимсани Макка аҳли Мадинага юбормайдилар. Ҳар икки томон ушбу аҳдномага имзо чекдилар, Ҳазрат (Пайғамбар с.а.в.) Мадинага қайтиб кетдилар, кейинги йили эса Каъба зиёратига бордилар. Бу воқеани *Ҳудайбияҳ сулҳи* деб атаганлар.

ХАЙБАР ҲАЗОТИ

Шом ва Мадина орасида Хайбар отлиғ қалъа бор эди¹⁵. Бу жойда яҳудийлар яшардилар. Ҳазрат ҳижратнинг еттинчи йилида шу қалъани олмоқ учун минг нафар ислом аҳли билан келдилар¹⁶. Яҳудийлар шаҳар дарвозасини беркитиб, ичкаридан туриб жанг қилдилар. Ислом лашкари ўн кун мобайнида қалъани қатъий қамал қилди, натижада уни эгаллади. Бу шаҳар қамалидан ислом лашкари қўлига беадад ўлжа тушди.




УЛ ҲАЗРАТНИНГ ЭЛЧИ ЮБОРИШЛАРИ

Бу ғалабадан сўнг мусулмонларнинг овозаси ҳар тарафга ёйилди. Турли қавмлар ислом аҳлининг қувватидан ҳайратга тушдилар. Ҳазрат фурсатни ғанимат билиб, атрофдаги подшоҳларга элчи ва номалар юбордилар, бу номалар ва элчилар орқали уларни ислом динига киришга даъват қилдилар. Ҳазрат қуйидаги олти мамлакатга ўз номаларини юборган эдилар: аввал Эрон подшоҳига, иккинчи мактубни Рум подшоҳига, учинчисини Ҳабашистон подшоҳига, тўртинчисини Миср ҳокими-га, бешинчини Яман ҳокими-га ва олтинчини Билқо ҳокими-га. Уларнинг баъзилари Ҳазратнинг элчиларини иззат-ҳурмат билан қаршилаб, совға-салом билан кузатган бўлсалар, баъзилари уларни таҳқирладилар¹⁷.

МАККАНИНГ ОЛИНИШИ

Ҳудайбияҳ сулҳига биноан мусулмонлар Маккага қарши ўн йил давомида жанг қилмасликлари керак эди ва мусулмонлар бу аҳдда собит эдилар. Лекин сулҳ имзоланганидан икки йил ўтгач, яъни ҳижратнинг саккизинчи йили Макка кофирларининг ўзлари аҳдно-мани бузиб, Мадинага бот-бот ҳужум қила бошладилар. Ҳазрат (Пайғамбар с.а.в.) ўн минг лашкар билан Маккага юриш қилишга мажбур бўлдилар ва шаҳар ташқарисига келиб, ҳар бир жангчига ўз чодирда олов ёқишни буюрдилар. Макка аҳли ҳамон мусулмонларнинг келганларидан беҳабар эди. Шаҳар ташқарисига ёқилган бунчалар кўп ўтни кўриб қўрқиб кетдилар. Абу Суфён хабар олгани келиб, мусулмон бўлиб қайтди ва Макка аҳлига воқеани англатди¹⁸. Макка ко-



фирларидан баъзилари жангга ҳозирлик кўра олмай, ҳар томонга қочиб кетдилар. Ҳазрат (Пайғамбар с.а.в.) жангсиз келиб Маккани олдилар ва Макка аҳлига афви умумий эълон қилдилар¹⁹. Бошқалар ҳам гуруҳ-гуруҳ бўлиб мусулмонликни қабул қилдилар.

ҲУНАЙН ҲАЗОТИ

Макка фатҳи ҳақидаги хабар ҳамма тарафга тарқалгач, баъзи мусулмон бўлмаган араб қабилалари ғазабга келдилар ва Ҳунайн деган мавзёга тўпланиб, Ислом лашкарига ҳужум қилишга шайландилар²⁰. Ҳазрат бу хабарни эшитиб, 12 минг киши билан уларнинг устига юрдилар. Ҳунайн мавзёида жанг бўлиб, номуслмон қабилаларнинг лашкари қаттиқ шикастланди. Ислом аҳли уларнинг юртларини эгалладилар. Бутун Ҳижоз ярим ороли мусулмонобод бўлди ва Ҳазрат (Пайғамбар с.а.в.) Мадинага қайтдилар²¹.

ТАБУК ҲАЗОТИ

У замонларда Шом вилояти Рум императорининг қўлида эди. Ҳазрат (Пайғамбар с.а.в.) Шом вилоятида императорнинг фармони билан жуда кўп аскарлар жамъ бўлганини ва Мадинага ҳужум қилиш ниятида эканлигини эшитдилар, ул зот ҳам дарҳол лашкар тўплаш фикрига келдилар. Лекин Рум императорининг лашкари билан жанг қилиш мушкул эди. Бунинг учун жуда кўп лашкар тўплаш керак эди, аммо лашкар ҳаражати учун маблағ топишнинг иложи йўқ эди. Охир-пировардида миллатга²² мурожаат қилиб, кўмак сўралди. Ҳар ким қўлидан келган нарсасини берди. Шу тариқа лаш-



карга керакли бўлган анжом ва аслаҳа тўпланди²³. Ҳазрат 30 минг лашкар билан Мадина ва Шом ўртасидаги Табук мавзеъига етиб келдилар. Душмандан асар ҳам кўринмади. Лашкарнинг улуғларини тўплаб машварат қилдилар. Абу Бакр Сиддиқ, агар шомликлар жанг қилишни ният қилганларида бирор белги бўлур эди, ҳозир эса, улардан ҳеч бир хабар йўқ, маълум бўладикки, уларнинг жанг қилиш нияти бўлмаган, балки бизнинг бу ерга келганимиз уларни кўрқитиб юборган бўлиши мумкин. Бунинг устига Шомда вабо тарқалган, агар шу ердан ортга қайтсак, маъқул бўлар эди, деб маслаҳат бердилар. Ҳазрат (Пайғамбар с.а.в.) бу маслаҳатни маъқул топиб, Табук атрофидаги қабилаларни бож тўлашга мажбур қилдилар ва Мадинага қайтдилар.

Абдурауф Фитрат. Мухтасар ислом тарихи (форсийдан таржима, изоҳ ва талқинлар муаллифи филология фанлари доктори, Ҳ. Болтабоев).

*«Ғазот» ва «жиход» атамалари адабиётларда, асосан, бир маънода қўлланилган. «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да бу сўзларга «дин йўлида қилинадиган жанг, муқаддас уруш» деб таъриф берилади (Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Т. 2. — М.: 1981. — Б. 648)

¹ Пайғамбаримиз Аллоҳ таолодан буйруқ бўлмагунча мусулмонларнинг жиҳодга чиқишларига йўл бермаганлар. Ҳаж сурасининг 39-40-оятларида шундай дейилган: «Хужумга учраётган зотларга мазлум бўлганлари сабабли (жанг қилиш) изни берилади. Албатта, Аллоҳ уларни ғолиб қилишга қодирдир» (22:39-40). Унинг шарҳида эса қуйидагилар ёзилган: Муфассирларнинг айтишларича, ушбу оят мусулмонларга жиҳод қилиш учун берилган биринчи рухсатдир. Пайғамбар алайҳиссалом Маккада турган пайтларида ҳам саҳобалар у кишининг ҳузурларига кўп марта мушрикларнинг қилаётган ҳужумларидан шикоят қилиб келар эдилар. Лекин у зот: «Сабр қилинглар, менга ҳали Парвардигорим томонидан жанг қилишга рухсат берилгани йўқ» деб қайтарардилар. Дарҳақиқат, Қуръони каримдаги етмишдан ортиқ оятда мусулмонлар кофирларга қарши жиҳоддан қайтарилгандир. Мадинага ҳижрат қилинганидан кей-



ин Ислом давлати барпо бўлгач, мазлум мусулмонларга золим кофирларга қарши жиҳод қилиш изни берилди ва бу жангда, албатта, Аллоҳ йўлида курашган зотлар голиб бўлиши башорат қилинди» (Қуръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. — Т.: 1992. — Б. 240). Қўринадики, жиҳод босқинчилик уруши эмас, балки мазлумларнинг золимларга қарши кураши тарзида изоҳ қилинади.

² Бадр қудуғи Мадинадан 150 км. жануби шарқда Усфан ва Қудайд орасидаги қишлоқ, Сурияга бориладиган карвон йўлининг устида жойлашган.

³ О. Большаковнинг ёзишича, Абу Жаҳл раҳбарлигида жангга отланган маккалик лашкарда 100 отлик, 700 туяли аскар бўлиб, 1000 га яқин пиёда жангчилар бўлган. Мадина лашкарида 3 отли, 70 туяли жангчи бўлиб, қолганининг ҳаммаси пиёда эди. Пайғамбаримиз солаллоху алайҳи васаллам Бадр яқинига 624 йил 14 март (Рамазон ойининг 18-куни) ва Маккадан катта қўшин чиққанлигини билмас эдилар (*Большаков О. Г. История Халифата. — М.: 1989. — Б. 96-98*). Ортга қайтиш душманини қувватлантириб юборишини англаб, Аллоҳга таваккал қилган ҳолда жангга кирдилар ва музаффар бўлдилар.


⁴ Пайғамбаримиз бу ерда ҳам инсонлик бурчини бажариб, душманларнинг жасадларини дафн эттирганлар.

⁵ Абу Жаҳл Бадр жангида ҳалок бўлгач, унинг ўрнига Абу Суфён маккалик кофирларга сардор бўлган эди. У чўллаги қабилалардан 2000 аскар тўплади, уларга маккаликлардан 1000 киши қўшилди. Қўшинда 700 зирҳли суворий, 200 от, 3000 туя қатнашди. «Жангда катта ўлжа, жумладан, 30 от, 150 туя, кўп қурол, аслаҳалар қўлга киритилди. Мухаммад солаллоху алайҳи васаллам бу ўлжаларни жанг иштирокчиларига тақсимлаб, унинг бешдан бир қисмини ўзлари олганлар. Ислом анъанасида ўлжа тақсимлашда унинг бешдан бир қисми халифалар хазинасига тушиши, пиёда аскарга бир ҳисса, отлик аскарга икки ҳисса берилиши ана шундан бошланган. Кейинчалик бу шариатда қонунлаштирилган». (*Ислом энциклопедияси. — Т.: 2004. — Б. 42*).

⁶ Аслида маккаликларнинг катта қўшин билан мўлжаллаган юришлари ҳақида Расули акрамнинг амакилари Аббос мактуб орқали хабар қилган эди.

⁷ Аслида 1000 киши бўлган. Аммо мунофиқлар сардори Абдуллоҳ 300 одами билан орқага қайтгач, 700 киши қолган. Мадинадан ташқарига жума намозидан кейин чиққанлар.


⁸ Душман қўшинининг ўнг қанотида Халид ибн Валид, чап қанотида Абу Жаҳлнинг ўғли Икрима, суворийларнинг бошида Сафвон турар эди. Жанг яккама-якка олишув билан бошланди. Ҳазрати Али билан ҳазрати Ҳамза ўз рақибларини бир зарбда ерга йиқитдилар. Макка кофирлари Бадр ўчини олиш учун бор кучларини ташладилар.



Маккаи мукаррама




Арафот




Бақиъ қабристони



Ақоба масжиди




Масжиди Набавий




Уҳуд тоғи




Сафо ва Марва орасидаги саъй




Қиблатайн масжиди



Қиблатайн масжиди



Ҳажар ул-асвад



Қубо масжиди



Χιρο γορι



*Пайгамбаримизнинг муқорак қабрлари ва
Равзаи шариф*



⁹ Жуда шиддат олган жанг мусулмонлар фойдасига ҳал бўла бошлади. Расули акрам қўшинни шундай тартиб билан қўйган эдиларки, душман қанча уринмасин сафларни ёриб киролмади. Мадиналикларда душман суворийсига қарши турадиган отлиқ лашкари бўлмаса ҳам, душман суворийлари ҳам панд еб қолдилар. Суворийлар ёриб ўтадиган биргина жой ҳам ўқчилар қўриқчилигида эди. Душман сафлари бузилиб, пароканда бўлганини кўрганлар ўлжа умидида ўз жойларини ташлаб, душмандан қолган молларга ёпиша кетдилар, бу фурсатни ганимат билган Халид суворийлари ўша томондан ҳужум қилиб, ғалабани қўлга киритди. Тўс-тўполонда Расули акрамнинг зирҳлари тишларига тегиб кетиб синди, аммо аскарлар Расули акрамни ўраб олиб, душмандан қўриқлаб турдилар. Аскарларга сув ташиётган Умара исмли бир хотин бу аҳволни кўргач, ерда ётган бир жангчининг қиличини олиб, Расули акрамни ҳимоя қила бошлади ва Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳужум қилмоқчи бўлган кофирлардан бирини чолиб, отдан йиқитди.

¹⁰ Бу ҳақда Куръони каримнинг Ол-и Имрон сурасида шундай дейилган: «Аллоҳ ўз ваъдасининг устидан чиқди — сизлар Унинг изни билан кофирларни қира бошладингиз. То сусткашлик қилиб (Пайғамбар алайҳиссаломнинг) амру фармонлари борасида талашиб-тортишган ва Аллоҳ сизлар яхши кўрган нарсани (яъни ғалабани) кўзингизга кўрсатиб қўйганидан кейин Пайғамбарнинг амридан бош тортган пайтингизгача (бу устунлигингиз давом этди). Орангизда дунё истаган кишилар ҳам, охираат истаган кишилар ҳам бор эди. Сўнгра сизларни имтиҳон қилиш учун уларнинг (устидан ғалаба қилиш ўрнига мағлубият томонга) буриб юборди. Энди гуноҳларингизни авф қилди. Аллоҳ иймон эгаларига фазлу марҳамат соҳиби бўлган зотдир» (3:152)

¹¹ Абу Суфённинг хотини Бадр жангида ўлган отасининг қасосини олиш учун Ваҳший исмли бир занжига катта миқдорда пул бериб, ҳазрати Ҳамзани ўлдиришни буюрди. Ваҳший Ҳазрати Ҳамзага рўбарў келишдан чўчиб, бир пистирмага яшириндию ўша ердан ўқ отиб ҳазрати Ҳамзани ўлдирди. Бу жангда кофира хотинлар инсонга хос бўлмаган ишларни қилдилар; жангда шаҳид бўлган мусулмонларнинг қулоқ-бурунларини кесиб олиб, бўйинларига осиб олдилар.

¹² Бу жангда мусулмонларнинг хотинлари ҳам иштирок этдилар, аммо улар аскарларга сув ташиш, уларнинг яраларини боғлаш билангина шуғулландилар. Жангда мусулмонлардан 70 киши шаҳид кетди. Катта дилсёрхлик билан Мадинага қайтдилар. Мадинадаги яҳудийлар ва мунофиқлар бу мағлубиятдан севиндилар, бу эса Пайғамбаримизга оғир ботди, ярадор ва ҳорганлари ҳолда душманни таъқиб этишга қарор бердилар. Шаввол ойининг ўн олтинчисида, яъни жангнинг эртасига мусулмонларни жангга чорладилар. Бу пайтда маккаликлар Уҳуддан чекиниб,



Равҳога келган эдилар. Расули акрам байроқни ҳазрати Алига бериб, душманни таъқиб этишни буюрдилар. Мусулмон аскарларининг таъқибларидан хабар топган Абу Суфён қайта жангга киришга юраги бетламай, Макка тарафга қочди.

¹³ Фитрат бу ўринда баъзи тарихий воқеаларни ташлаб ўтган. Хандақ ғазоти (Уҳуд ғазотидан 2 йил кейин шаввол ойининг 5 кунда 627 йилнинг мартабасида) гача Пайғамбаримизга қарши суиқасд уюштирган Нодирга қарши, Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламга қарши қўзғалган Мусталиқ қабиласи билан ҳамда Ҳамру-л-Асад жанг (ғазот)лари бўлиб ўтган эди. Батафсил маълумот учун қаранг: *Нури Улу*. Ислом тарихи. Бошланғичдан Усмониларга қадар. 1-жилд. — Истанбул: 1992. — Б. 51-53 (турк тилида).

¹⁴ Бу воқеаларга қуйидагиларни қўшиш мумкин: Макка кофирлари мусулмонларга душман бўлган яҳудийлар билан бирлашдилар. Биргина бу эмас, Макка кофирлари мусулмонларга душман бўлган қабилалардан жами 10.000 лашкар тўплаб, Абу Суфён бошчилигида Мадинага юриш қилдилар. Фитрат таъкидлаганидек, Салмон Форсий бошчилигида хандақ қазилди ва олти кун ичида бу иш охирига етказилди. Хандақ қазилаётганда битта катта тош чиқди. Ҳеч ким уни парчалай олмади. Расули акрам тошга бир урган эдилар катта бўлаги ажралиб тушди. Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам «Аллоҳу акбар. Шомнинг қўшқларини кўряпман», дедилар. Яна бир марта урганда яна катта бўлак ажралди. «Эроннинг оқ саройларини кўряпман», дедилар. Учинчи марта урганда тош парчаланиб кетди. «Сано эшикларини кўряпман», дедилар ва бу башоратлар кейинги асрларда рўёбга чиқди. Маккаликлар шиддат билан бостириб келганда хандаққа дуч келдилар, бу тарих кўрмаган мудофаа усули эди. Қамал 20 кун давом этди, сўнгра Аллоҳ томонидан иноят келиб, кучли совуқ бўрон турди. Мудофаадагилар иссиққина жойларидан истиқомат қилишар, хандақ ташқарисида бўлган кофирлар эса, совуқдан жунжикиб, тўзиб кетган эдилар Кўрсатилган асар. — Б. 54-57.

¹⁵ Худайбиях деган мавзе Макканинг ғарбий чегарасида, Жилда йўлида жойлашган. Айрим манбаларда кўрсатилишича, зиёратга 1400 га яқин киши ҳажга отланган эди. Маккаликлар билан сулҳ тузишда Усмон ибн Аффон Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васалламнинг элчиси этиб тайинланган эди.

¹⁶ Хайбарнинг етти қалъаси бўлиб, ниҳоятда обод боғ-роғлардан иборат жой бўлган. Мадинадан сурилган яҳудийларнинг бир қисми бу ерга келиб жойлашиб олган эдилар. Улар мусулмонларга қарши иғво ва бўҳтонлар тарқатар эдилар.

¹⁷ Фитрат домла мухтасарликка эътибор қилиб, бу ўринда ғазотнинг сабабларини аңлатмаган. Мадинадан сурилган яҳудийларнинг қутқуси билан Хайбар волииси Ясир Мадинага ҳужум қилиш учун режа ҳозир-



лаётган эди. Бундан хабар топган Расули акрам Абдуллоҳ бинни Равоҳани Хайбарга юбориб, шартнома тузишни таклиф қиладилар, аммо таклиф рад этилган. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ясирни ҳаракатга келмасидан аввал жойида тинчитиш учун 1600 кишилик мужоҳид билан йўлга чиқдилар ва тахминан 150 километр келадиган масофани уч кунда босиб ўтиб, Хайбарга етиб келдилар. Хайбарийлар мусулмонларни кўриб, қалъаларининг дарвозаларини беркитиб олдилар. Мусулмон лашкарлари 1600 кишидан иборат бўлиб, унга қўшилган аёллар ҳамшираллик ва ёрдамчи вазифасини ўтар эдилар. Жуда қаттиқ жанглардан кейин етти қалъанинг ҳаммаси забт этилди. Бу жангда ҳазрати Али мисли кўрилмаган қаҳрамонликлар кўрсатдилар ва «Хайбар фотиҳи» унвонига сазовор бўлди.

¹⁸ Низомий Ганжавий «Хусрав ва Ширин» достонида Эрон подшоҳига юборилган мактуб хусусида қуйидагича ёзади: «Буларнинг орасида Эрон ҳукмдори элчини яхши кутиб олмасдан, мактубни йиртиб ташлаган. Бошқалари эса хуш қабул қилганлар. Византия Қайсарийсига мактуб етиб борганда, Абу Суфён тижорат карвони билан Шом (Сурия)да эди. Қайсарий Абу Суфёндан ҳазрати Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақида маълумот олган. Миср ҳокими Муқавқис эса шундай бир нозик жавоб берган: икки қанизакни ҳада сифатида юборибди, улардан бири Марям эди». Бу ҳақда Фитратнинг «Фарҳоду Ширин» достони тўғрисида» номли мақоласида батафсил маълумотлар бор. Қаранг: Фитрат. Танланган асарлар. 2-жилд Т.: Маънавият, 2000. — Б. 105-133.

¹⁹ Абу Суфён аҳволни ўрганиш учун тун орасида мадиналиклар қароргоҳига яқинлашди. У писиб келар экан, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакилари, яқиндагина мусулмон бўлган Аббосга дуч келди. Аббос унга ислом лашкарининг кучи беадад кўплигини, эртага Макка шаҳрида қонли жанглар бўлажагини хабар берди. Кўрқиб кетган Абу Суфён Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олдига олиб боришни сўраб Аббосдан илтимос қилди. Аббос уни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳузурларига олиб борди ва ўша ерда у иймон келтириб мусулмон бўлди. Бу воқеадан ҳам кўринадики. Аллоҳнинг инояти билан Макка аҳли қонли урушсиз таслим бўлган эди.

²⁰ Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Макка аҳлини йиғиб хутба ўқидилар. Хутбада Аллоҳнинг ягоналигини ва Ҳақ дин асосларини англатдилар. Шундан сўнг кишилар ўртасида тенглик, мўминлар орасида қардошлик бўлиши лозимлигини эълон қилдилар. Хужурот сурасининг 13-оятини ўқидилар. Афви умумийда амакиларини ўлдирган Ҳинд ва Ваҳшийни ҳам кечирдилар, фақат Ваҳший кўзимга кўринмасин, чунки уни кўрсам амаким эсимга тушади, дедилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Каъбани бутлардан тозаладилар. Ҳазрати Билол Каъба устига



чиқиб азон айтди. Шаҳарни тўлдирган мусулмонлар намоз ўқидилар. Пайғамбаримиз Маккада 15 кун туриб яна Мадинага қайтдилар.

²¹ Макка яқинида яшайдиган Ҳавозин қабиласи бутпараст эди. Улар маккаликларга қараганда сон жиҳатидан кўп бўлиб, ислом аҳлига қарши куч тўплаётган эдилар. Қабиланинг сардори Малик деган кимса 20000 кишилиқ лашкар тўплаган. Лашкар Ҳунайн мавзеъига тўпланди. Малик лашкарга аёллар ва болаларни, шунингдек, молларини ҳам қўшиб олиб келган эди, мавзеъ гўдакларнинг йиғиси, молларнинг маъраши ва бўкиришига тўлиб кетган эди. Лашкар водийнинг тор бир бўғозини икки тарафлама эгаллади. Мусулмонлар 12 минг лашкар билан бу ерга етиб келиб, исканжада қолдилар. Лашкар сараланган эмас эди, унда Абу Суфён бошлиқ янги мусулмонлар ҳам, Макка шаҳридаги мушриклар ҳам бор эди. Исканжадан мусулмонлар паришон бўлиб қолганларини кўриб, янги мусулмон бўлганлар ҳам, мушриклар ҳам хурсанд бўлишди ва парокандаликни ривожлантириш ҳаракатига тушдилар. Аммо Пайғамбаримиз лашкар ичида тартиб сақлашга муваффақ бўлдилар. Натижада мусулмон лашкари яна уюшиб, душманга зарба берди ва уруш мусулмонлар ғалабаси билан якунланди. Душмандан жуда кўп ўлжалар олинди: 22 минг туя, 40 минг қўй, 6 минг асир жанг майдонида қолди.

²² Батафсил маълумот учун қаранг: *Большаков О. Г.* История Халифата. — М.: 1989. — Б. 163-167

²³ «Миллат» тушунчаси бугунги маънода эмас, балки аҳли исломга нисбатан қўлланилган.

²⁴ Табук — Шом ва Мадина ўртасида жойлашган мавзеъ. Ҳижоз ярим оролига ислом суръат билан тарқалиб бораётган бир пайтда Рум Эрон устидан ғалаба қозонди ва мусулмонларнинг адабини бериш, уларнинг йўлини тўсиш мақсадида лашкар жангга тайёргарлик кўра бошлади. Румнинг бу ҳаракатига насроний араблар ҳам қўшилдилар. Шимолдаги бу ёвуз қучларнинг олдини олиш, имкони бўлса, уларни енгиб, ислом аҳлини кенгайтириш мақсадида мусулмонлар ҳам урушга тайёргарлик кўришга киришдилар. Ўша йили Ҳижоз вилоятида мудҳиш очарчилик ҳукм сураётган эди. Шунга қарамай, Пайғамбаримиз солаллоҳу алайҳи васаллам халққа мурожаат қилганларидан сўнг мулкдор саҳобалар молларини бердилар, айниқса, ҳазрати Абу Бакр жуда ўктамлик қилдилар. Ҳазрати Усмон кўнгиллилардан таркиб топган катта лашкарнинг таъминотини ўз зиммасига олди. Аёллар бор зеб-зийнатларини ғазот йўлида инъом қилдилар.

فداك نفسی و آہنی

*Расулуллоҳ (с.а.в) ташкил
этган жиҳодлардан тўққизтаси
шиддатли жангларга сахна бўлган, ўн
тўққизтаси эса шунчаки тўқнашувлар
сифатида яқун топган.*

** * **

*Пайғамбаримизнинг (с.а.в) ғазотлари ниҳо-
ясида биринчи марта Арабистон ярим оролида му-
сулмон қўмондонлари ва Ислом байроғи остида бир-
лашиш таъминланди ва бу ҳудудлар бегона кучлар-
дан тозаланди. Араблар бирлашиб, ягона Аллоҳга
иймон келтирдилар.*

** * **

*Пайғамбаримизнинг (с.а.в) қўмондонлари сони
ўттиз етти нафар бўлиб, уларнинг йигирма икки-
таси жангларда шахид бўлди.*

** * **

*Ислом йўлидаги жиҳодлар ҳижратнинг
иккинчи йилидан эътиборан етти йил да-
вом этди. Дастлабкиси, Бадр жиҳо-
ди, охиргиси эса ҳижратнинг тўққи-
зинчи йили ражаб ойида бўлиб
ўтган Табук ғазотидир.*



ЛАШКАРВОШИ САҲОБАЛАР

Суюкли Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам жиҳодларда мусулмонларга қўмондонлик қилар эди. Ҳаммаси бўлиб йигирма саккизтани ташкил этган бу жиҳодлардан тўққизтаси шиддатли жангларга саҳна бўлган, ўн тўққизтаси эса шунчаки тўқнашувлар сифатида якун топган.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жиҳоди ҳижратнинг иккинчи йилидан эътиборан етти йил давом этди. Дастлабкиси, яъни Жаноби Пайғамбаримизнинг ўзлари қўмондонлик қилган ғазот ҳижратнинг иккинчи йили, сафар ойида бўлиб ўтган Бадр жиҳоди, охиргиси эса ҳижратнинг тўққизинчи йили, ражаб ойида бўлиб ўтган Табук ғазотидир.

Бироқ Пайғамбаримизнинг жиҳоди фақат ғазотлардангина иборат эмас. Ғазотлар билан бирга сарийя(жиҳоднинг бир тури)ларни ҳам қамраб олади. Ғазот билан сарийя ўртасидаги фарқ шундан иборатки, биттаси (жиҳод) шахсан ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари, бошқаси (сарийя) эса саҳобаларидан бирининг қўмондонлиги остида олиб борилади.

Тўққиз йил давомида олиб борилган бу сарийялар, ҳижратнинг биринчи йили, рамазон ойида ҳазрати



Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ал-Ийс-га юборган Ҳамза бин Абдулмутталиб сарийяси билан бошланган. Ҳижратнинг ўнинчи йили рамазон ойида Мазҳижга юборилган Али бин Абу Толиб сарийяси билан якунланган.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ғазотлар ва сарийялар шаклида давом этган жиҳоди ниҳоясида, биринчи марта Арабистон ярим оролида мусулмон қўмондонлари ва Ислом байроғи остида бирлашиш таъминланди, бу ҳудуд бегона кучлардан тозаланди, Исломдан олдин топиниб келинган бут ва санамлар ерпарчин қилиниб, араблар бирлик ва тавҳид дини бўлган Ислом соясида ҳеч қандай шериги бўлмаган ягона Аллоҳга иймон келтирдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сарийяларни бошқарган қўмондонларининг сони ўттиз етти нафарни ташкил қилган. Гарчи ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўшинларига қўмондонлик қилмаган бўлса-да, Уҳуд жангида камончилар қўмондони бўлган Абдуллоҳ бин Жубайрни ҳам улар қаторига қўшишимиз мумкин. Зеро, у қўмондонлиги ва қаҳрамонлиги билан ҳар бир мусулмон, қўмондон ва аскарга ўрнак бўладиган даражада эди. У ҳолда бу рақам ўттиз саккизтани ташкил қилади.

Расули акрамнинг тенгсиз қўмондонлиги, жиҳодларни шахсан ўзи бошқариши; сарийяларга саҳобаларидан энг маҳоратлиларини бошлиқ этиб тайинлаб, уларга билвосита йўналишлар бериб туриши мусулмонларнинг зафар қучишларини таъминлаган.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васал-

лам қўмондонларининг жасурликда тенгсиз эканликларига асосий далил шуки, улар ҳар жиҳатдан устун бўлган Ислом душманларига қарши жангларда диннинг ривожини учун муҳим бўлган жангларда улкан ғалабаларни қўлга киритганлар.

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам қўмондонларидан йигирма икки нафари жангларда шаҳид бўлган.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам қўмондонлари орасидан жангларда шаҳид кетганларнинг кўпчилигини ташкил қилишининг сабаблари қидирилса, уларнинг тенгсиз жасоратга соҳиб бўлганликларига амин бўламиз. Қолаверса, уларнинг бу тенгсиз жасорати чуқур иймонга асосланган эди. Бу улуг зотлар қўшинни ўзи олдинги сафда туриб бошлаб борган, матонат ва шижоат кўрсатиб, аскарларга жасурликда, қаҳрамонликда ўрнак бўлганлар.

Алимардон ҲАЙИТОВ,
филология фанлари номзоди.

Расулуллоҳ (с.а.в.) ҳиж-
ратнинг ўнинчи йили, зулқ-
аъда ойдан ўн кун қолганда, ҳаф-
танинг пайшанба кун эрталаб, Ма-
динага Абу Дужона ал-Ансорийни волий
қилиб қолдириб, ўзларининг исломдаги би-
ринчи ҳажини адо этиш нияти билан Мак-
кага равона бўдилар. Бу ҳаж Пайғамбари-
миз (с.а.в.) учун биринчи ва охирги ҳаж бўлди.

* * *

Ҳожилар Зулхулайфа деган жойга етиб келганда
Абу Бакр Сиддиқ (р.а.)нинг хотини Асмо бинти Умайс
ўғли Муҳаммадни дунёга келтирди. Чақалоқни йўрғак-
лаб Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига олиб борди-
лар. У зот муборак тупукларини чақалоқнинг оғзига
солиб қўйди. Шундай қилиб Муҳаммад ибн Абу Бакр-
нинг дунёга келиб тотинган энг биринчи ризқи Пай-
ғамбар алайҳиссаломнинг муборак тупуклари бўлди.

* * *

Пайғамбар алайҳиссалом Арафот тоғида Қасво
номли туяларини миниб турган пайтларида
"Моидда" сурасидаги: "...Бугун Мен сизлар
учун динингизни комил қилдим. Мен сиз-
ларга неъматимни тўкис қилиб бердим
ва сизлар учун Ислоمنى дин қилиб тан-
ладим", мазмунидаги оятлар нозил
бўлди. Ваҳийнинг оғирлигини кўта-
ролмай туя ҳам чўкиб олди.



СҮНГГИ ХИТОБ

(Видолашув ҳажи)

Ўшанда ҳижратнинг ўнинчи йили эди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам зулқаъда ойидан ўн кун қолганда, ҳафтанинг пайшанба куни эрталаб, Мадинага Абу Дужона ал-Ансорийни волий қилиб қолдириб, ўзларининг исломдаги биринчи ҳажини адо этиш нияти билан Маккага равона бўлдилар. Бу ҳаж Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам учун биринчи ва охирги ҳаж бўлди. Шунинг учун ҳам ушбу ҳаж Ислом тарихида “Ҳажжатул вадоъ”, яъни “Видолашув ҳажи” номи билан қолди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга юз мингга яқин киши ҳамроҳлик қилди. Улар йўл бўйи “Лаббайкаллоҳумма лаббайк, лаббайка лаа шарийка лака лаббайк, иннал ҳамда, ван-неъмата лака вал мулк. Лаа шарийка лака” дея тавҳид талбиясини айтиб бордилар.

Ҳожилар Зулҳулайфа деган жойга етиб келганда ҳаммалари учун бир қувончли воқеа бўлди. Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг хотини Асмо бинти Умайс ўғли Муҳаммадни дунёга келтирди. Эндигина туғилган чақалоқни матога йўргаклаб Пайғамбар алайҳиссалом ҳузурларига олиб бордилар. У зот муборак ту-



пукларини чақалоқнинг оғзига солиб қўйди. Шундай қилиб Муҳаммад ибн Абу Бакрнинг дунёга келиб тоғинган энг биринчи ризқи Пайғамбар алайҳиссаломнинг муборак тупуклари бўлди.

Пайғамбар алайҳиссалом Маккага кириб келгач, дастлабки ишлари Байтуллоҳни тавоф қилиш бўлди. Каъбани етти марта айланиб тавоф қилдилар, сўнг мақоми Иброҳимда икки ракат тавоф намози ўқиб, Замзам кудуғидан сув ичдилар. Кейин Сафо ва Марва тоғлари орасида юриб, у куннинг ибодатини тугатдилар.

Зулҳижжа ойининг саккизинчи куни тунни Мино тоғида ўтказиш суннатдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам катта жамоат билан Минога келиб, шу ерда ётдилар. Бомдод намозини Минода ўқиб жума куни Арафотга қараб юрдилар. Шу йили “Ҳажжи Акбар” бўлди. Ҳожилар жума куни Арафотда бўлсалар, “Ҳажжи Акбар” ҳисобланади. Арафотда бир азон ва икки такбир билан пешин ва аср намозини қўшиб ўқидилар. Шундан буён Арафотда пешин ва аср намозини қўшиб ўқиш умматларга суннат бўлиб қолди. Сўнгра Расулуллоҳ саллаллоҳу алайҳи васаллам Қасво деган туяларига миниб хутба ўқиб, узун бир ваъз айтдилар. Бу муборак хутбалари ва ваъзлари шундай эди:

“Ҳамду сано Аллоҳга бўлсин. Уни улуғлаймиз, унга ҳамд айтамыз, ундан ёрдам сўраймиз ва мағфират тилаймиз, унга тавба қиламиз. Нафсларимизнинг ёмонлигидан ва амалларимизнинг ёмонлигидан Аллоҳдан паноҳ тилаймиз. Аллоҳ ҳидоят қилганни адаштирувчи йўқдир, Аллоҳ адаштирганни эса тўғри йўлга солувчи йўқдир. Гувоҳлик бераманки, Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқдир, У ёлғиз-



дир, шериги йўқдир. Яна гувоҳлик бераманки, Муҳаммад Унинг қули ва пайғамбаридир.

Эй Аллоҳнинг бандалари! Сизларнинг тақволик бўлиб, Аллоҳдан қўрқишларингизни тилайман. Мен сизларни Аллоҳнинг тоатига ундайман ва сизлар учун фойдали бўлган нарсаларни айтаман. Эй одамлар! Менга қулоқ солинглар. Бу йилдан кейин яна шу ерда сизлар билан кўришишимни билмайман. Шунинг учун бугун сизларга кўп нарсаларни айтиб топшираман.

Эй одамлар! Сизларнинг қонларинг ва молларинг бир-бирларингга ҳаромдир. Шу ойнинг, шу шаҳарнинг, бугунги арафа кунининг ҳурматини сақлагандек, уларнинг ҳам ҳурматини сақланглар. Кимгаки омонат қўйилса, омонатга хиёнат қилмай эгасига топширсин. Албатта жоҳилият риболари бекордир. Амаким Аббос ибн Абдулмуталлибнинг рибо учун берган пулларини бекор қилиш билан бу ишни бошлайман. Бугундан кейин ҳеч ким бу ишни қилмасин. Жоҳилият замонида бўлган қон даъволарини ҳам йўққа чиқардим. Бошлаб ўз амакимнинг ўғли Робиъанинг қони даъвосини йўқ қилдим.

Қасд қилиб одам ўлдирганни қасос қилиб ўлдирилади. Қасд қилмасдан, тош-таёқ билан уриб ўлдирганлардан юз туя миқдорида хун баҳоси тўлатиб олинади. Эй одамлар! Хотинлар хусусида Аллоҳдан қўрқинглар. Чунки сиз уларни Аллоҳнинг омонати билан олгансиз. Хотинларингиз устида сизларнинг бир қанча ҳақларингиз бор. Шу ҳақлардан бири — тўшакларингизни сиздан бошқа бировга бостирмасинлар. Сизлардан берухсат уйларингга бегонани киритмасинлар. Агар шулардан бирортасини қилар экан, уларни жазолашга Аллоҳ рухсат



беради. Уларни аввал сўз билан унданглар, шунда ҳам тузалмасалар уринглар ва тўшакларингизни бошқа қилиб солинглар. Хотинларингизнинг ҳам сизнинг устингизда бир қанча ҳақлари бордир. Сизнинг зиммангизда уларнинг ризқлари ва кийимларининг мажбурияти бор.

Эй одамлар! Шунинг билангларки, хотинларингиз сизнинг ёрдамчиларингиздир. Аллоҳнинг омонати билан уларни олдингиз, Аллоҳнинг амри билан сизларга ҳалол бўлдилар. Шундоқ экан, хотинларга зулм қилишдан сақланинглар.

Эй одамлар! Албатта мўминлар бир-бирларига биродардир. Бир кишининг ҳаққи яна бир кишига агар ўзи хоҳлаб бермаса ҳаромдир. Эй бори Худоё, сенинг буйруқларингни бандаларингга етказдим, бунга ўзинг гувоҳсан. Эй одамлар! Мен сизларга бир нарсани қолдирдимки, агар уни маҳкам тутсангиз ҳеч қачон адашмайсиз. Бу Аллоҳнинг китобидир. Эй одамлар! Сизларнинг роббингиз бирдир, отангиз бирдир. Ҳаммангиз Одамдан яратилгансиз, Одам эса тупроқдан яратилгандир. Ким тақволи бўлса, Аллоҳнинг наздида энг қадрли одам шудир. Арабнинг ажамдан ортиқлиги йўқдир. Ким тақволи бўлса, шу ортиқдир. Парвардигоро, ўзинг гувоҳсан, Сенинг амрингни бандаларингга етказдим. Менинг бу сўзларимни ҳозирлар ғойибларга, уққанлар уқмаганларга етказсин.

Эй одамлар! Ҳар бир вориснинг меросдан тегадиган насибасини Худо Қуръонда тақсимлаб қўйгандир. Ворисга меросдан васият қилиниши дуруст эмас. Мероснинг учдан бирига васият юради, ундан ортиғига дуруст эмас. Бола отасиникидир. Ким отасини ташлаб,



*бошқага бола атанса, ёки озод қилган хўжасидан то-
ниб, бошқага боғланса, ундай одамга Аллоҳнинг, фариш-
таларнинг ва барча инсонларнинг лаънати бўлсин. Ун-
дай одамнинг тоат-ибодатлари қабул бўлмайди. Вас-
салому алайкум ва раҳматуллоҳи”.*

Ўша куни аср намозидан сўнг Пайғамбар алайҳис-
салом Арафот тоғида Қасво номли туяларини миниб
турган пайтларида “Моида” сурасидаги: “...Бугун Мен
сизлар учун динингизни комил қилдим. Мен сизларга
неъматимни тўкис қилиб бердим ва сизлар учун Ис-
ломни дин қилиб танладим”, мазмунидаги оятлар но-
зил бўлди. Ваҳийнинг оғирлигини кўтаролмай туя ҳам
чўкиб олди. Ҳазрати Умар (р.а.) эса йиғлай бошлади-
лар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Нега йиғлайсан?— деб сўрадилар.

— Ё Расулуллоҳ, ҳар куни ўсмоқда эдик. Энди ўсиш
камолига етди. Нимаики камолига етса, унинг заволи
бошланади,— дедилар ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу.

Унинг гапини эшитган Пайғамбаримиз: “Тўғри ай-
тасан” деб тасдиқладилар. Бу оят тушгандан ке-йин
ваҳий тўхтади ва орадан уч ой ўтиб, Расулуллоҳ сол-
лаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар.

Расули акрам Арофатда қуёш ботгунча тўхтаб, сўнгра
Муздалифага қараб қайтдилар. Усома ибн Зайд туяла-
рига мингашиб олган эди. Муздалифа Арафот билан
Мино орасидаги машҳур бир жойдир. Қуръони карим-
да бу жой Машъарул Ҳаром деб аталган. Ҳожилар Ара-
фотдан қайтганда бир кеча шу жойда ётишлари во-
жибдир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам
шу жойда тонг оттириб, субҳ бўлгач, азон ва иқомат



билан бомдодни ўқидилар. Сўнгра Минога келиб шайтонга тош отдилар. Пайғамбаримизнинг туяларини Ҳазрати Билол етаклаган, Усома эса бошларига соябон тутган эди.

У зот Минога келганларидан кейин биринчи ва иккинчи кунлари туя устида туриб халққа ваъз айтдилар. Ваъзларида зинонинг хатарини, инсоннинг қонини тўкиш қандай ҳаром бўлса, унинг молини зўрлик билан олиш, обрўсини тўкиш ҳам ўшандай ҳаром эканини таъкидладилар. Кейин муборак бошларини юқори кўтариб: “Эй бор Худоё, буйруғингни бандаларингга етказдим”, — деб уч марта айтдилар. Сўнгра одамларга юзланиб: “Ҳаж қилишнинг одобларини мендан ўрганиб олинглар. Бу йилдан кейин яна ҳаж қилиш — қилмаслигимни Худо билади. Мендан кейин Ҳақ йўлдан адашиб, ўзаро уруш қилиб, бир-бирларингни ўлдирманглар. Бу сўзларимни ҳозирлар ғойибларга, уққанлар уқмаганларга етказсин”, — дедилар.

Ниҳоят, ҳожилар қурбонлик қилинадиган ерга келдилар. Мадинадан чиқишда у зот юзта туяни қурбонликка атаб ҳайдаб келган эдилар. Шулардан олтмиштасини ўз қўллари билан сўйиб, қолганига Ҳазрат Алини вакил қилиб, сўйишга буюрди.

Минода икки кун туриб, учинчи куни тушдан кейин Маккага қайтдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг чодирини Мино тоғидаги Муҳассаб деган жойга тикланган эди. Пайғамбар алайҳиссалом хуфтон намози ўқилгунча шу ерда туриб, бироз ухлагандан кейин, тунда Маккага кирдилар. Саҳар вақтида видоъ тавофини қилгач, Мадинаи мунавварага қараб йўлга



тушдилар. Ҳожилар бир неча кун йўл юришиб, Мадинага ярим кунлик йўл қолганда Зулҳулайфа деган манзилга келиб тушдилар. Кечаси шу ерда тунаб, эртаси куни яна Мадинага равона бўлишди. Расулulloҳ солалalloҳу алайҳи васалламнинг одатлари шу эдики, сафардан қайтсалар шаҳарга кундузи кирардилар.

Йироқдан Мадинаи мунаввара кўринди. Пайғамбаримиз уч марта такбир айтдилар ва Аллоҳга ҳамду сано айтиб қадрдон шаҳарга кириб келдилар.

Акрам ДЕҲҚОН,
филология фанлари номзоди



Бу воқеа милодий 632
йилнинг 11 июнида, душанба куни
рӯй берган эди. Расулуллоҳнинг
(с.а.в.) аҳволлари оғирлашди. Шунда
Пайғамбаримиз: "Ё, Азроил, шу дақи-
қадан қиёматга қадар умматларимнинг
жон бериш азоби қанча бўлса, шу қат-
тиқликнинг барчасини менга юклагил. Токи,
умматларим жон бериш азобидан қутулсинлар", де-
дилар. Буни эшитган Малак ул мавт айтдиларки:
"Ё, Расулуллоҳ, мен сизнинг бошингизда ўтиргандан
кейин Аллоҳ таолодан етмиш маротаба дўстим Му-
ҳаммаднинг жонини осонлик билан олгин, бошқалар-
никидек олмагин деган фармон келди".

* * *

Узотни (с.а.в.) ҳазрати Али ювдилар. Устидаги кий-
имларини ечишмади. Бу шарафли ишда ҳазрати Аббос
ва у зотнинг ўғиллари Фазл ва Кусам, Усома бин Зайд
ҳамда Пайғамбаримизнинг озод қилган қуллари Шух-
рон розияллоҳу анҳулар иштирок этдилар.

* * *

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи ва-
саллам Оиша онамизнинг хужраларида,
Оиша онамизнинг бағрида жон бер-
дилар. Шунинг учун Узоти мубо-
ракни шу жойнинг ўзига дафн
этишди.



ОЛАМЛАРНИ ТЎЛДИРГАН ҚАЙҒУ

(Вафотлари)

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг боқий дунёга кўчишлари ва ўша куннинг яқинлашганига бир неча оятлар орқали ишора қилинган эди. Бироқ саҳобаи киромлар видолашув онларининг яқин қолганини билсалар-да, Пайғамбаримизга қаттиқ муҳаббатлари боис бундай мусибатни ақлларига, тасаввурларига сиғдира олмас, улкан бир ҳақиқатни тан олишдан кўра ўзларининг жонларини фидо этишни афзал билардилар. Лекин начора, Муҳаммад алайҳиссалом ҳам Аллоҳ таолонинг бандаси эдилар.

Сафар ойининг охирлари эди. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тўсатдан касалланиб қолдилар. Бу беморлик ўн уч кун давом этди. Ниҳоят, видо куни эшик қоқди. Имом Байҳақийнинг Жаъфари Содиқ розияллоҳу анҳудан ривоят қилишларича: “Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг бетобликлари зиёда бўлиб, фоний дунёдаги умрларидан уч кун қолганда ҳузурларига Жаброил алайҳиссалом келиб:

— Эй, биродарим Муҳаммад, Аллоҳ таоло хурмагингиз учун мени юборди. Аҳволингизни билиб турган бўлса-да: “Ҳабибим қандай?” деб сўради. Ҳолингиз тузукми, ё пайғамбарлар саййиди? — дедилар.



— Машаққатда, ғам-қайғудаман, — дедилар Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Жаброил алайҳиссалом иккинчи ва учинчи кунлари ҳам келиб сарвари оламдан ҳол-аҳвол сўради. Пайғамбаримиз бу кунларда ҳам аввалги жавобни бердилар. Жаброил алайҳиссалом душанба куни келганларида:

— Ё, Аҳмад, мана, Азроил келди, у остонада турибди, киришга ижозат сўрайди, илгари ҳеч кимдан рухсат сўраган эмас, бундан кейин ҳам ҳеч кимдан изн сўрамайди, — дедилар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам рухсат бергач, Азроил алайҳиссалом кириб айтдиларки:

— Эй, Муҳаммад, Аллоҳ таоло мени сизнинг хизматингизга юборди. Нимани буюрсангиз шуни қиламан, муборак жонингизни олишга амр этсангиз оламан, йўқса қайтиб кетаман.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Жаброилга қарадилар. Руҳул Амин айтдиларки:

— Эй, Муҳаммад, Аллоҳ таоло сизга муштоқдир.

Раббининг муштоқлигини англаган Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам қаршисида турган Азроил алайҳиссаломга юзланиб:

— Ё, Азроил, ўз ишингизга машғул бўлинг! — дедилар.

Шунда Жаброил алайҳиссалом:

— Ё, Хотимул анбиё, дунёдан менинг ҳожатим сиз эдингиз. Ер юзига ваҳий келиши сиздан кейин тўхтайдиги, энг сўнгги ваҳий мана шулдир, — дедилар.

Бу воқеа милодий 632 йилнинг 11 июнида, душанба куни рўй берган эди. Рисолатпаноҳ Пайғамбаримизнинг рухсатларига кўра Азроил алайҳиссалом ўз ишига маш-



ғул бўлдилар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳволлари оғирлашди. Шунда Пайғамбаримиз: “Ё, Азроил, шу дақиқадан қиёматга қадар умматларимнинг жон бериш азоби қанча бўлса, шу қаттиқликнинг барчасини менга юклагил. Токи, умматларим жон бериш азобидан қутулсинлар”, дедилар. Буни эшитган Малак ул мавт айтдиларки: “Ё, Расулуллоҳ, мен сизнинг бошингизда ўтиргандан кейин Аллоҳ таолодан етмиш маротаба дўстим Муҳаммаднинг жонини осонлик билан олгин, бошқаларникидек олмагин деган фармон келди”.

“Қисаси Рабғузий”да баён қилинишича, Пайғамбаримизнинг жонлари бўғизларига келганда Жаброил алайҳиссалом етмиш минг фаришта билан йиғлаб келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга етти осмон фаришталари аза тутаётганини, жаннатлар эшиги очилиб, ҳурлар юзларидан ниқобларини кўтариб, қўлларида нурдан бўлган жомлар олиб, Пайғамбаримизнинг қутлуғ жонларига наззора қиламиз, деб турганларининг хабарини етказди.

Шунда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам Руҳул Аминдан Аллоҳ таоло амали кам умматлари билан қандай муомала қилишини сўрадилар. Жаброил алайҳиссалом яна кўкка чиқиб кетдилар-да, қайтиб келиб бу хабарни етказдилар:

— Эй, Муҳаммад, Ҳақ таоло айтдики: “Хотиржам бўл. Мусо қўлидаги асосини отиб барча кофирларни, сеҳр ва тугёнларни йўқ қилгани каби сенинг бир оғиз сўзинг билан барча осий умматларингнинг дафтарларини раҳмат суви билан ювиб поклагайман”.

Пайғамбаримизнинг фоний дунёдан боқий дунёга



кўчишлари мусулмонларни қаттиқ қайғуга солди. Уларнинг ақли бошидан учиб, ҳоли паришон бўлди. Бир зумда Мадина шаҳри қайғуга тўлиб кетди. Жудоликка дош беролмаган Абдуллоҳ ибн Унайс ўша заҳоти жон таслим қилди. Ҳазрати Умар (р.а.) ҳушини йўқотди, қиличини яланғочлаб: "Расулуллоҳ ўлгани йўқ, ким уни ўлди деса, чопиб ташлайман", деб югурар эдилар. Ана шундай қайғули бир пайтда ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ (р.а.) матонат кўрсатдилар. Аллоҳ таоло у кишининг кўнглига ажиб бир хотиржамлик берди. У зот Набий соллаллоҳу алайҳи васаллам билан видолашганларидан кейин ташқаридаги шовқин-суронни эшитиб, минбарга чиқдилар-да, Аллоҳ субҳонаҳу таолога ҳамду сано, Пайғамбаримизга дурудун саловотлар айтиб, сўнгра бир ваъз ўқидилар:

— Эй, одамлар! Кимки Муҳаммадга ибодат қилиб, унинг бандаси бўлса, билсинки, Муҳаммад ўлди. Агар Аллоҳга ибодат қилиб, Аллоҳнинг бандаси бўлса, Аллоҳ ўлгани йўқ, у доим тирикдир. Аллоҳ таоло Куръони каримда марҳамат қилган:

وَمَا مُحَمَّدٌ إِلَّا رَسُولٌ قَدْ خَلَتْ مِنْ قَبْلِهِ الرُّسُلُ أَفَإِنْ مَاتَ

أَوْ قُتِلَ انْقَلَبْتُمْ عَلَىٰ أَعْقَابِكُمْ وَمَنْ يَنْقَلِبْ عَلَىٰ عَقْبَيْهِ فَلَنْ

يُضُرَّ اللَّهَ شَيْئًا وَسَيَجْزِي اللَّهُ الشَّاكِرِينَ

“Муҳаммад фақат бир пайғамбар, холос. Ундан илгари ҳам пайғамбарлар ўтгандир. Бас, агар у (яъни Муҳаммад алайҳиссалом) вафот қилса ёки ўлдирилса, яна орқаларингга қайтиб кофир бўласизларми? Ким дини-



дан қайтар экан, унинг зиёни ўзига бўлади. Аллоҳга зарар етказа олмайди. Аллоҳ эса (йўлларида қайтмай) шукр қилувчи бандаларини муносиб мукофотлайди” (“Оли Имрон” сураси, 144-оят).

Абу Бакр Сиддиқ ана шу ояти карима ва пайғамбаримизнинг боқий дунёга кўчишлари билан боғлиқ бошқа оятларни ўқиганларидан сўнг даҳшатга тушиб, ҳушини йўқотган кишилар биров ўзига келдилар.

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бу сўзларни эшитганларидан сўнг мусибат зўрлигидан мазкур оятлар ҳаёлидан фаромуш бўлиб қолганини эслагани ва ҳушига келиб:

الَّذِينَ إِذَا أَصَابَتْهُمْ مُصِيبَةٌ قَالُوا إِنَّا لِلَّهِ وَإِنَّا إِلَيْهِ رَاجِعُونَ

«Уларга мусибат етганда: «Албатта, биз Аллоҳнинг мулкимиз ва албатта, биз Унинг сари қайтувчилармиз» оятини ўқиб ўзларига тасалли берганини айтган эканлар.

Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак жасадларини дафн қилиш тадориғи бошланди.

У зот соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳазрати Али ювдилар. Устидаги кийимларини ечишмади. Бу шарафли ишда ҳазрати Аббос ва у зотнинг ўғиллари Фазл ва Қусам, Усома бин Зайд ҳамда Пайғамбаримизнинг озод қилган қуллари Шухрон розияллоҳу анҳулар иштирок этдилар.

Алихонтўра Соғунийнинг “Тарихи Муҳаммадий” асарида келтирилишича, Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам “Мени Али ювсин, ўзга одам ювмасинким, ундан бошқа кишининг кўзи менинг авратимга тушиб қолса кўр бўлиб қолгай”, деб васият қилган эканлар. Шу васиятга биноан Усома билан Фазл кўзлари боғлиқ ҳолда парда



ортидан ҳазрати Алига сув узатиб турдилар. Ҳазрати Аббос ва Қусам сув қуйишиб, ўнг ва сўлга ағдаришиб Али розияллоҳу анҳуга ёрдамлашдилар.

Ювиб бўлганларидан кейин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам пахтадан бўлган учта яманий кийимга кафанланди. Расуллуллоҳга қандай кафан қилинган бўлса умматларига ҳам шундай кафан қилиш суннат бўлди.

Расулуллоҳни қаерга дафн этиш масаласида йиғилганларга ҳазрати Абу Бакр Сиддиқ Пайғамбаримизнинг "Аллоҳ таоло пайғамбар қайси жойни ёқтирса ўша жойда қабз қилади", деганларини эслатдилар. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша онамизнинг ҳужраларида, Оиша онамизнинг бағрида жон бердилар. Шунинг учун У зоти муборақ шу жойнинг ўзига дафн этилдилар.

Дунё яралгандан бери не-не мусибатларнинг гувоҳи бўлди. Бироқ бу ёруғ оламда Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотларидек мусибат бўлмаган ва бундан кейин ҳам бўлмаяжак. Чунки у зот қолдирган бўшлиқ то қиёматгача тўлмагай! Бироқ у зотни биз мудом соғинсак, кўргимиз келса не қилайлик? Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу саволга жавоб ўлароқ айтгандиларки, мўминлар билан учрашажак жойимиз Ҳавзи Кавсар бўйидадир. Аллоҳ таолодан илтижо қилиб сўраганимиз шуки, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Ҳавзи Кавсар бўйида учрашажак мўминлар орасида сизу биз ҳам бўлайлик! Илоҳо, бизларни ана шу саодатга муяссар қил!

Дамин ЖУМАҚУЛ



"Рауф" ва "Раҳим" сўзлари Аллоҳ таолонинг сифатларидир. Булар инсониятга бериладиган сифатлар эмас. Лекин Аллоҳ таоло Расулуллоҳни (с.а.в) ояти карималарида мазкур сифатлари билан атайди. Яъни, Аллоҳ таоло Ўз ҳабибига "Рауф" ва "Раҳим" сифатларини берган.

* * *

Бир киши очликдан қорнига тош боғлаб олиб, Пайгамбаримизга (с.а.в) қорнидаги тошни кўрсатиб, шикоят қилганида, Расулуллоҳ (с.а.в) ҳам муборак қоринларини очиб, боғлаб қўйган тошларини кўрсатдилар.

* * *

Ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу бир куни Расулуллоҳнинг (с.а.в) олдиларига келадилар. Қарасалар, қамишдан тўқилган бўйра устида ётибдилар.

Кўллариغا, юзларига қамиш ботиб кетган.

Сув тўлдирилган битта хумлари ва бир сиқим арналаридан бўлак озиқ-овқатлари йўқ эди. Шунга қаноат қилиб яшардилар. Буни кўриб ҳазрати Умар розияллоҳу анҳу йиғладилар.



БУЮК МУАЛЛИМ

(Ахлоқлари)

Бисмиллаҳир Роҳманир Роҳийм!

Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳақларида бутун қамрови билан сўз юритиш, албатта, биз ожиз қуллар учун имконсиз бир нарсадир. Чунки жаноби Ҳақнинг ҳабиби, энг суюкли бандаси, икки дунёнинг энг мукаммал ва муборак инсони бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам хусусида сўз юритиш албатта осон иш эмас. Ҳазрати Одам Атодан қиёмат кунига қадар дунёда яратилган, ўтиб кетган ва келиб-кетувчи инсонларнинг энг афзали ва энг гўзал ахлоқ соҳиби бўлган Зоти муҳтарам — Расули акрамни соллаллоҳу алайҳи васалламни таърифлашга ҳар қандай сўз ожиз.

Пайғамбаримизнинг соллаллоҳу алайҳи васаллам ахлоқлари ҳақида ҳазрати Оиша онамиздан сўраганларида: «*Ҳазрати Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари Қуръон эди*» деб жуда қисқа ва лўнда жавоб берганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тенгсиз-мислсиз ахлоқ соҳиби эдилар. Қуръони каримда бу ҳақда ояти карималар бор. Масалан, “Тавба” сурасининг охирида айтилган:

﴿لَقَدْ جَاءَكُمْ رَسُولٌ مِّنْ أَنْفُسِكُمْ عَزِيزٌ عَلَيْهِ مَا عَنِتُّمْ حَرِيصٌ
عَلَيْكُمْ بِالْمُؤْمِنِينَ رَءُوفٌ رَّحِيمٌ﴾

Яъни, «(Эй инсонлар), Сизларга ўзларингиздан бўлган, сизларнинг кулфат-машаққат чекишингиздан қийналувчи, сизларнинг (тўғри йўл — ҳақ динга келишингизга) ҳарис — ташна бўлган ва барча мўминларга марҳаматли, меҳрибон бўлган бир пайғамбар келди-ку!»

Бу ояти каримадаги «анфусикум» сўзини «анфасукум» деб шарҳлаган олимлар ҳам бор. Яъни, «Сизларнинг нафисроғингиз, гўзалроғингиз» маъносида. Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бизга ўхшаш инсон тоифасидан бўлсалар-да, лекин бизникига нисбатан «анфас» (нафисроқ, мукаммалроқ) бир шахсияти, айри хусусиятга эга бўлган руҳонияти бор эди. Бу ҳақда Аллоҳ таолонинг ўзи кафиллик берган.

Баъзи мушриклар: «Нега Аллоҳ таоло бизга башариятдан, инсон жинсидан пайғамбар юборди? Фаришталардан юбормади? Фаришталар қанотлари билан учиб келса бўлмасмиди?» — деб айтишарди.

Ер юзида инсонлар яшагани ва Аллоҳнинг ҳукмлари инсонларга юборилгани учун, уларни ҳақ йўлга бошловчи комил, намунали киши инсонлардан бўлиши керак эди. Нега? Чунки бошқалар унинг ҳаётига, ҳаракатларига қараб ўз ҳаракатларини тартибга солиши лозим эди. Шу мақсадда Аллоҳ таоло башардан, инсонларнинг ўз ораларидан бир пайғамбарни танлади ва юборди.



Азизун алайҳи ма аниттум — «Сизларни ранжитадиган нарсалар унга ҳам оғир ботади, уни ҳам хафа қилади».

Ҳарисун алайкум... «Сизларга нисбатан ўта ҳарис — ташна»

Бил мўминина рауфур раҳийм — «Мўминларга нисбатан жуда юмшоқ кўнгилли, жуда марҳаматли» Булар барчаси Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ахлоқларининг атрофидаги инсонларга нисбатан мадҳ қилинишидир. Аллоҳ таоло Қуръони каримида Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ана шу сифатларини мақтаган.

«Рауф» ва «Раҳим» сўзлари Аллоҳ таолонинг сифатларидир, башарга, инсониятга бериладиган сифатлар эмас. Лекин Аллоҳу таоло Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламни мазкур оятда бу сифатлар билан атайди. Яъни Аллоҳу таоло ўз ҳабибига «Рауф» ва «Раҳим» сифатини берган. Иккинчидан, бу сифатлар орқали Аллоҳу таоло Расулининг юксак ахлоқ соҳиби эканлигини бизга билдирмоқда...

Бошқа бир ояти каримада:

﴿لَقَدْ كَانَ لَكُمْ فِي رَسُولِ اللَّهِ أُسْوَةٌ حَسَنَةٌ لِّمَن كَانَ

يَرْجُوا اللَّهَ وَالْيَوْمَ الْآخِرَ وَذَكَرَ اللَّهَ كَثِيرًا﴾

«(Эй мўминлар), қасамки, сизлар учун — Аллоҳ ва охират кунидан умидвор бўлган ҳамда Аллоҳни кўп ёд қилган кишилар учун Аллоҳнинг пайғамбари (иймон-эътиқодида ва хулқи атвори)да гўзал намуна бордир», каби ояти карималар бор.



Булар Қуръони қаримда, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Аллоҳ таолога қанчалик севишли қул, яъни Ҳабибуллоҳ эканликларини кўрсатувчи мисоллардир.

Шубҳасиз, Қуръони қарим Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламни мадҳ қилади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир ҳадиси шарифларида айтдиларки: *«Менга Раббим адаб берди, ўзи яхшилаб тарбия қилди»*. Ҳақиқатан, у зотни етиштирган, одоб ўргатган, тарбиялаган Аллоҳ таолонинг ўзидир. Чунки, Расулуллоҳ ота-онадан етим қолдилар. Амакилари Абу Толиб тарбиясига олди. Иймон келтирмасдан, у киши ҳам вафот қилди. Яна ўзлари қолдилар. Ён-атрофдан, оила аъзоларидан ул зотга тарбия берадиган, ахлоқда намуна бўладиган ҳеч ким йўқ эди... Ҳақиқатан, жаноби Ҳақнинг ўзи Расулини атрофидаги одамлардан айириб (бунинг ҳам ўзига хос ҳикмати, сабаби бор...) тарбиялади, илоҳий неъматини, эҳсонини унга мукаммал қилиб берди. Шу нарса диққатга лойиқ ва муҳимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали пайғамбар бўлмагунча, халқ орасида «амин» — энг ишончли киши бўлиб танилди. Ниҳоятда хушхулқ, хуштабиат ва ҳамма ҳурмат билан қарайдиган, эъзозли бир инсон эдилар. Ўзгача феъли-хўйлари бор эди.

Биласизки, Каъбани таъмирлаш пайтида ўртада баҳс пайдо бўлди. Яъни Каъбанинг эски, дарз кетган деворларини йиқитиб, қайтадан тиклай бошлаётган пайтда Ҳажарул Асвадни ўз ўрнига қўйиш масаласида ихтилоф чиқди.



– Мен Қурайшнинг фалон қабиласиданман, фалон насабиданман, ҳаммангиздан юқори тураман. Шунинг учун қабилам шарафини ҳимоя қилишим, бу тошни ўз ўрнига мен кўтариб қўйишим керак, – деса, бошқаси бунга қарши:

– Бу қандай гап? Менинг қабилам сеникидан анча устун, мен фалончи қабиладанман, ундай, бундай...

Шу тахлит масала чигаллашди. Бориб-бориб, гап жанжалга, ҳатто қилич яланғочлашга борди. Шунда бир киши:

– Илтимос, тинчланинглар, Масжиди Ҳарамда жанжаллашманглар! Бу ер жанжаллашадиган жой эмас! Келинглар, ҳаммамиз кутиб турамиз. Эшикдан биринчи бўлиб ким кириб келса, ўшани ҳакам қиламиз. Ҳакам кимни бу ишга лойиқ деб билса, кимни кўрсатса, ўша одам тошни ўрнига қўйсин! – деди.

Шу пайт эшикдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам кириб келдилар.

Эшик деганимиз: Каъбанинг атрофи девор билан ўралган... Шу ерда бир эшик бўлиб, «Бобус-Салом» дейилган ва эшикдан ҳовлига кирилган. Кейинчалик у ерлар кенгайтирилган. У эшик ҳам анча орқага сурилиб кетган.

Шундай қилиб, ўша эшикдан Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам киришлари билан ҳамма: “Э, Муҳаммад ал-Амин келди. Бўлди, биз розимиз! Унинг ҳакам бўлгани яхши бўлди”, – дейишди. Ҳаммалари адолатли, энг ақли ва ишончли кишининг биринчи бўлиб эшикдан кириб келгани ва унинг ҳакам бўлгани учун жудаям севинишди. Бу вақтда Расулуллоҳ соллал-



лоху алайҳи васаллам ҳали пайғамбар эмас, қурайшнинг бир етим боласи эдилар. Бой эмас, мавқе-мақоми йўқ, лекин ҳамма пулини унга омонат топширади, унга нарсаларини ишонишади... Чунки энг ишончли, диёнатли инсон эдилар, улуг хулқ соҳиби бўлиб етишган, Аллоҳ таоло шундай тарбия қилган эди.

«Эй Муҳаммад! Биз бир муаммони ҳал қилишда келишолмай қолдик. Сен ҳакамлик қилиб айт, шу тошни бизлардан қайси биримиз ўз ўрнига қўяйлик? Майли, сен кимни лойиқ кўрсанг, биз розимиз. Сенинг айтганинг бўлади!» — дейишди.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Бир матоҳ келтиринг!» — дедилар.

Дастурхондек мустаҳкам, пишиқ бир матоҳ олиб келишди. Тошни унинг устига қўйишди ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳаммангиз баробар кўтаринглар!» дедилар. Ҳамма қабила бошлиқлари баробар кўтаришди. Тошни ўзлари олиб, ўз қўллари билан жойига қўйдилар. Шундай қилиб тош, ҳам энг яхши инсон томонидан қўйилди, ҳам ҳеч ким ҳеч кимдан хафа бўлмади. Масалани энг қулай йўл билан ҳал қилдилар.

Бу мисол Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг пайғамбар бўлишларидан олдинги жамиятдаги мавқеини ҳамда ижтимоий масалаларни ҳал қилиш қобилиятини кўрсатади. Мана, у киши шундай улуг шахсият соҳиби бўлганлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳали пайғамбар бўлмасидан олдин ҳам марҳаматлилиги, меҳр-шафқатлилиги, ёмон ишларга аралашмаганликлари билан машҳур эди. Каъбанинг ичида 360 та бут бўлга-



ни, у зот ҳеч қачон бутларга сиғинмаганликлари билан танилган сокин инсон эдилар. Ҳамма сиғинган, лекин у зот сиғинмаганлар. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мозийларига, ўтмишларига, ёшликларига соя солган, доғ бўлиб қолган бирор воқеа йўқ... Демак, ҳали пайғамбар бўлмаган вақтларида ҳам Аллоҳ таоло у муборак зотни ўзи ҳимоя қилган, тарбия қилган.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг юзлари ва таналари ҳам жуда чиройли, хушбичим, вужудларидаги аъзолари ниҳоятда бир-бирига мутаносиб эди. Пайғамбарлар ичида чиройи, гўзаллиги билан машҳур бўлган, Канъон юртида туғилган, Яъқуб алайҳиссаломнинг ўғли бўлган Юсуф алайҳиссаломни биласиз. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Юсуф алайҳиссаломдан ҳам чиройли эдилар.

Расули акрамнинг сиймолари ҳақида айтилган ривоятларнинг ичида бир машҳури бор, унда шундай дейилган:

من رآه بديهة هابه، من خالطه معرفة احبه،

يقول ناعته لم ارى قبله ولا بعده مثله

(تيرمزی عن علی)

Ман раоҳу бадихатан ҳобаҳу ва ман холатаҳу маърифатан аҳаббаҳу, Якулу ноитуху лам ара қаблаҳу ва ла баъдаҳу мислаҳу – У зотни биринчи бор кўрган киши ҳайбатларининг муаззамлигидан титрарди, кўрқарди... Яъни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам шунчалик ҳайбатли инсон эдиларки, ҳайбатларидан инсон кўрқарди ва титрарди. Баъзи бадавийлардан



мушриклар Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига келганда, у кишини кўриши билан қўлоёқлари титрай бошлаган...

Ва ман холатаҳу маърифатан — Лекин ким у киши билан яқиндан танишса, бироз бирга бўлса, (аҳаб-баҳу) у кишини яхши кўриб қоларди, севиб қоларди. (*Яқулу ноитуху*) Бошқаларга тушунтириш, таърифлаш учун шундай дерди: (*лам ара қаблаҳу ва ла баъдаҳу мислаҳу*) — «Бундан олдин ҳам, кейин ҳам у кишидай бирор кимсани кўрмадим!» Ҳақиқатан, тенги йўқ бир гўзаллик соҳиби эдилар.

Онҳазрат соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ўзлари ҳам инсониятнинг энг шарафлиси, саййиди ва улуғи эканликларини, таъкидлайдилар.

انا سيد ولد آدم يوم القيامة ولا فخر

(راموز الاحاديث ۱۰۲/۲)

Ана саййиди валади одама явмал қиямах вала фаҳра — Мен бани Одам, бани башарнинг саййиди, пешвоси, улуғиман, лекин бу билан ифтихор қилмайман. Бу Аллоҳнинг амри!

Илк Пайғамбар — Одам алайҳиссаломдан то менгача келган сулоланинг ҳаммаси асл оилалардан, бирорта ҳам зино фарзанд туғилмаган; (*вала фаҳро*) лекин бу Аллоҳнинг инояти, бундан фахрланиш йўқ!

Охиратда менга шу-шу нарсалар берилади. Бундан ҳам фахрланиш йўқ, — дея марҳамат қилганлар. Зеро, инсонда баъзи нарсалар учун мақтаниш, фахрланиш ҳисси бўлади. Лекин Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу нарсадан йироқ, жуда камтарин инсон бўлганлар. Камтарона ҳаёт кечирганлар.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда оддий кийимлар, юнг матодан либослар киярдилар... Оёқ кийимларини ўзлари ямар эдилар. Туя, от турган жойда эшакка ҳам миниб кетаверардилар.

Орқаларига бирор кишини мингаштириб ҳам олардилар. Абдуллоҳ ибни Аббос каби кишиларни мингаштириб юрганларини ривоятлардан биламиз. Қўй соғардилар. Хизматкор қуллар билан бирга ўтириб овқатланар, уларга яхши қараб, яхши муносабатда бўлардилар. Қуллар билан бирга овқат ейиш, уларни озод қилиш хусусида улуғ тавсиялари бор...

Бой, камбағал, ҳаммага бир хил муомалада бўлар, ҳаммаси билан қўл бериб саломлашар эдилар. Одамларга биринчи бўлиб салом берардилар. Бирор ерга чақирилсалар, албатта у ерга борардилар. Ҳатто бу хусусда ўзлари шундай деганлар:

«Бир туя почасига чақирилсам ҳам, бораман». Биламизки, у пайтда туя почасига ҳамманинг ҳам қурби етган ва оддий, тайёрланиши осон, тез пишадиган овқат бўлган. Шу овқатга ҳам чақирсалар рад этмасдан борар эканлар.

Бир маротаба меҳмонга чақирилганларида олдиларига сирка билан нон қўйилди. Шунда нонни сиркага ботириб (қўшиб) ейдилар ва «сирка қандай ажойиб озиқ», — деб мақтайдилар. Ҳеч қайси овқатни «ёқтирмайман» демасдилар ва мақтаб, ёқтириб ердилар.

Қаҳқаҳа уриб, қаттиқ овозда кулмаганлар, фақат табассум билан кулардилар. Чехраларидан табассум балқиб турадиган, кўнгли очиқ ва сахий инсон бўлганлар. Сахийликлари шу даражада эдики, таърифига сўз



ожиз. Ўзларига келган совға, ҳадя ва бошқа нарсаларнинг ҳаммасини келиши билан кечгача тарқатиб юбордилар.

Агар кечқурун келса, эрталабгача қолдирмай, тарқатиб юборардилар.

Вафотлари яқинлашганда, уйларида уч дирҳам борлиги эсларига тушиб, дарров ўша уч дирҳамни садақа қилиб юборишни буюрдилар. *«Пайғамбарлар мерос қолдирмайди»*, — дер эдилар. Яъни мол-дунё тўплашни, бойлик асрашни ёки кўпайтиришни хоҳламаганлар, ёқтирмаганлар ва ўзлари бу ишга қўл урмаганлар.

Бир куни хизматкорлари бир кун олдинги овқатни олиб келганида: «Нега бу овқатни кеча фақирларга улашмасдан, бир кун асрадинглар, олиб ўтирдинглар? Аллоҳ ҳар кун янги ризқ беради-ку?», — деганлар. Ҳатто овқатни сақлаб қўйишни, жамғариб қўйишни ҳам хуш кўрмаганлар, маъқул демаганлар.

Бирор нарсадан хафа бўлган вақтларида қовоқ солмасдилар. Кўп гапирмасдан фикр юритардилар, ўйга толардилар.

Бир маротаба бир киши Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида ўглаб юрган қўйларни кўриб, ҳавас билан:

- Бунча чиройли сурув экан, ё Расулуллоҳ! — дейди.
- Жуда ёқтирдингми? — дея сўрадилар.
- Жудаям ёқтирдим, жуда чиройли қўйлар экан! — деди. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:
 - Ол, ундай бўлса, сенга бердим! — дейдилар.
 - Ҳаммасиними, ё Расулуллоҳ?!
 - Ҳа, ҳаммаси сенга! — деб жавоб бердилар. Ва у



киши сурувни ҳайдаб, қалби севинчга тўлиб, қабила-сига қайтди. Йўлда кўрганлар:

— Ё тавба, сен бу сурувни бирон ердан ўғирладингми?.. Эрталаб ҳеч нарсанг йўқ ҳолда чиқиб кетган эдинг, кечқурун шунча қўй билан қайтаяпсан. Нима гап ўзи? — дейишади.

Шунда у одам:

— Бунни менга ҳазрати Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳадя қилдилар, таваккулчи, фақирликдан кўрқмайдиган олижаноб бир ҳиммат билан совға қилдилар, — деб жавоб берди.

Эртанги кун учун бирор нарса сақламасдилар. Баъзан бир неча кунлар уйларида қозон қайнамасди.

— Ё Расулуллоҳ! Фақат хурмо еявериб, ичимиз куйди. Ҳар доим мева еймиз, еганимиз қуруқ хурмо... — дейишади фақирлар.

— Мен ҳам сиздек, икки ойдир фақат мева ейман. Уйда ейишга бошқа нарса йўқ, — деб жавоб бердилар.

Бир киши очликдан қорнига тош боғлаб олади. Иссиқ тошни қорнига боғлаганда, озгина (ошқозонидан) очликнинг таъсири йўқолади, шекилли... Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга қорнидаги тошни кўрсатиб, шикоят қилганида, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам муборақ қоринларини очиб, боғлаб қўйган тошларини кўрсатдилар. Яъни яшаш тарзлари жиҳатидан инсонларнинг ҳаётларидан фарқ қилмас экан. Бу нарса бой ёки камбағал бўлганликларидан эмас, балки дунёга, бойликка аҳамият бермаганликларидан. Агар у киши Аллоҳу таолодан мол-дунё истаганларида беҳисоб берар эди.



Зеро, Аллоху таоло Жаброил алайҳиссалом орқали расулига: *«Агар расулим бойликни хоҳласа, Макка атрофидаги тоғларни олтинга айлантириб бераман»*, — деб билдирган, Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам эса бу таклифни қабул қилмаганлар. Фоний дунёдан кўра боқий охиратни, умматлар ғамини афзал кўрганлар.

Бир марта бир киши Пайғамбаримизга юмшоқ тўшак ҳада қилганда, ўша кеча қаттиқ уйқута кетиб, таҳажжуд намозига туролмайдилар. Бошқа бу тўшакка ётмайман, кеча мени таҳажжуд намозидан қолдирди, — деб эгасига мулойимлик билан тушунтириб, ташаккур айтиб, қайтариб берадилар. Роҳат-фароғат эмас, камтарона ҳаёт кечирिशни ёқтирардилар.

Тул, бева аёлларга, етимларга нисбатан жуда сазоли, марҳаматли эдилар. Ўз нафслари учун жаҳли чиқмас, кечиримли ва ўч олмас эдилар, лекин Аллоҳнинг буйруғи бажарилмаганидан қаттиқ ғазабланардилар. Макка фатҳ қилинганида, интиқом олиш мумкин бўлганда ҳам ҳаммасини кечирган эдилар. Ислом қўшинидаги баъзи саркардалар: *«Агар душман устидан ғолиб келиб, қўлга туширсак, қийма-қийма қилиб ташлаймиз!»*, — дейишганди. Фаҳри олам соллаллоху алайҳи васаллам бундай ғазабга минганларни ёмон ҳаракатлар содир қилишмасин, деб қўмондонликдан олиб, қўшин ортидаги хизматларга жўнатганлар.

Макка фатҳ бўлгач, қаршиларида «дир-дир» титраган кишиларни ўлдирмадилар, кечирдилар, авф этдилар. Уларга исломни таълим бериб, тўғри йўл кўрсатдилар. Доимий ҳаётини фаолиятлари ана шундай шафқат, марҳамат ва маърифий асосда эди...



Тоифда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳужум қилишади. У зотга тош отиб, шаҳардан ташқарига ҳайдаб чиқаришади. Ҳатто тўпикларидан яраланадилар ҳам. Шунда бир уйнинг эгаси боғига киритади. Шу ерда бироз дам оладилар. Шу пайт Аллоҳ изни ила Жаброил алайҳиссалом келиб:

— Эй, Расулуллоҳ! Буюринг, бу шаҳарни йўқ қилайин! — дейдилар.

У зот бунга асло рози бўлмасдилар, рози бўлмадилар ҳам.

Одамлар:

— Ё Расулуллоҳ, мушриклар бизларга жудаям озор беришяпти. Уларни лаънатланг! — дедилар.

Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Мен лаънат қилувчи бир пайғамбар бўлиб келмадим, мен раҳмат пайғамбари бўлиб келдим. Сабр қилинг, сиздан олдинги умматлар бундан баттар қийинчиликларга учраган эди. Сиз ҳам сабр қилинг! — деб сабрни тавсия қилганлар.

Ҳеч кимни дуойибад қилмаганлар.

Зайд розияллоҳу анҳу шундай дейди: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг йигирма йил хизматларида бўлдим. Мени бирор марта урмадилар, ҳатто қилган бирор ишим сабабли «нега бундай қилдинг ёки қилмадинг» деб айтмадилар». Яъни, ўз хизматкорига нисбатан ҳам ғоят юмшоқ ва яхши муносабатда бўлганлар...

Зайд розияллоҳу анҳуни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга қул сифатида ҳадя қилиб беришганди... Отаси Зайдни ахтариб топиб, ҳақини тўлаб



олиб кетмоқчи бўлганда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Ҳақинг ҳам керак эмас, аммо ўзидан сўраб кўр, ўзи нимани хоҳларкин. Агар кетишни хоҳласа, марҳамат кетсин, фидя ҳам олишни хоҳламайман», — дедилар. Зайд розияллоҳу анҳу эса:

— Ё, Расулуллоҳ, мен сизнинг ёнингизда қолишни хоҳлайман, — деди.

Бундан отасининг жаҳли чиқади. Ва Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдан такрор илтимос қилади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Менинг ёнимда қолишни истаётган инсонни мен ёнимдан ҳайдаёлмайман! — дедилар. Шундай қилиб Зайд розияллоҳу анҳу Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ёнларида қолади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаётлари шундай эди...

Битта шолча устида битта бўз матони ёпиниб ухлардилар. Ҳатто шу даражада оддий ва камтарона ҳаёт кечирардиларки, баъзан аҳли аёлларига бироз малол ҳам келарди...

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳазратларининг масжидлари ёнида «Хужраи саодат» деб аталадиган аҳли байтларининг хоналари бор эди. Уммавийлар даврида масжид кенгайтирилаётган вақтда ўша уй бузилади. Бу ишдан саҳобаи киромлар йиғлаб:

— Кошкийди, «Хужраи саодат» бузилмай қолсайдиди-да, уни кўриб, одамлар ибрат олсайдиди! — деб афсусланишади.

Узунлиги уч аршин, эни бир аршин келадиган, яъни бир кроват сиғадиган кенгликдаги уйлар... Бундай уйда бир киши бемалол ётади, икки киши ётса, сал қий-



налиб, сиқилиб қолишади. Мана шундай тор, кичкина хоналар эди. Пайғамбар соллаллоху алайҳи васалламнинг бундай оддий ҳаёт кечиришларидан аҳли байтларида норозиликлар бўлган...

Ҳазрати Умар разияллоху анху бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг олдиларига келадилар. Қарасалар, қамишдан тўқилган бўйра устида ётибдилару қўлларига, юзларига қамиш ботиб кетган. Сув тўлдирилган битта хумлари ва бир сиқим арпаларидан бўлак озиқ-овқатлари йўқ эди. Шунга қаноат қилиб яшардилар. Буни кўриб ҳазрати Умар разияллоху анху йиғладилар... Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг оддий, камтарона яшашларини кўриб, таъсирланиб, ибратланиб кўз ёшлар тўккан эдилар...

Ўзлари давлат қуриб, давлат бошлиғи бўла туриб, қўлларида имкониятлари чексиз бўлса ҳам қуллардек, хизматкорлардек ҳаёт кечирардилар. Бирор кишини ранжитмас, озор бермас эдилар. Бирор нарсага ёки ерга суяниб овқатланмасдилар. *«Агар Уҳуд тоғидек олтиним бўлса, ҳаммасини Аллоҳ йўлида сарфлайман!»* деганларини ривоят қилишади.

Асҳобларини ҳам инфоқ-эҳсон қилишликка ташвиқ қилардилар.

Бир куни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам қариндошлари, ҳам куёвлари ҳазрати Али розияллоху анху ва қизлари Фотима онамизни кўриш учун уйларига келганларида баҳоси тўрт дирҳам бўлган бир пардани кўриб, ичкарига кирмасдан қайтиб кетадилар. Тўрт дирҳамга ўша пайтда бир неча бош узум берар экан. Ҳазрати Али розияллоху анху орқаларидан югурдилар ва:



— Ё, Расулуллоҳ, нимага уйга кирмасдан ортингизга қайтдингиз? Ёки пардамизни кўриб жаҳлингиз чиқдими? — дейдилар.

Сарвари олам соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Шу пардани сотиб, пулини фақирларга беришингиз мумкин эди-ку!» — деб марҳамат қиладилар.

Бир куни қизлари Фотима розияллоҳу анҳу ва куёвлари Али розияллоҳу анҳу қўлларини Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга кўрсатиб:

«Ё, Расулуллоҳ! Қудуқдан сув тортавериб, тегирмон юргизавериб, қўлларимиз яра бўлиб кетди. Бизга бир қул беринг, бу ишларни ўша қул бажарсин!», — дейишди.

Уларга қул бермадилар ва шундай дедилар:

«Мен сизларга бир нарса ўргатаман. Ҳар намоздан кейин 33 марта «Субҳаноллоҳ», 33 марта «Алҳамдулиллаҳ», 33 марта «Аллоҳу акбар» денг; Аллоҳ таоло (сизларга ёрдам беради) ишларингизни осон қилади. Қул ёллашингиздан кўра бу тасбеҳларни айтиш яхшироқдир», — дедилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёт тарзлари ва дунёқарашлари шундай бўлган... Турли ижтимоий муносабатлардаги тавсияларига келсак:

Ота ва онага нисбатан ҳурмат сақлашни ҳадиси шарифларида қаттиқ таъкидлаганлар. Ҳатто ота-онанинг вафотидан кейин ҳам уларга бўлган меҳр-муҳаббат ва ҳурматни камайтирмасдан, ҳақларига кўп дуо қилишни буюрганлар.

Расул алайҳиссалом бир марта минбарга чиқаётиб бир қадам ташлаб «Омин» дейдилар, яна бир



қадам ташлаб яна «Омин» дейдилар, учинчи қадамни ташлаб яна «Омин» дейдилар. Минбардан тушгач, саҳобалар:

«Ё, Расулуллоҳ, хутба ўқиш учун минбарга чиқаётиб уч марта «Омин» дедингиз. Нима сабабдан?...» — дея сўрашади.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

«Мен минбарга чиқаётганимда Жаброил алайҳиссалом келиб: «Онаси ва отаси ҳаётлик вақтида ёки булардан бири ҳаёт бўла туриб, уларнинг розилигини олиб, жаннатий бўлолмаган ва бу имкониятни бой берган фарзанднинг бурни ерга ишқалансин!» — дедилар. Мен ҳам «Омин!» дедим», — деганлар.

Яъни, бир фарзанднинг онаси ва отаси ёки улардан бири ҳаётлигида уларга хизмат қилиб, дуосини ололмасдан, жаннатий бўлолмаганнинг ҳолига вой, деган маънони билдиради. Демак, ота-онани ҳурмат қилиш жуда муҳим.

Яна бир ҳадиси шарифларида:

«Бир фарзанд меҳри билан ота-онасини ўзига қарата олса, ота-онаси унга ҳар бир бор муҳаббат билан боққанидан бир қўлни озод қилганчалик савоб топади», — дедилар.

Шунда асҳоблар:

«Ё, Расулуллоҳ! Агар 360 марта қараса-чи?...» — дейишди.

«Аллоҳу акбар! У ҳолда Аллоҳ таоло у бандасига 360 та қўл озод қилгандек савоб беради...» — дедилар.

Бу ҳадислар орқали фарзанднинг ота-онага чексиз ҳурмат кўрсатиши лозимлигини тавсия қилганлар.



Шунингдек, ота-оналарнинг ҳам фарзандларига нисбатан масъулият ва бурчлари борлигини мана бу ҳадисда таъкидлаганлар: *«Фарзандларингизга чиройли исм қўйинг, одобли қилиб тарбиялангиз!.. Қўрғони қарим тарбияси, Расулulloҳ муҳаббати билан ўстиринг!».*

علموا اولادكم الكتابة و الرماية و السباحة

(Аллиму авлодакумул китобата, вар римаята вас-сибаҳах).

— «Фарзандларингизга ёзишни, қуrol ишлатишни, отишни, сузишни ўргатинг!» — деганлар.

Агар ота-она ўз бурчини бажармаса, охиратда фарзандлари даъво қилишини айтганлар. Ота-она фарзандини ақлли, меҳрли ва одобли қилиб тарбияласа, фарзанд томонидан ҳам эъзозланади, ардоқланади. Ора-ларида мустаҳкам муносабат қарор топади.

Аёл ўз эрига мутлақо итоат қилиши шарт эканини уқтирганлар.

Баъзи инсонлар «Ё, Расулulloҳ, рухсат беринг, сизга сажда қилайлик», — деганларида: «Ислом динида бир кишининг иккинчи кишига сажда қилиши мутлақо мумкин эмас. Исломда бундай нарсa йўқ!», — деганлар.

Аммо исломиятдан олдин ўтган халқларда одамлар бир-бирига сифиниш, чўқиниш учун эмас, ҳурмат-эҳтиром маъносида сажда қилишарди. Масалан, фарзанд отасига сажда қиларди. Жумладан, Юсуф алайҳиссаломнинг ота-она ва ака-укаларини Мисрга келтиришганда, ҳурмат юзасидан ва ака-укалари уэр сўраш мақсадида баравар сажда қилишган эди...

«Исломда инсонга сажда қилиш йўқ, агар бўлганида, аёлларнинг эрларига сажда қилишларини буюрган бўлар-



дим» деган ҳадиснинг маъносидан ҳам аёл киши эрига бутунлай итоат қилиши лозимлиги англашилади...

Эри қай пайтда аёлини ёнига чақирса, аёл албатта итоат қилиши ва ҳар қандай ишни тўхтатиб, эрининг ёнига бориши шарт. Шунингдек, эркакнинг ҳам аёлига нисбатан масъулияти борлигини айтганлар. Бу нарса аёлларнинг қадр-қиммати топталган, эркакларники ниҳоятда баланд бўлган ўша пайтда адолатли бир қонун эди...

Жумладан, аёл кишининг еб-ичиши, кийиниши ва уй-жой билан таъминланиши учун эркак масъул, бу эркакнинг зиммасида. Оилани моддий жиҳатдан таъминлаш эркакнинг вазифаси. Ҳатто бирор сабабдан аёл боласини эмизишни хоҳламаса, эмизадиган энага топиб, боласини улғайтириш ҳам эркакнинг бурчи, вазифаси...

Ислом дини оилада мана шундай бир мувозанатни қарор топтиради. Эр-хотиннинг бир-бирига нисбатан вазифаларини белгилаб берган. Эркак куч-қувватли деб, аёлни эркак тарафидан эздирмайди; эркакка ортиқча юк юклаб, аёлнинг ахлоқсиз ва беор бўлишига ҳам йўл қўймайди.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ака-укалар, оға-иниларнинг муносабатлари ҳақида ҳам тавсиялари бор. Масалан, «*Катта ака (тўнғич фарзанд) ота ўрнидадир*», — дейилган ҳадиси шариф бор. Оилада катта аканинг ҳурмати отанинг ҳурматига тенг бўлиши керак.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйларида хушчақчақ эдилар, одоб доирасида ҳазил-хузул, ши-



рин сўзлар айтардилар. Уйда, оилаларида соғлом ва кўтаринки бир кайфият мавжуд эди. Яъни, хўмрайиб, оилада юракни сиқадиған маҳзун бир кайфиятни туғдирмасдилар.

Оила мавзусидан бошқа мавзуга ўтишдан олдин яна бир жабҳа хусусида сўз юритмоқ лозим. Ислом динининг жинсий муносабатлар хусусида ҳам ғоятда маъкул, ниҳоятда мақбул тавсиялари бор.

Биринчидан, никоҳ суннат ва савобдир. Никоҳланган кишининг савоби ортади. Уйланган киши уйига бир ҳисса егулик ва ичгулик олиб келса, етти юз ҳисса савоб берилади. Яъни, савоби шунчалик кўп.

Ундан кейин эр-хотин муносабатлари ҳам савобли... Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир марта жинсий муносабатнинг савоб эканини айтганларида, ҳайратланиб: *«Ё, Расулуллоҳ! Биз нафсимизнинг, шахватимизнинг истагини қондирамыз, бундан савоб топамизми?»* — деб сўрашган. *«Албатта! Шундай қилмасангиз, гуноҳ йўли билан қондиришингиз мумкин. Шунинг учун ҳам савобдир»* — деганлар.

Яна бир ҳадиси шарифга тўхталсак: *«Агар бир кишининг хотини ёки канизи бор бўлса-ю, унинг ёнига қирқ кун бормаса ёки ётоғига чақирмаса, гуноҳкор бўлади»*, — дейилган. Чунки у аёлнинг ҳам жинсий хоҳишлари бор, унинг ҳам эҳтиёжларини қондириш лозим, деган маънода адолат қилишга чақирадилар.

Шунинг учун саҳобаи киромлар шаръий жинсий муносабатга эътибор беришган, уни асло айб санашмаган. Яхши бир тарзда қондириш савоб эканлигига рағбатлантирилган. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва-



саллам: «Сизлардан бирингиз жума куну жуфти ҳалолли билан жинсий муносабатда бўлиб, ўзи ювиниб, аёлини ҳам ювинтиришдан оқизми?» — деганлар. Ҳеч бўлмаганда бир ҳафтада бир марта ғусл қилишга рағбатлантирганликлари ҳам жамиятга осудалик бағишлайди.

Бугунги кунда жуда кўп гуноҳлар, бола-чақаларнинг хор-зор бўлиши фаҳш ишларнинг кенг тарғиб этилиши, зинонинг, ношаръий жинсий муносабатларнинг кенг авж олганлигидандир. Зино дунё ва охирада инсонни хору расво, аламли азобларга мубтало қилади. Ояту ҳадисларда бу ҳақда қатъий билдирилган. Аллоҳ асрасин! Шунинг учун ҳам, шаръий жинсий муносабат савоб...

Номаҳрам аёлга қараш ҳам гуноҳ. Бироқ тасодифан биринчи назарда кўзинг тушса гуноҳ ҳисобланмайди. Масалан, йўлда кетаётиб, тасодифан номаҳрамга кўзингиз тушиб қолади. Бунда гуноҳ йўқ. Лекин иккинчи қарашда гуноҳ ёзилади. Кўзлар ҳам зино қилади, қўллар ҳам зино қилади. Кўз зиноси номаҳрамга қараш орқали ҳосил бўлади. Қўл зиноси эса номаҳрамни ушлаш ёки номаҳрам билан қўл бериб саломлашиш орқали юзага келади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам аёллар билан қўл ушлаб кўришмаганлар, қўлларини тутмаганлар. Байъат қилган аёлларнинг ҳам қўлларини ушламаганлар.

Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу халифа эканлар, бир киши у кишининг ёнига келади. Ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу у одамнинг юзига қараб:

— Сенинг кўзларингда зино изларини кўряпман! —



дейдилар. Шунда келган киши саросимага тушиб, қизариб кетади ва:

— Ё, амирал мўминин! Пайғамбарлик тугамаганмиди, сиз давом эттираяпсизми?— дейди.

Чунки ўзининг айбини билади. Йўлда келаётиб кўчада бир уйнинг эшигидан қарайди. Ичкарида бир аёл очиқ-сочиқ ҳолда ювинаётган экан, шу аёлга қараган бўлади. Кўз зиноти қилганлиги учун ҳам ҳазрати Усмон разияллоҳу анҳудан дакки ейди.

«Бир киши бировнинг уйига деразаси ёки эшигидан қараса, (тажовуз қилиб) ўша уйга кирган кишидек гуноҳкор бўлади», — дейдилар Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам.

Исломда қариндошлар орасидаги муносабатларга ва ҳақ-ҳуқуқларга жуда аҳамият берилади. Бунини «силаи раҳм» деймиз. Яъни қариндошларни зиёрат қилиш керак бўлганда моддий ёрдам бериш ва маънавий рағбатлантириш лозим. Исломни, ҳалолликни ҳам билдириш керак.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам силаи раҳм туфайли инсоннинг умри узайишини, гуноҳларининг ювилишини, ўлкаларнинг обод бўлишини айтганлар ва силаи раҳмга ташвиқ қилганлар.

Ўзлари ҳам қариндошлари, қўни-қўшнилари, умуман, барча аҳли мўмин билан яқиндан муносабатда бўлардилар. Бир яхшилик қилган инсонни унутмасдилар. Ҳижрат қилаётганларида йўлда бир аёл бир нарсани юбди. Ўша аёлга ҳар доим ҳадя юбориб турганлар, уйларида келганида илтифот кўрсатганлар, зиёратига бориб турганлар. Мадинага келганларида Кубо қишлоғида биров муддат туриб қола-



дилар, у ердан кетгач, ҳар шанба куни Кубо қишлоғига бориб турардилар. Ҳатто маконга нисбатан ҳам вафо кўрсатардилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам мусулмонларни ўзаро биродарликка ташвиқот қилардилар. Ўзлари хусусан бу нарсага аҳамият бериб, катталарнинг кичикларга, кичикларнинг эса катталарга бўлган муносабатларини маълум бир низомга солган эдилар.

Ўзлари кичикларга нисбатан жуда шафқатли эдилар. Бир марта ҳазрати Ҳасан ёки ҳазрати Хусан, иккаласидан бири:

— Бобожон, қўшнимизнинг туяси бор, у минади, бизнинг эса туямиз йўқ, биз минолмаймиз!, — деб инжиқлик қилганларида:

— Келақол, мен ҳам сени елкамга миндираман!, — деб елкаларига миндирадилар.

Шунда ҳазрати Ҳасан:

— Лекин қўшнимизнинг туяси «Афв! Афв!», — деб бақиради-ку! — дейди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳам бир у томонларга, бир бу томонларга қараб «Афв! Афв!», — деб бақирадилар ва «бўлдимиз?» деб сўрайдилар.

Кейин ҳазрати Ҳасан қўчага ўйнагани чиқиб: «Бобом мени елкаларига миндирдилар, туя каби бақирдилар», — деб болаларга айтиб беради. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам масжидга кетаётганларида болалар олдиларига чиқиб:

— Бизни ҳам елкангизга миндининг!— дейишади. Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ёнларидаги саҳобага:



— Уйга бориб болаларни хурсанд қиладиган бирон нарсалар олиб кел!— дейдилар. Саҳоба бориб бир нарсалар олиб келади ва болаларга беришиб, уларни хурсанд қилишади.

Бир куни бир бола қуш тутиб олади. Боланинг қуш-часи ўлиб қолади-да, йиғлаб ўтирган бўлади. Шу пайт Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам у ердан ўтиб қоладилар ва боладан: «Қушчангга нима бўлди?» — деб ҳол-аҳвол сўрайдилар, яъни ҳеч кимга бепарво қарамаганлар.

Иккита мусулмон бир-бири билан дўст бўлса, биродар бўлса, (бизнинг боболаримиз бунга «охират биродари», «қиёматли дўст» дейишади) қиёматда Арши Аълонинг соясида сояланиб туришини ва катта савобларга мушарраф бўлишларини айтганлар.

Маҳшар куни ҳамма маҳшар майдониغا йиғилишади ва яланғоч ҳолда бўлишади. Ҳазрати Оиша онамиз аврат масаласида чўчиб кетадилар.

— Ё, Расулуллоҳ, ҳамма бутунлай яланғоч бўлади-ми?— деб сўрайдилар. Яъни издиҳомли кунда шунча кўп инсон бир ерда яланғоч ҳолда тўпланишадими, демоқчи бўладилар.

Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

— Эй, Оиша! У кун инсонлар шундай бир қўрқув ва ҳаяжон ичида бўлишадими, бир-бирларининг авратига қарайдиган, яланғочлигини ўйлайдиган, ҳис қиладиган аҳволда бўлишмайди, — деб жавоб берадилар.

Катта бир йиғинда, даҳшатли қўрқувлар ичида, ҳамма қайноқ тер ичида бўлади. Лекин баъзи инсонлар у кун Арши Аълонинг соясида, кўкда кўрадиган



юлдузларимиздек юксакда, нурдан бўлган минбарларда юзларидан нур ёғилиб ўтиришади. Кийимлари нурдан, курсилари нурдан. Лекин булар пайғамбарлар эмас, шаҳидлар эмас.

— Улар кимлар, ё Расулуллоҳ?, — деб сўрашдилар. Дедиларки:

هم المتحابين في الله

(*Хумул мутаҳоббина филлаҳ*). Яъни, «Улар бир-бирларини Аллоҳ учун севган кишилардир». Бир-биримизни Аллоҳ учун севишликка буюрилганмиз. Бундай севиш мусулмонларни яқин биродарликка, худди ака-ука каби муносабатда бўлишга чақиради. Ўзлари эса бунга тўла амал қилардилар.

Яна, қўшничилик одобини ҳам муҳим деб билганлар. Бу ҳақда: «*Жаброил алайҳиссалом эжуда кўп марта келиб, менга қўшничилик ҳақлари ҳақида гапирардилар, шунчалик кўп гапирардиларки, Аллоҳ қўшнини қўшнига ворис қилади, меросини қўшнисига қолдирадими, деб гумон ҳам қилдим*», деганлар.

Қўшничиликнинг учта муҳим жиҳати бор:

1. Қўшнингиз билан қўшничилик вазифаларини бажарасиз. «*Қўшнингиз уйининг биносидан ўзингизникини баланд қуриб, унга тегадиган ҳаво ва шамолни тўсиб қўйманг!*», дейилган. Илоҳи бўлса уни ҳам қўллаб-қувватлаши, бинолар баландлиги тенг бўлиши керак. Бир кишиники баландда, иккинчи кишиники пастда бўлишига қарши бўлганлар. Ҳиди атрофга ёйиладиган таомдан қўшнисига бериши лозимлиги айтилган.

2. Агар қўшнингиз мусулмон бўлса, у ҳолда ҳам қўшничилик ҳамда мусулмон биродарлик ҳаққи бўлади.




3. Қўшинигиз билан қариндош бўлсангиз, ҳам мусулмон бўлгани, ҳам қўшни бўлгани ҳамда қариндош бўлгани учун ортиқча ҳақлари бўлади. У ҳолда ўз-ўзидан жуда яқин муносабатда бўлиши лозимлиги англашилади.

Қўшничилик ҳаққи ҳақида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жуда кўп тавсиялари ва ўрнак бўладиган ўз ҳаётлари бор.

Бундан ташқари, тижорат хусусида ҳам Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳим тавсиялари бор. Тижоратни мақтаганлар ва унга ташвиқ қилганлар. Тўғри сўз, ишончли ва ҳалол савдогар (тижоратчи)нинг худди бир-бирини Аллоҳ учун дўст тутган кишилар каби Арши Аълонинг соясида бўлишини айтганлар.

Шу сабабдан қадимдан бизнинг олимларимиз, буюklarимиз тижорат билан шуғулланишган. Имоми Аъзам ҳазратлари тижоратчи бўлганлар. Савдогар бўлишларидан мақсад, мол-дунё орттириш ёки мол-дунёга муҳаббат қўйиш туфайли эмас, тижоратда савоб бор бўлгани учун... «Бошқа бир ердан бошқа бир ўлкага керакли бўлган молларни келтириш савобдир», дея билдирганлар. Киши тижоратда пулга эга бўлади, лекин иккинчи томондан тижоратда ижтимоий бурч — халқ эҳтиёжини қондиришдек масъулият бўлгани учун Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам унга ташвиқ қилганлар. Хўжайин ва хизматкор муносабатларида хўжайинни огоҳлантирганлар: «*Хизматкорнинг пешона тери қуримасдан хизмат ҳақини беринг!*», «*Иш ҳақини ишга олмасдан, ишлатмасдан олдин келишиб олинглар!*» — деганлар. Ишлатиб бўлгач: «Мен сенга шунча бераман, бўлди бор!» ёки «бермайман» демас-



лиги учун олдиндан иш байъини келишиб олишни тайинлаганлар.

Тижорат одоби, равиши усуллари ҳақида ҳам тавсиялари бор... Ҳадиси шарифлар бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бозорларни кузатганлар. Ҳукумат бошлиғи каби у ерларда буйруқлар берганлар.

Бир марта бир тижоратчининг ёнига келганлар. Савдогарнинг қопда турган молига қўлларини ботириб, аралаштириб кўрадилар. Қарасалар, таги ҳўл, усти қуруқ. Қопдаги молнинг таги ёмон, усти чиройли қилиб қўйилган. Шунда «Бундай қилма!» дедилар.

من غشنا فليس منا

Ман ғашшано фалайса минно — «Ким бизни алдаса, биздан эмас», — деганлар.

Савдонинг, тарозининг, ўлчовнинг ҳалол бўлишига оид оят эмас, ҳатто сура бор; “Мутаффифин” сураси...

﴿وَيْلٌ لِّلْمُطَفِّفِينَ﴾ ۱) ٱلَّذِينَ إِذَا أَكْتَالُوا عَلَى ٱلنَّاسِ

يَسْتَوْفُونَ ۚ وَإِذَا كَالُوهُمْ أَوْ وَزَنُوهُمْ يُخْسِرُونَ ۚ ۲) ٱلَّا

يُظُنُّ أُوْلَئِكَ أَنَّهُمْ مَبْعُوثُونَ ۚ ۴) لِيَوْمٍ عَظِيمٍ ۝ ۵) ﴿

«(Ўлчов ва тарозидан) уриб қолувчи кимсаларга ҳалокат бўлгай! Улар одамлардан (бирон нарсани) ўлчаб олган вақтларида тўла қилиб оладиган, уларга ўлчаб ёки тортиб берган вақтларида эса кам қилиб берадиган кимсалардир. Улар ўзларининг улуғ бир кунда — барча



одамлар бутун оламлар Парвардигори хузурида тик туриб (ҳисоб-китоб берадиган қиёмат) кунда қайта тирилгувчи эканликларини ўйламайдиларми?!».

Голландияда бир устоз домла биродаримиз шахсан ўзи кўрган (мавзумизга доир) бир воқеани менга айтиб берганди. Унга одамлар келиб: «Устоз, ўлим тўшагида ётган бир беморимиз бор, ўтинамиз, бориб кўринг, ёрдам беринг!» дейишади. Шундай қилиб, тунги соат учда беморнинг ёнига олиб боришди. Бемор ҳушидан кетган, қийин аҳволда ётарди. Мен секин-секин «Ла илаҳа иллаллаҳ... Ла илаҳа иллаллаҳ. Ашҳаду анла илаҳа иллаллаҳ...» деб калимаи тавҳид ва калимаи шаҳодатни айтдиришга ҳаракат қилдим. Бир вақт бемор ўзига келиб бундай деди: «Нимага мени мажбур қилаяпсиз? Кўрмаяпсизми, тарозининг бош қисмидаги темирини томоғимга тикиб-тикиб олишяпти!» — деб айтибди. Кейин ўлди, дейди.

Марҳумнинг хотинидан:

— Бунинг сабаби нима?, — деб сўрабди.

— Бу ҳақда сўраманг устоз! Эрим сотувчи эди. Иккита тарозиси бор эди: биттасини олаётганида, иккинчисини эса сотаётганида ишлатарди. Олаётганда кам кўрсатадиган тарозида тортиб, сотаётганда кўп кўрсатадиган тарозида тортарди, — деб жавоб беради.

Масалан, биринчи тарозида тортилган 1 килограмм оғирликдаги нарса, иккинчи тарозида 800 грамм чиқаркан. Ана шундай иккита тарозидан фойдаланиб, халқни алдар экан. Лекин вафоти ҳам аянчли бўлган. Устоз: «Ўз кўзларим билан кўриб, қулоқларим билан эшитдим» деди.



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Мадинага хижрат қилганларида ижтимоий ҳаёт билан боғлиқ адолатли низомларни, «Мадинада Исломнинг асосий қонунлар мажмуаси» дейилган батафсил моддалардан ташкил топган «низомнома»ни ишлаб чиққан эдилар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ижтимоий тавсиялари хусусий ва умумий тарзда ўз ифодасини топган эди. Масалан, ҳадиси шарифда ҳар бир уй соҳиби уйининг олдини тозалаши кераклиги айtilган. Жамиятимиздаги камбағал кишиларга бой кишиларнинг Аллоҳ ризоси учун ёрдам беришлари, закот беришлари муҳим бурч, савобли масъулият эканлиги таъкидланган.

Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мол-дунёга аҳамият бермаганликлари ҳақида айтиб ўтдик. У кишининг ахлоқи, феъл-одатлари ҳар доим мулойим бўлмаганлигини ҳам унутмаслик керак! Масалан, Аллоҳнинг бирор амри бажарилмай қолса ғазабга тўлган ёки жангда энг олдинда борганлар, душмандан асло қўрқмаганлар. Бир паҳлавон у киши билан уч марта курашга тушади. Уч марта ҳам ерга тоблаб урадилар. Куч-қувватли, жасур бир инсон бўлганлар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг давлат бошлиғи ёки турли хил лавозимлардаги идора раҳбарлари ҳақида ҳам тавсиялари бор.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам фуқаро ва раҳбар ўртасидаги муомала ва муносабатни ҳам муайянлаштирганлар.

Ҳар доим сафар ёки саёҳатга одамларни жўнатаётганларида бир кишини бошлиқ сайлаб жўнатганлар.



Бир маротаба қизиқ бир ҳолат рўй беради: эллик ёки юз киши сафарга чиқаётганида Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳаммасини бир-бир кўздан кечирадилар, суҳбатлашадилар ва текшириб кўрадилар. Ҳол-аҳвол сўраб, Қуръони каримдан қанча билишини сўрайдилар. Ниҳоят бир ёш йигитга навбат келади.

— Эй, йигит! Қани, сен Қуръони каримдан нималарни биласан?— дея сўрайдилар. Шунда йигит:

— Ё, Расулulloҳ! Мен шу-шуларни биламан ҳамда «Бақара» сурасини ёддан биламан!— дейди.

Биласизки, Бақара сураси 286 оятдан иборат, икки ярим жуз, Қуръони каримдаги эллик саҳифага яқин энг катта сура. «Бақара» сурасини ёддан биламан деганини эшитиб:

— «Бақара» сурасини ёддан биласанми?— дея такрор сўрадилар.

— Ҳа, биламан!— деб жавоб берди йигит.

— «Изҳаб, фаанта амируҳум!», яъни, бор, уларнинг бошлиғи сенсан! — дейдилар.

Ёш бўла туриб, «Бақара» сурасини, яна бир қанча сураларни билгани учун ўша йигитни бошлиқ қилиб тайинлаганлар. Яъни, аслида ким раҳбар бўлиши керак?

فليؤمكم اقرؤكم (راموز الاحاديث ٩٤/١)

«Фал яуммакум ақраукум» — «Қуръони каримни энг яхши биладиган, Исломиё билими кучли бўлган киши раҳбарингиз бўлади!», — деганлар. Бир гал Рисолатпаноҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам сафар олдидан бир кишини одамларга бошлиқ қилиб тайинлайдилар. Улар сафарга чиқишгач, сафар давомида ўзаро бир қанча зиддиятлар пайдо бўлади. Бошлиққа итоат қилишмайди,



унинг сўзини тинглашмайди. Бу ҳолдан дарғазаб бўлади ва «ўтин тўпланг!», — деб буюради. Шох-шабба тўплашади. «Олов ёқинг!», — дейди бошлиқ. Гулхан ёқишади. «Амирга итоат қилиниши керак» деган қоидага биноан дарғазаб бошлиқ: «Ҳаммангиз оловнинг ичига киринг!» — деб буюради. Шунда одамлар: «Оловга кирмаймиз ва бу ҳолни Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга айтамиз! Ҳақиқатни қарор топтирамиз», — дейишади.

Келиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга воқеани баён қилишганда: «Агар оловга кирганингизда эди, жаҳаннамга кетардингиз! Амир — бошлиққа фақат хайрли ишларда итоат қилинади; гуноҳга сабаб бўладиган ҳолларда итоат қилинмайди!», — дейдилар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари, бизга буюрганлари, ўргатган нарсалари, тавсияларини хулоса қилмоқчи бўлсак, у киши масалаларни лўнда, ихчам ва мақбул шаклда буюрганлар ва бир бутун нарсанинг ҳамма томонини ҳисоб-китоб қилиб мувозанатли, қониқтирадиган тарзда ҳукм чиқарганлар. Бировга имкониятидан ортиқ юк юкламаганлар ва бировга азият етказмайдиган тадбирларни қўллаганлар. Инсоний муносабатларнинг барчасини гоят мутаносиб тарзда тартибга келтирганлар.

Бунинг намунасини ўз ҳаётлари, яшаш тарзлари орқали кўрсатиб ҳам берганлар...

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам гўзал ахлоқ, савобли ҳар қандай хизмат — холис Аллоҳ ризоси учун бўлиши кераклигини уқтирганлар...

Бир ҳадиси шарифда «Гўзал ахлоқ нима, ё Расу-



луллоҳ?», — дея сўрашганда, шундай деб жавоб берадилар:


تغفر عمن ظلمك، تعطي من حرمك
تصل من قطعك (راموز الاحاديث ۲/۲۰۱)

Тағфиру амман заламака туъти ман ҳарамака тасилу ман қатаака. Яъни: «Сенга зулм қилганни кечир, сенга бермаганга сен бер, сендан алоқасини узган билан алоқа ўрнат, борди-келди қил», — деганлар. Юқорида бирор савобли иш, яхшилик — холис Аллоҳ ризоси учун бўлиши керак дедик. Яъни «Ҳасбатан лиллаҳ», фақат холис Аллоҳ ризоси учун қилинади. Бировга яхшилик қилсак, ундан бирор манфаат, бирор яхшилик кутмаймиз. Ёмонлик қилганга ҳам яхшилик қилишга буюрилганмиз.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бир ҳадиси шарифларида: «*Мушибатнинг ёки етган бирор хасталик ёки ранжитувчи воқеани ҳам Аллоҳнинг бир икромии эканини англамаган киши — ҳақиқий мўмин киши эмас*», — деб буюрганлар.

Аллоҳу таоло бизларга ҳам Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари билан хулқланишни насиб айласин... Аҳли аёлимиз, қариндош-уруғларимиз, қўни-қўшниларимиз, барча мусулмон биродарларимиз билан муносабатларимизда, тижорат ишларимизда, ижтимоий ҳаётимизда, иш фаолиятимизда шаръий-ахлоқий қоидаларга амал қилиб яшашимизни жаноби Ҳақ жумламизга насиб этсин!...


Ўзининг ризосини қозонишни, бу дунёда бахтиёрликни, бахтли бир ҳаётда яшашни, саодатли жамият



тузишни ҳамда охиратда савоб қозонган ҳолда Аллоҳ-нинг ризолигига муяссар бўлиб, жаннати, жамоли билан сийланишни, шарафланишни барчамизга насиб айласин...

Аллоҳ ҳаммамиздан рози бўлсин! Ассалому алайкум ва раҳматуллоҳи ва баракотух!

М.А. Жўшон,
филология фанлари доктори, профессор.



...Жаноб Расулуллоҳ
саллоллоҳу алайҳи васал-
ламнинг чеҳраи муборақлари
қилич каби ялтираган эрдими? Ҳаз-
рати Бароъ дедилар: Йўқ. Ой каби ну-
роний, яъни ниҳоятда нузли, дурахшон
эрди. Узун эмас ва юмалоқ ҳам эмас эрди.

* * *

Пешоналари кенг ва кушода (очик) эрди. Қош-
лари эгилган бўлиб, ингичка ва қалин ва бир-биридан
алоҳида ва қўшилмаган эрди. Икки қошларин ўртасида
бир томир бор эрдик, ғазаблари келганда ҳаракатга
келиб кўринур эрди. Муборақ бурунлари бироз баланд ва
қирралик ва унда бир қисм нуре дурахшон (ялтираб,
порлаб) турур эрдик, унга диққат билан қарамаган
одам бурунларин катта ва баланд гумон қилур эрди.
Муборақ соқоллари катта ва қалин, муборақ икки ҳад-
лари (ёноқлари) на озгин ва на серғушт, балки ниҳоят-
да марғуб эрди. Маъсум оғизлари эътидол (ўрта ҳол)
ила кенг эрди. Муборақ тишлари майда ва ялтираб
турган эрди. Олдинги тишлари бир-биридан ало-
ҳида кўринур эрди. Муборақ сийналаридан кин-
дикларига қадар назик мўйдин бир хат тор-
тилган бўлиб, муборақ бўйинлари шундоқ
ярашган, чиройли эрдик, гўё оқ мар-
мар тошдин, ё оғдин (фил суяги) та-
рашланган ҳайкалнинг бўйни каби
эрди, оқликда кумуш каби соф
эрди.




МУБОРАК ҚИЁФАЛАРИ

Ҳазрат Анас розияллоҳу таоло анҳу дебдурларки, Жаноб Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам жуда узун ҳам, жуда паст ҳам эмас эрдилар. Балки ўрта бўйлик, қоматлари ниҳоятда мавзун бир зот эрдилар. Ранглари на ниҳоятда оқ ва на тўқ буғдойранг эрди. Балки оқ қизиллик аралашмасига мойил, малоҳатлик ўн тўрт кечалик ой каби нурлик эрди. Муборак сочлари на ниҳоятда буралган (жингалак) ва на ёзилган (теп-текис) эрди. Балки ўрта бир ҳолда ўзларига ярашган эрди. Вафот этар чоғларида муборак бошларида ва соқолларида йигирма адад (дона) ҳам оқарган мўй йўқ эрди.

Ҳазрат Анас розияллоҳу таоло анҳудан бу ривоят ҳам бордурки, дебдурлар: Жаноб Расули аъзам саллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта қадлик, на узун ва на паст бўйлик эрдилар. Жисмлари чиройлик, келишган, сочлари на буралган на ёзилган эрди. Чеҳралари буғдойранг, қачон юрсалар олдиларига мойил бўлиброқ юрур эрдилар.

Ҳазрати Бароъ ибн Озиб розиёллоҳу анҳу дебдурлар: Жаноб Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам ўрта бўйлик (бироз узунга мойил) бир киши эрдилар. Икки елкаларининг ўртаси кенг бўлиб, зулфи мубораклари кўп ва икки қулоқларининг юмшоқларига тушиб турар эрди.



...Жанобнинг зулфи муборақлари икки елкаларига тушиб турар эрди. Икки елкаларининг ўртаси кенг эрди. Қадлари на паст ва на зиёда узун эрди.

Ҳазрат Али розияллоху анҳу дебдурлар: Жаноб Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам на узун ва на паст бўйлик эрдилар. Икки кафтлари ва икки қадамлари тўла ва гўштлик эрди. Муборақ бошлари катта ва аъзоларининг бўғимлари, ҳар икки суяқларининг қўшилган ери йўғон эрди. Сийналаридан киндикларига қадар узун ва ингичка мўйлари (туқлари) бор эрди.

Ҳазрат Али розияллоху анҳу ривоят қиладилар: Жаноб Росулulloх соллаллоху алайҳи васаллам на узун ва на паст бўйлик эрдилар, балки ўрта қадлик одамлардан эрдилар. Ва муборақ сочлари на зиёда буралган ва на зиёда ёзилган эрди, балки иккисин ўртасида эрди. Муборақ баданлари на семиз ва муборақ чехралари на юмалоқ балки озроқ мудаввар (юмалоқ) эрди, чехралари қизилга мойил оқ эрди. Икки кўзлари ниҳоятда қора ва киприклари ниҳоятда узун эрди. Икки суяқларининг қўшиладиган бошлари йўғон ва икки кифтлари (елкалари) жам бўладирган ерлари ҳам йўғон, гўштлик эрди. Баданларида тук йўқ эрди. Магар сийналаридан киндикларига нозик мўйдин бир хат тортилган эрди. Икки кафтлари ва икки қадамлари тўла ва гўштлик эрди. Қачон йўл юрсалар қадамларин ердан қувват ила узиб олур, гўёки пастликка кетиб турган каби кўринур эрдилар.

Икки кифтларин ўртасида муҳри нубувват, яъни набийлик (пайғамбарлик) муҳри бор эрди.

...Имом Ҳасан розияллоху анҳунинг тоғалари Ҳинд Аби Ҳола шундай ривоят қилганлар: Муқаддас чех-



ралари ўн тўрт кечалик ой каби дурахшон эрди. Ўрта қадлик инсондан узунроқ ва ниҳоятда узун бўйлик одамдан пастроқ эрдилар. Бошлари катта, сочлари озроқ буралган (жингалак) эрди.

Агар сочлари ўзича осон очилса, фарқ очур эрдилар, агар тароқ ва бошқа нарсага зарурат тушадиган бўлса, фарқларин очмай қўйиб қўйур эрдилар. Сочларини зиёда ўстирсалар, қулоқларин юмшоғидин тушиб турур эрди. Муборак ранглари ялтираб турган оқ эрди. Пешоналари кенг ва кушода (очиқ) эрди. Қошлари эгилган бўлиб, ингичка ва қалин ва бир-биридан алоҳида ва қўшилмаган эрди. Икки қошларин ўртасида бир томир бор эрдики, ғазаблари келганда ҳаракатга келиб кўринур эрди. Муборак бурунлари бироз баланд ва қирралик ва унда бир қисм нуре дурахшон (ялтираб, порлаб) турур эрдики, унга диққат билан қарамаган одам бурунларин катта ва баланд гумон қилур эрди. Муборак соқоллари катта ва қалин, муборак икки хадлари (ёноқлари) на озғин ва на серғўшт, балки ниҳоятда марғуб эрди. Маъсум оғизлари эътидол (ўрта ҳол) ила кенг эрди. Муборак тишлари майда ва ялтираб турган эрди. Олдинги тишлари бир-биридан алоҳида кўринур эрди. Муборак сийналаридан киндикларига қадар нозик мўйдин бир хат тортилган бўлиб, муборак бўйинлари шундоқ ярашган, чиройли эрдики, гўё оқ мармар тошдин, ё оқдин (фил суяги) тарашланган ҳайкалнинг бўйни каби эрди, оқликда кумуш каби соф эрди.

Баданларининг аъзолари ҳаммаси бир-бирига мутаносиб яратилган, ўрта даражада гўштлики эрди. Гўштлири осилиб турган эмас, қоринлари ва сийналари текис ва



баробар эрди. Сийналари кенг эрди. Икки елкаларин ўрта-си узоқ эрди. Бўғимлари йўгон эрди. Либосдин ташқари турган узвлари (аъзолари) нурлик, ниҳоятда дурахшон кўринур эрди. Сийналари ва киндикларин ўртасида хат каби чўзилган бир мўй тушган эрди. Шул мақомдин кўкраклари ва қоринлари мўйдин холи эрди. Лекин икки биалаклари ва икки елкаларин ва сийналарин юқори ҳиссаларида мўйлари бор эрди. Икки биалаклари узун эрди, кафтлари кушода (очик), икки кафтлари ва икки қадамлари гўштлик эрди. Қўлларин ва оёқларин бармоқлари эътидол (ўрта ҳол) лик даражада узун эрди.

Қадамлари силлиқ эрдик, унда сув тўхтамас эрди.

...Жаноб Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг оғизлари мўятадил (ўрта ҳол) катта эрди. Маъсум кўзларининг оқида қизиллик бор эрди. Қадамларининг орқасида гўшт кам эрди.

Ҳазрати Расули акрамнинг муборақ қиёфалари ҳақида саҳобалардан яна шундай ривоятлар қилинган:

...Жаноб Расулуллоҳ алайҳи васаллам ҳуснда, жамолда ва нурда ойдин зиёда ва ортиқдурлар.

...Жаноб Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи васалламнинг чеҳраи мубораклари қилич каби ялтираган эрдими? Ҳазрати Бароъ дедилар: Йўқ. Ой каби нуроний, яъни ниҳоятда нурли, дурахшон эрди. Узун эмас ва юмалоқ ҳам эмас эрди.

...Жаноб Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жисми мубораклари шул қадар марғуб, жамил ва зебо эрдик, инсон кўриб вужудларин Аллоҳ таоло кумушдан қуйганмикин деб қолур эрди. Муборақ сочларида бироз буралганлик (жингалаклик) бор эрди.



...Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг олди тарафларидаги тишларидан иккиси ниҳоятда ялтираб турур эрди. Қачон сўз қилсалар тишларин ораларидан нур каби бир нарса чиқур эрди.

...Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг икки кифтларин ўртасида муҳри нубувват (пайгамбарлик муҳри) кабутарнинг тухуми каби бир зиёда гўшт экан. Ранги қизилға мойил экан.

...Муҳри нубувватлари гўё бир муштдек бўлиб, атрофида баданга тошадурғон нўхотдек доналар каби холлар бор экан.

...Муҳри нубувватлари орқаларида бир бўлак кўтарилган гўшт эрди.

...Жаноб Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг сочлари икки қулоқларин ярмиға тушур эрди.

...Ва Жанобнинг сочлари қулоқ юмшоғидан тушган ва елкаларига етмаган, яъни ўрта бир ҳолда эрди.

...Жаноб Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг соч ва соқолларидаги оқлар аввали ва охири йигирма адад эрди.

Жаноби Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак бошларида оқ соч йўқ эрди. Магар фарқларин ўзида бир неча адад саноглиқ оқ сочлар бор эрди. Қачон бошлариға ёғ истеъмол қилсалар, алар кўринмай қолур эрди.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи ва саламнинг муборак қиёфалари энг гўзал, энг мутаносиб ва энг шариф эрди.

*Имом ат-Термизийнинг "Шамойили
Муҳаммадия" китобидан олинди.*

Саҳобалардан ҳазрати
Жобир айтадиларки: "Пай-
ғамбарнинг юзлари қуёш, ой ян-
лиғ порлоқ эди. Моҳтобли бир кеча-
да бир пайғамбаримизнинг муборак юз-
ларига, бир ойга қарадим. Расулуллоҳ-
нинг юзлари ойдан ҳам жозибали эди".

* * *

Бир ғазотдан қайтаётиб, ҳориганидан саҳоба-
лар билан бир дарахт остида ухлаб қолишди. У ердан
ўтаётган бир бадавий Пайғамбаримизнинг дарахтга
осиблиқ турган қиличларини олиб, энди ҳужум қилмоқ-
чи бўлиб турган эди, Расули акрам уйғониб қолдилар.
Шунда бадавий: "Энди сени менинг қўлимдан ким қут-
қаради", деди хезлашиб. Пайғамбаримиз эса ўта хотир-
жамлик билан жавоб берди: "Аллоҳ қутқаради!"

Расулуллоҳдаги (с.а.в.) бу хотиржамликни кўрган
бадавийнинг қўлидаги қилич ерга тушиб кетди.

* * *

Бир кун Расули Акрам (с.а.в.)ни зиёрат этишга
келган кишилардан бири:

— Аллоҳ ва сизнинг хоҳлаганингиз бўла-
ди! — деди.

Бу гапни эшитган Пайғамбаримиз
дарров танбех бердилар:

— Сен Аллоҳга шерик қўшяпсан!

Ёлғиз Аллоҳнинг хоҳлагани
бўлади, дегин!



УЛУҒ ХУЛҚ СОҲИБИ

(Шамойиллари ва сифатлари)

Бизнинг ҳар биримиз мўмин ўлароқ Расулulloҳ солалллоҳу алайҳи васалламни яхши кўрар эканмиз, албатта, у зотнинг насабларини, сифатларини ва сийратларини ҳам яхши билишимиз, ибрат олишимиз лозим бўлади. Мана шу зарурат туфайли Пайғамбаримизнинг муборак шажараларига бирров назар ташлар эканмиз, у зотнинг азим пайғамбар Иброҳим алайҳиссаломга бориб туташишига гувоҳ бўламиз.

Ҳазрати Исмоил алайҳиссаломнинг оталари ҳазрати Иброҳим алайҳиссалом илоҳий пайғамбарларнинг буюкларидан эдилар. У зот Ироқда, Сумар шаҳрининг Ур деган жойида туғилганлар. Милоддан олдинги 2000 йилларда Бобил халқини Аллоҳ таолонинг ҳақ динига даъват этганлар.

Ҳазрати Иброҳим алайҳиссаломнинг Исмоил ва Исҳоқ исмли ўғиллари бор эди. Бу ака-укалар Иброҳим алайҳиссаломнинг икки хотинидан: Ҳожар ва Сора онамиздан туғилганди. Исмоил алайҳиссаломнинг оналари Ҳожар бўлиб, бу муҳтарама аёлни Иброҳим алайҳиссаломга Миср ҳукмдори ҳадя қилгандилар. Мана шу аёлдан туғилган Исмоил алайҳиссаломнинг наслидан Ҳижоз араблари пайдо бўлди. Шунингдек, ҳаз-



рати Исмоил ўғиллари ичидан аднонийлар; аднонийлардан мударийлар; мударийлардан қурайшийлар; қурайшийлардан эса ҳошимийлар авлоди юзага келди. Бинобарин, сарвари олам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳошимийлардан эдилар.

* * *

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг шаклу шамойиллари ҳақида у зот билан бирга юрган, суҳбатларидан баҳраманд бўлган саҳобалар ҳамда хонадон аҳллари томонидан нақл қилинган ривоятларга диққат қилсак, у киши ўрта бўйли, йирик суякли, хушбичим бир тинсон бўлганлар. Терилари юмшоқ, вужудлари қизғиш-оқ, киприклари қора ва узун, кўзлари қора, икки қошларининг ораси очиқ, муборак соқоллари қалин, катта бошли, ҳилол қошли эдилар. Пешоналари баланд, бурунлари текис, кўкраклари кенг эди. Қоринлари билан кўкраклари бир текис эди. Семиз ҳам, ориқ ҳам эмасдилар. Тигиз этли эдилар. Қадамлари ясси эмас, чуқур эди. Кўзлари узоқни кўрар, қулоқлари узоқни эшитарди. Оғизлари катта бўлиб, тишлари зич жойлашганди. Юзларининг бутун чизиқлари кўринарди. Бўкалари этли, елка суяклари энли эди.

Хуллас, бошқа пайғамбарлар каби аъзолари соғлом ва мукаммал бўлган. Бироқ уларнинг (бошқа пайғамбарларнинг) энг гўзали эдилар. Гўзал юзли, гўзал вужудли эдилар.

Саҳобалардан ҳазрати Жобир айтадиларки: *«Пайғамбарнинг юзлари қуёш, ой янглиғ порлоқ эди. Моҳтобли бир кечада бир пайғамбаримизнинг муборак юзлари-*



га, бир ойга қарадим. Расулуллоҳнинг юзлари ойдан ҳам жозибали эди».

Икки елкаларининг ўртасида «Нубувват муҳри» бор эди. Бу «Нубувват муҳри» ёввойи каптар тухумидек бўлиб, қирмизи рангда бўлган.

Албатта, турли манбаларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қиёфалари ҳақида турли хил маълумотларни учратамиз. Ҳатто баъзи ўринларда бир-бирига зид бўлган тавсифларни ҳам ўқишимиз мумкин. Лекин шуниси аниқки, уларнинг ҳаммаси ҳам Пайғамбаримизнинг муборак вужудлари мутлақо мукаммал тарзда эканидан дарак беради.

* * *

Оиша онамизнинг гувоҳлик беришларича, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқлари Қуръон эди. У зотни болаликдан Аллоҳ таолонинг ўзи тарбиялади, бутун инсониятга намуна қилди. Хўш, у зот соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ахлоқий сифатлари нималардан иборат эди?

Фақат Аллоҳга таваккул қилардилар. Аллоҳга бўлган ишончлари ниҳоятда кучли эди. Бир газотдан қайтаётиб, ҳориганидан саҳобалар билан бир дарахт остида ухлаб қолишди. У ердан ўтаётган бир бадавий Пайғамбаримизнинг дарахтга осиглиқ турган қиличларини олиб, энди ҳужум қилмоқчи бўлиб турган эди, Расули акрам уйғониб қолдилар. Шунда бадавий:

— Энди сени менинг қўлимдан ким қутқаради?— деди хезланиб. Пайғамбаримиз эса ўта хотиржамлик билан жавоб берди:

— Аллоҳ қутқаради!



Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдаги бу хотиржамликни кўрган бадавийнинг қўлидаги қилич ерга тушиб кетди. Чунки ўлим қаршисида бу даражадаги хотиржам ва ишонч оддий бир инсоннинг қўлидан келадиган иш эмас эди.

Доимо Аллоҳнинг зикри билан машғул бўлардилар. Ухлаётганларида, уйғонаётганларида, ўтирганларида, тураётганларида, юраётганларида, овқат еяётганларида, сув ичаётганларида, кийимларини алмаштираётганларида, таҳорат олаётганларида, саёҳат қилаётганларида, уйларида чикаётганларида, масжидга бораётганларида фақат ва фақат Аллоҳни зикр этардилар. Азон овозини эшитар-эшитмас ҳамма нарсани унутиб масжидга шошилардилар. Гарчи кечаларни ибодат билан ўтказса-да, бомдод азонининг биринчи такбири айтилиши билан ўринларидан турардилар.

Ниҳоятда сабрли эдилар. Бориға қаноат қилардилар. Бир неча кунларни овқатсиз ўтказган вақтлари бўларди. Неча кунлаб қозонлари қайнамас, ойлаб уйларида чироқ ёнмасди. Бутун оилалари фақат хурмо ва сув билан кун кечирарди. Мусибатларга бардошли эди. Ҳатто Тоифда тошбўрон қилишиб, муборак кавушларини қонга тўлдирганларида ҳам ҳеч кимни дуойибад қилмадилар, аксинча бу қавмнинг иймонга келишини сўраб Аллоҳ таолога илтижо қилдилар.

Мутавозе ва камтарин эдилар. Дўстларга ҳурмат-эҳтироми чексиз бўлиб, бирор давранинг устига келсалар жой танламас, қаер бўш бўлса дарҳол ўтириб олар, бировларга қаратиб оёқларини узатмас эдилар. Асҳобнинг ёнига келсалар, ҳеч кимнинг ўзлари учун ўрни-



дан туришини истамасдилар. *«Ажамлар каби, ўринларингдан турманглар!»* дея ўзининг Аллоҳнинг бир қули эканликларини, ҳаммага ўхшаб еб-ичишликларини сўзларига илова этардилар.

У зот мақтовни ёқтирмасди. Бир куни кимдир Расули акрамга: *«Хожамиз, энг хайрлимиз»*, дея хитоб қилаётганини эшитиб, айтиларки: *«Эй, инсонлар, Аллоҳдан қўрқингиз! Шайтонга эргашмангиз! Мен Абдуллоҳнинг ўғли Муҳаммадман, холос. Аллоҳ мени пайғамбарлик билан шарафлантирди. Менга ортиқча эҳтиром кўрсатишингизни истамайман!»*

Адолат ва саховат соҳибни эдилар. Ҳаммага тенг муносабатда бўлардилар. У киши одамларнинг энг сазийси эди. Айниқса, Рамазон ойида у зотнинг саховати чексиз бўларди. Умрларида бирор бир тиланчини рад этган эмаслар. Ўзлари доимо: *«Мен тарқатгувчман, холос. Бергувчи Аллоҳдир!»* дер эдилар.

Хотинлар ва болаларга жуда нозик муносабатда бўлардилар. Болаларни жуда яхши кўрар эди. Ҳаёти давомида бирорга ҳам боланинг қалбини ўкситмагандилар. Ҳадисларидан бирида: *«Аллоҳ таоло аёллар билан яхши муомалада бўлишларингни хоҳлайди. Чунки улар оналаринг, қизларинг, холаларингдир»* дея марҳамат қиладилар.

Фақир мискинларга, ғариб ва бечораҳол инсонларга нисбатан шафқатли эдилар. Расули акрам солаллоҳу алайҳи васаллам энг оғир дамларда ҳам, ҳатто ўзлари оч бўлишларига қарамай, муҳтожларни тўйдирар эдилар. Бироқ шуни ҳам айтиш керакки, у киши тиланчилик қилишни хушламаганлар. Инсон ҳаётининг



давомийлиги учун ҳамиша меҳнат қилиши лозимлигини айтиб: «*Меҳнат қилиш биздан, муваффақият Аллоҳдандир*», дер эдилар. Ўзлари ҳам пайғамбарлик вазифалари билан бир қаторда ҳар қанақа ишни бажариб кетаверардилар. Уй юмушларида аёлларига ёрдам берардилар.

Юмшоқ табиатли ва кечиримли эдилар. Бировга кинадоват сақламасдилар. Маккалик мушриклардан интиқом олиш учун энг қулай фурсат келганда ҳам уларни афв қилдилар.

Ислом дини тарихидан маълумки, ҳижратдан сўнг Уҳуд тоғида мусулмонлар билан мушриклар ўртасида бўлиб ўтган уруш динимиздаги энг қайғули кунлардан бири сифатида эсланади. Чунки бу муҳорабада пайғамбаримизнинг энг яқин сафдошлари, хусусан, севикли амакилари Ҳамза розияллоҳу анҳу ўлдирилган эди. Мазкур урушда Ҳамза розияллоҳу анҳуни Абу Суфён исмли бир мушрик томонидан ёлланган Ваҳший исмли бир қул шаҳид этади.

Буни қарангки, орадан йиллар ўтиб, Ибн Аббос розияллоҳу анҳу ривоят қилишича, ўша Ваҳший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга Маккадан хат ёзади: “Мен мусулмон бўлишни хоҳлайман. Лекин сизга нозил қилинган мана бу оятлар мени ниятимдан қайтараяпти. Яъни, Фурқон сурасининг 68-оятисида марҳамат қилинмоқдаки:

وَالَّذِينَ لَا يَدْعُونَ مَعَ اللَّهِ إِلَهًا آخَرَ وَلَا يَقْتُلُونَ النَّفْسَ
الَّتِي حَرَّمَ اللَّهُ إِلَّا بِالْحَقِّ وَلَا يَزْنُونَ ۚ وَمَنْ يَفْعَلْ ذَلِكَ يَلْقَ أَثَامًا



“Улар Аллоҳ билан бирга бошқа бирон илоҳга илтижо қилмаслар ва Аллоҳ (ўлдиришни ҳаром қилган) бирон жонни ноҳақ ўлдирмаслар ҳамда зино қилмаслар. Ким мана шу гуноҳлардан биттасини қилса, уқубатга дучор бўлур”. Энди менга айтинг-чи, мен тавба қилсам кечириламанми? Ваҳоланки, мен оятда айтилган ҳар уччала гуноҳни ҳам қилганман”.

Шундан кейин Фурқон сурасининг 70- ояти нозил бўлди. Оятда марҳамат қилинадики:

إِلَّا مَنْ تَابَ وَآمَنَ وَعَمِلَ عَمَلًا صَالِحًا فَلَوْلَيْكَ يُبَدِّلُ

اللَّهُ سَيِّئَاتِهِمْ حَسَنَاتٍ وَكَانَ اللَّهُ غَفُورًا رَحِيمًا

“Магар ким тавба қилса ва иймон келтириб, яхши амаллар қилса бас, Аллоҳ ана ўшаларнинг ёмонлик — гуноҳларини яхшилик ва савобларга айлантириб қўюр”. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу оятларни Ваҳшийга ёзиб юборади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мактубини ўқиб Ваҳший яна ёзадики, бу оятда бир шарт бор экан. Бу шарт амали солиҳдир. Мен солиҳ амаллар қилишга қурбим етадими, йўқми, шуни билмай турибман. Шундан кейин Нисо сурасининг 48-ояти нозил бўлади. Унда марҳамат қилинадики:

إِنَّ اللَّهَ لَا يَغْفِرُ أَنْ يُشْرَكَ بِهِ وَيَغْفِرُ مَا كُنَ ذَلِكَ لِمَنْ يَشَاءُ

وَمَنْ يُشْرِكْ بِاللَّهِ فَقَدْ افْتَرَىٰ إِثْمًا عَظِيمًا



“Албатта, Аллоҳ Ўзига шерик қилинишни кечирмас, бундан бошқа гуноҳларни Ўзи хоҳлаган бандалар учун кечур”. Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам бу оятларни Ваҳшийга жавоб тариқасида ёзиб юборди. Бу муборақ жавобни ўқиган Ваҳший яна мактуб битади: “Бу оятда ҳам бир шарт бор экан. Билмайманки, Аллоҳ менинг гуноҳларимни кечадами, йўқми?” Мана шу орада Зумар сурасининг 53-ояти нозил бўлади. Ояти каримада марҳамат қилинадики:

قُلْ يٰعِبَادِىَ الَّذِيْنَ اَسْرَفُوْا عَلٰى اَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوْا

مِنْ رَّحْمَةِ اللّٰهِ اِنَّ اللّٰهَ يَغْفِرُ الذُّنُوْبَ جَمِيْعًا اِنَّهٗ هُوَ الْغَفُوْرُ الرَّحِيْمُ

“(Эй Муҳаммад), Менинг ўз жонларига жиноят қилган бандаларимга айтинг: “Аллоҳнинг раҳмат ва марҳаматидан ноумид бўлмангиз. Албатта Аллоҳ Ўзи хоҳлаган бандаларининг барча гуноҳларини мағфират қилур. Албатта Унинг Ўзигина Мағфиратли ва Меҳрибондир”. Ваҳший Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг навбатдаги хатидаги мана шу оятларни ўқигач, Мадинага йўл олади ва келиб мусулмон бўлади.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ваҳшийни афв қилди. Чунки Аллоҳ кечиримли ва мағфиратли зотдир. У киши эса Аллоҳ хулқи билан хулқлангандир...

Оиша розияллоҳу анҳодан ривоят қилинади: «Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам ўзлари учун интиқом олган эмаслар. Илло, Аллоҳ азза ва жалланинг хурмати поймол қилинсагина интиқом олардилар».

Қўпол ва хунук хатти-ҳаракатлар қилмасдилар. Жуда назокатли эдилар. Ҳеч кимга ёмон гап айтмаганлар, қўпол



муомала қилмаганлар. Бугун ҳаракатларида ва ишларида ўртачаликни танлардилар. Бирор жойга бормоқчи бўлсалар, ўнг-сўлга бурилмасдан, тўғри йўлдан борганлар. Юрганларида ёнларидагилар орқада қолиб кетар, ҳатто у кишига етиб олиш учун югуришга мажбур бўлишар экан.

Ҳазил-мутойиба қилсалар ҳам одоб доирасида, ҳақ ва рост сўз билан ҳазиллашар эдилар. Шунингдек, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам баҳслашишни, тортишишни ёқтирмасдилар, керагидан ортиқча гапирмасдилар, ўзларига алоқадор бўлмаган ишларга аралашмасдилар.

Бировни ёмонлаб гапирмас, ҳеч қачон ҳеч кимнинг гийбатини қилмасдилар. Бировни ҳақоратламас, бошқаларнинг сирларини билишга ҳаракат қилмас эдилар.

Ҳеч қачон тўғрилиқдан, ростгўйликдан ажралмагандилар ва ҳеч қачон ёлғон гапирмаган эдилар. Пайғамбаримиз ёлғондан, ёлғончилардан нафратланарди. Ҳадиси шарифларининг бирида *«Гапларнинг ёмони бу — ёлғончилик, ёлғонни ҳазил билан ҳам, жиддий ҳам гапириб бўлмайди. Ота ўз болаларига бир нарсани ваъда қилиб, кейин уни бажармай қўймасин. Ростгўйлик эзгуликка бошлайди, эзгулик эса жаннатга. Ёлғончилик ёвузликка бошлайди, ёвузлик эса жаҳаннамга. Ростгўй одам чин сўзи билан бориб-бориб Тангри ҳузурида сиддиқ (сўзида содиқ) деб ёзиб қўйилади. Ёлғончи ҳам бориб-бориб унинг ҳузурида каззоб (ёлғончи) деб ёзиб қўйилади»* деб марҳамат қилганлар.

Меҳмондўст эдилар. Уйларига келган меҳмонларга ўзлари хизмат қилардилар. *«Қавмнинг энг азизи, ўз қавмига хизмат қилганидир»* дея марҳамат қилганлар.




Дабдабаю ҳашаматдан қочар эдилар. Содда ҳаёт кечирардилар. Оддийгина кийиниб, ғоят оддий таом еганлар. Одатда, кўпчилик тортинадиган, истиҳола қиладиган фақирликдан у киши фахр этганлар. Шунинг учун ҳам «Алфақру фахрий» (фақирлик фахримдир) дея марҳамат қилганлар. Кийимларига ўзлари ямоқ солар, бошмоқларини ўзлари тикар, қўл тегирмони ила ун тортар эдилар.

Жуда пок эдилар. «Поклик иймондандир» дердилар. Кийимларининг тозалигига ниҳоятда катта аҳамият берардилар. Оғизни бадбўй қиладиган нарсаларни хушламасдилар. Овқатдан олдин ҳам, кейин ҳам қўлларини ювар, оғизларини чаяр эдилар. Тиш тозалаётганларида доимо мисвок ишлатганлар. Вужудларини тоза тутар, соч-соқолларини ювар, хуш бўйлардан фойдаланардилар. Пайғамбаримиз овқатни «Бисмиллоҳ»сиз бошламас, Аллоҳга ҳамд ва шукрона айтмасдан дастурхондан туриб кетмас эдилар.

Жасур ва қўрқмас, қахрамонликда тенгсиз эдилар. Душманлардан ҳеч қачон қўрққан эмаслар. Ҳаётларига қарши суиқасд уюштирилаётган бир пайтда Ул зоти муборак кечаю кундуз Макка кўчаларида қўрқмасдан кезиб юрдилар. Мусулмонларга Мадинага ҳижрат қилишлари учун изн берганлари ҳолда, ўзлари Маккада, душманлар орасида якка-ёлғиз қолдилар. Ҳижрат асносида, Расули акрамни гопиш, Қурайш ваъда қилган катта мукофотни олиш учун Савр ғори олдида қўрқинчли қароқчилар кезиб юрган бир пайтда, ҳамроҳи ҳазрати Абу Бакрнинг безовталанганини кўриб: «Қўрқманг, Аллоҳ биз билан бирга!» дедилар.

Ҳаётлари жуда тартибли эди. Вақтларини интизом



билан ўтказардилар, исроф этмасдилар. Кундузлари зиёратчиларни қабул қилар, рўзғор ишларига қарашар эдилар. Кечалари кам ухлаб, кўпинча ибодат билан машғул бўлардилар.

Ниҳоятда закий эдилар. Бир куни Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламни зиёрат этишга келган кишилардан бири:

— Аллоҳ ва сизнинг хоҳлаганингиз бўлади!—деди.

Бу гапни эшитган Пайғамбаримиз дарров танбех бердилар:

— *Сен Аллоҳга шерик қўшяпсан! Ёлғиз Аллоҳнинг хоҳлагани бўлади, дегин!*

Хато ва камчиликларни кечирар, ҳеч кимнинг айб ва қусурларини юзига солмасдилар. Ҳазрати Пайғамбар ҳеч кимни қойимаганлар, бирор мусулмоннинг номини тилга олиб лаънатламаганлар, аёлга, хизматчига, жория ёки қулга ёхуд ҳайвонга озор етказмаганлар, ҳеч бир кимсанинг шариатга мувофиқ илтимосини рад этмаганлар.

Ҳаммага салом берардилар. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мўъжизаларидан бири у кишига ҳеч ким биринчи бўлиб салом беролмаган.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам ана шундай **улуғ хулқ** устида эдилар. Аллоҳ таоло ҳаммамизга у зотнинг суннатларига эргашиш ва шафоатларига ноил бўлишдек саодатни насиб этсин.

Алимардон ҲАЙИТОВ.

*Пайғамбаримиз
соллаллоҳу алайҳи васаллам-
га душман бўлган айрим кимса-
лар ҳам баъзида у зотнинг тилла-
ридан Куръони карим тиловатини
эшитгач, ҳайратдан ўзларини йўқотиб
қўйишарди. Ҳатто айримлари Куръон
тиловатини эшитиб иймон келтирдилар.*

** * **

*Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб кел-
ган таълимот ҳеч бир кимсани жинсига, ирқига
ёки қабиласига қараб табақага ажратмади. Бу эса
диннинг тез тарқалишига ва тарафдорларининг
кўпайишига катта таъсир кўрсатди.*

** * **

*Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Ис-
ломни кенг ёйишда ҳаж мавсумидан унумли фой-
даланганлар. Бошқа юртлардан келган зи-
ёратчиларга тавҳид илмидан дарс бериб,
Ислом билан яқиндан таништирганлар.
Хусусан, мадиналиклар билан алоқа
ўрнатилиш ҳам айнан ҳаж мавсуми-
дан бошланган эди.*



ИЛОҲИЙ ДАЪВАТ УСУЛЛАРИ

Аллоҳ таоло инсониятни тўғри йўлга бошлаш учун вақти-вақти билан ер юзига Ўз элчиларини юборар экан, бу пайғамбарлар зиммаларига юкланган вазифани ўз қавмининг ақлу идрокидан, руҳиятидан келиб чиқиб адо этганлар. Шунинг учун ҳам бизга таниш пайғамбарларнинг ҳар бирида ўзига хос хусусиятларни кўрамиз. Аммо инсониятга сўнгги ҳақ динни олиб келган пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳаёти ва фаолиятига назар солсак, бошқа илоҳий Китоб соҳиблари — пайғамбарлардан кескин фарқ қилишига амин бўламиз. Аввало, Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам муайян бир қавмга ёки ҳудудга элчи қилиб юборилмади. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун инсониятга ҳақ йўлни кўрсатиш масъулиятини олиб, уни шараф билан адо этдилар. Хўш, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бу муваффақиятга қандай эришдилар?

Даставвал шуни айтиш керакки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг инсониятга тақдим этган энг улуг мўъжизаларидан бири Қуръони каримдир. У зот мана шу Китоб воситасида инсонлар қалбини даволаганлар. Қуръони каримни кишиларга етказишда уч хил усулдан фойдаланилган.



1. Далилий ва ақлий усул. Айнан мана шу усулдан «Калом» ва «Фалсафа» илмлари вужудга келган.

2. Ирфоний усул. Яъни, тингловчининг шуурига жозибадор сўз билан таъсир этиш усули. Қуръони каримдаги 300 дан ортиқ оятлар «ирфоний» хусусиятга эга. Шунинг учун ҳам Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламга душман бўлган айрим кимсалар ҳам баъзида у зотнинг тилларидан Қуръони карим тиловатини эшитгач, ҳайратдан ўзларини йўқотиб қўйишарди. Ҳатто айримлари Қуръон тиловатини эшитиб иймон келтирдилар. Бу ҳол бугунги бизнинг кунларимизгача давом этиб келмоқда. Қолаверса, Аттормнинг «Тазкира»си, Хожа Абдуллоҳнинг «Рисола»си, «Мангикут-тайр» ва бошқа ўлмас асарлар ҳам мана шу усулнинг меваларидир.

3. Санъат усули. Бу — Қуръони каримнинг энг муҳим мўъжизавий хусусиятларидан бири ҳисобланади. Китобдаги 1500 га яқин оят, тўғрироғи, Қуръон оятларининг тўртдан бир қисми пайғамбарлар қиссалардан иборат. Оятларда зикр этилган 70 дан ортиқ қиссаларнинг 27 таси пайғамбарлар хусусида ҳикоя қиладди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам кишиларни Қуръонга жалб қилишда мана шу усулдан кўпроқ фойдаланганлар.

Бундан ташқари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динни тарғиб қилишдаги усуллари билан тингловчилар билан мантиқ юзасидан баҳсга киришишлари эди.

Бир куни бир киши келиб Пайғамбаримизга савол бердилар:



— Бу дунё ҳамиша ҳаракатдадир. Агар сиз пайғамбарликка юборилмаганингизда нима бўлар эди?

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам у кишининг саволига савол билан жавоб бердилар:

— Сиз нима иш билан шуғулланасиз?

— Мен чўпонман, — деди у киши.

— Ер юзида ўт топилмайдими ёки қўйлар ўзлари қоринларини тўйғиза олмайдиларми, сиз нега уларнинг орқасидан юрибсиз? — деди Пайғамбаримиз.

Чўпон айтди:

— Уларни бўри еб кетмаслиги учун қараб юрибман.


Шунда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам айтдиларки:

— Аллоҳ таоло ҳам бандаларни замона бўрилари-дан асраш учун пайғамбарларни юборади.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг жавобини эшитган чўпоннинг юзида табассум пайдо бўлди.

Муқаддас Ислом динининг оламшумул чақириқларидан яна бири инсонлар тенглиги ва мукаррамлигидир. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган таълимот ҳеч бир кимсани жинсига, ирқига ёки қабиласига қараб табақага ажратмади. Бу эса диннинг тез тарқалишига ва тарафдорларининг кўпайишига катта таъсир кўрсатди. Ҳатто Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳузурларига бир неча Қурайш зодагонлари ва оқсоқоллари келдилар.

— Биз сенинг сўзларингга қулоқ тутишга тайёرمىз. Аммо атрофингни ўраб олган қулларга бўлган муносабатингга қаршимиз, — дейишди улар. — Биз сенинг олдингга келишимизнинг бойси шуки, бизлар учун



алоҳида мажлис тузасан, токи ундан камбағаллар хабар топишмасинлар.

Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам бу шартга рози бўлдилар. Бироқ шунда “Қаҳф” сурасининг 28-29-оятлари нозил бўлди:

وَأَصْبِرْ نَفْسَكَ مَعَ الَّذِينَ يَدْعُونَ رَبَّهُمْ بِالْغَلْوَةِ وَالْعِيشِي يُرِيلُونَ
وَجَهَّهُ^ط وَلَا تَعْدُ عَيْنَاكَ عَنْهُمْ تُرِيدُ زِينَةَ الدُّنْيَا وَلَا تُطِغْ مَنْ
أَغْفَلْنَا قَلْبَهُ عَنْ دِكْرِنَا وَاتَّبَعَ هَوْنَهُ وَكَانَ أَمْرُهُ فُرْطًا وَقُلِ الْحَقُّ مِنْ
رَبِّكُمْ^ط فَمَنْ شَاءَ فَلْيُؤْمِنْ وَمَنْ شَاءَ فَلْيُكْفُرْ إِنَّا أَعْتَدْنَا لِلظَّالِمِينَ نَارًا
أَحَاطَ بِهُمْ سُرَادِقُهَا وَإِنْ يَسْتَغِيثُوا يُغَاثُوا بِمَاءٍ كَالْمُهْلِ يَشْوِي الْوُجُوهَ
بِئْسَ الشَّرَابُ وَسَاءَتْ مُرْتَفَقًا

«Сиз ўзингизни эртаю кеч Парвардигорининг юзини — розилигини истаб, Унга илтижо қиладиган зотлар билан бирга тутинг! Кўзларингиз ҳаёти дунё зийнатларини кўзлаб, улардан ўтиб (ўзга аҳли дунёларга боқмасин)! Ва Биз қалбини Бизни зикр этишдан гофил қилиб қўйган, ҳавойи нафсига эргашган ва қилар иши исрофгарчилик бўлган кимсаларга итоат этманг!

Айтинг: “(Бу Куръон) Парвардигорингиз томонидан (келган) Ҳақиқатдир. Бас, хоҳлаган киши иймон келгирсин, хоҳлаган кимса кофир бўлсин”. Аниқки, Биз золим — кофирлар учун алангалари дўзахиларни ўраб-чирмаб оладиган дўзахни тайёрлаб қўйгандирмиз. Агар улар (ташналик шиддатига чидай олмай) сув сўрасалар, эритилган (доғланган) ёғ каби юзларини куйдир-



гувчи сув берилур. Нақадар ёмон ичимлик у, нақадар ёмон жой у!”.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг динни ташвиқ этишдаги яна бир хусусияти у зотнинг муборақ хутбалари эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам ҳар вақт Сафо тоғи тепасига чиқиб қурайш аҳлини чорлаб, йиғилганларга ажиб бир балоғат билан ваъз айтардилар: «Шу пайтгача мендан бирор ёлғон сўз эшитганмисиз?» Йиғилганлар бир овоздан: «Йўқ, сендан чин сўздан бошқа бирор нарса эшитмаганмиз», дея эътироф этардилар. Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар мана шу тоғнинг ортида бир қўшин бор десам, менинг гапимни тасдиқлайсизларми», деб сўрардилар. Қурайшийлар: «Албатта, бизнинг сенга гумонимиз йўқ, шу пайтгача сендан бирор ёлғон эшитмаганмиз», дейишарди. Шунда Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам: «Агар шундай бўлса билиб қўйинг, мен аламли азобдан огоҳлантирувчиман! Ҳақиқатан ҳам Аллоҳ менга ўзимга яқин бўлган қабила ва қавмни огоҳлантиришимни буюрган. Мен дунё ва охиратда сизларнинг бирор нарсангизга эғалик қилмоқчи эмасман. Мен учун сизларнинг “ЛА ИЛАҲА ИЛЛАЛЛОҲ” деб айтишларингиз кифоядир», дердилар.

Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Исломни кенг ёйишда ҳаж мавсумидан унумли фойдаланганлар. Бошқа юртлардан келган зиёратчиларга тавҳид илмидан дарс бериб, Ислом билан яқиндан таништирганлар. Хусусан, мадиналиклар билан алоқа ўрнатиш ҳам айнан ҳаж мавсумидан бошланган эди.

Бундан ташқари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи



васалламнинг динни тарғиб этишдаги маданий воситаларидан бири муборак мактублар эди. Жумладан, у зот Эрон шоҳи Хусрав Парвизни, Ҳабашистон подшоҳи Наҷжошийни махсус мактублар воситасида Ислом динидан огоҳ қилди ва тавҳидга асосланган бу муборак динга даъват этди. Бунӣ қарангки, ҳозирги кунда ҳам жаҳон мамлакатлари раҳбарлари муҳим сиёсий масалаларни ҳал этишда бундай усулдан кенг фойдаланмоқдалар.

Дарҳақиқат, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар бир иши, ҳаёт тарзи, шунингдек, бошқаларга ўз фикрини тушунтириш услуби ҳам сизу биз умматларга ибрат мактабидир.

Ҳусайн Обидиний





*Маккаликлар Хадича она-
мизни "Тоҳира" деб чақиришар-
ди. Чунки у ўзининг покизалиги би-
лан одамларнинг ҳурматини қозонган
аёл эди. У қирқ ёшга етганда тақдири
илоҳий билан Расули акрамнинг (с.а.в.) энг
биринчи аёли бўлиш шарафига муяссар бўлди.
Бу пайтда Пайғамбаримиз навқирон 25 ёшларида
эди. Улар мана шу муборақ никоҳ билан 25 йил бирга
яшаб, олти нафар фарзанд кўрдилар.*

** * **

*Расулуллоҳнинг (с.а.в.) кўп уйланганликлари ма-
саласини айрим тарихчилар, хусусан, ғарб олимла-
ри нотўғри талқин қиладилар. Уларнинг фикрича,
Пайғамбар (с.а.в.) хотинларга ўч бўлган экан. Бу
туҳматдан бошқа нарса эмас. Ахир у зот уйлан-
ган хотинларнинг аксарияти ёши ўтиб қол-
ган, айримларининг тўртта-бештадан
етим боласи бор аёллар эди. Бу иш-
ларнинг ўзига хос ҳикмати ва са-
баблари бор.*



ОЛТИН ҲАЛҚА

(Аҳли байтлари ва халифалари)

Биз инсонларнинг энг хайрлиси бўлган пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламни ҳақиқий мўмин сифатида яхши кўрамыз ва у зот яхши кўрганларни ҳам севамыз, ардоқлаймиз. Чунки Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муҳаббатига муносиб бўлганларнинг мақоми ҳам биз орзу қиладиган юксаклардир. Шояд У кунда Пайғамбаримиз ўзи яхши кўрган кишиларига бўлган ҳурматимиз, эътиборимиз ва муҳаббатимиз сабабли бизларни ҳам буюк шафоатига муносиб кўрса! Шояд шу муҳаббатимиз бизларни қутқарса, юксаклантирса! Демак, мана шу умид билан у зотнинг аҳли байти, яъни, оила аъзолари — муборак завжалари, фарзандлари ва набиралари ҳақида ўрганмоққа киришамиз...

Ҳазрати Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжоти мутоҳҳара (покиза хотинлари)нинг сони баъзи манбаларда 11 нафар, айримларида эса 14 нафар бўлгани таъкидланади. Аммо кўпчилик уламолар мўминлар оналарининг адади ўн битта бўлганликларини эътироф этишган.

1. Хадича бинти Хувайлид (розияллоҳу анҳо) — Макканинг бадавлат савдогарлари қаторидаги аёл эди. Хадича онамиз муборак никоҳга киргунларига қадар



икки маротаба турмуш қурган бўлсалар-да, улар узоқ давом этмаган.

Маккаликлар Хадича онамизни “Тоҳира” деб чақиришарди. Чунки у ўзининг покизалиги билан одамларнинг ҳурматини қозонган аёл эди. У қирқ ёшга етганда тақдири илоҳийнинг лутфи билан Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг энг биринчи аёли бўлиш шарафига муяссар бўлди. Бу пайтда Пайғамбаримиз навқирон 25 ёшларида эди. Улар мана шу муборақ никоҳ билан 25 йил бирга яшаб, олти нафар фарзанд кўрдилар. Улар:

Қосим — Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг тўнғич фарзандлари бўлиб, рисолатдан аввал дунёга келган ва гўдаклик вақтидаёқ оламдан ўтган. Шунинг учун у зотнинг кунялари ўғилларига нисбатан “Абулқосим” бўлган.

Зайнаб (р.а.) — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг катта қизлари бўлган. У Абул Осс ибн Робий исмли бир кишига турмушга чиққан. Рисолат бошлангач, Зайнаб иймон келтириб мусулмон бўлади. Эри эса иймон келтирмайди ва мушрикларнинг газъиқи билан хотинидан ажрашади. Натижада Зайнаб ҳомиладор ҳолида Мадинага ҳижрат қиладилар. Аммо кейинчалик Абул Осс Робий ҳам иймон келтириб Мадинага келади ва уларнинг никоҳлари қайта тикланади. Бу никоҳдан Али ва Умома исмли икки фарзанд дунёга келган. Афсуски, Али ёшлигида оламдан ўтади. Умома эса вояга етиб уйланади ва бир фарзанд кўриб, у ҳам вафот этади. Зайнаб онамизнинг ўзи эса ҳижратнинг 8-йили Мадинада вафот этганлар.



Руқаййа (р.а.) — Рисолат келмасидан аввал Абу Лаҳабнинг ўғли Утбага унаштирилган эди. “Масад” сураси нозил бўлгач, уларнинг ўртасидаги келишув бузилади. Кейинчалик Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Руқаййани ҳазрати Усмонга (р.а.) берадилар. Бу никоҳдан Абдуллоҳ исмли фарзанд туғилиб, болалигида нобуд бўлган. Кўп ўтмай Руқаййа онамизнинг ўзи ҳам хасталикка чалиниб вафот этадилар.

Умму Кулсум (р.а.) — ҳам рисолатдан илгари Абу Лаҳабнинг яна бир ўғли Утайбага унаштирилган эди. У ҳам опаси каби мушрик хонадонда яшашни истамади. Мадинага ҳижрат қилди. Иккинчи ҳижрий санада опаси Руқаййа вафотидан сўнг Усмонга (р.а.) никоҳланди.

Умму Кулсум онамиз ҳижратнинг 9-йили вафот этган. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг мана шу икки қизига уйлангани учун ҳазрати Усмон розияллоҳу анҳу “Зуннурайн”, яъни, “икки нур соҳиби” деган улугъ шарафга ноил бўлган.

Фотима (р.а.) — ҳазрати Пайғамбаримизнинг кичик қизлари бўлиб, нубувватдан аввалроқ ёки дастлабки йилларида туғилганлар. Фотима онамиз кўплаб муҳим ҳодисаларда иштирок этган. Шунинг учун ҳам унинг исломият тарихидаги ўрни алоҳидадир. Мусулмон халқлари орасида “Фотиматуз-Заҳро”, “Биби Фотима” номи билан ниҳоятда машҳур бўлиб кетган. Ҳатто, XIV аср туркий халқлар ёзма ёдгорлиги бўлган “Наҳжул-фародис” асарининг 2-бобидаги 5-фасл Фотима онамизга бағишланган. Ушбу фасл “*Фотима жаннат аҳли аёлларининг саййидасидир*” ҳадиси билан очи-



лади ва бу зоти шарифа ҳақида бошқа ҳадислар ва асосли ривоятлар келтирилади.

Фотима онамиз ҳижратнинг иккинчи йили Ҳазрати Алига (р.а.) никоҳландилар. Бу хайрли никоҳдан кейинчалик пайғамбар наслини давом эттирган фарзандлар (саййидлар) — Ҳасан, Ҳусайн, Зайнаб, Умму Кулсумлар дунёга келган.

Фотима онамиз ҳижратнинг 11-йили рамазон ойининг учинчи кунда, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг вафотидан олти ой ўтиб, боқий дунёга сафар қилганлар.

Абдуллоҳ (Тоҳир, Тоййиб) — гўдаклигидаёқ вафот этган.

Хадича онамиз Пайғамбаримиз билан бир ёстикқа бош қўйиб, мана шу фарзандларга оналик қилиш баробарида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга илк иймон келтирган аёл ва ҳаётда муносиб суянчиқ бўлдилар. Шунинг учун ҳам у зот онамизнинг вафотларидан сўнг уни кўп бора эслаганлари ва бошқа аёлларига ибрат қилиб кўрсатганликлари ривоят қилинади.

Хадича (р.а.) ҳижратдан уч йил аввал Рамазон ойида (65 ёшида) вафот этган. Муборак қабрлари Ҳажундадир.

Исломиятга ўз моли ва ҳаёти билан эзгу хизматлар қилган бу шарафли аёлга Аллоҳнинг раҳматлари бўлсин!

2. Савда бинти Замъа (розияллоҳу анҳо) — Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланган иккинчи аёлдир. У зот Хадича онамиз билан яшаш давомида бошқа ҳеч бир аёлга уйланмаган эдилар. Хадича она-



миз вафот этгач, оила ғамгинлик ичида қолди ва болалар тарбияси билан шуғулланадиган укувли бир аёлга эҳтиёж пайдо бўлди. Натижада мана шу масъулиятли ва шарафли вазифа Савда онамизнинг чекига тушди.

Савда онамизнинг ёши катта бўлиб, рисолатнинг илк йилларида Ҳабашистонга ҳижрат қилган фидойи муслималардан бири эди. Унинг эри вафот этиб, бир этак етим болалари билан қолганди. Шундоқ бўлсада, Пайғамбармиз бутун умматларига ибрат улароқ олти нафар етим болали мана шу аёлни паноҳига олдилар.

Савда онамиз Умар (р.а.) халифалик даврида оламдан ўтганлар.

3. Оиша бинти Абу Бакр ас-Сиддиқ (розияллоҳу анҳо) — Ислом оламидаги муҳтарама зотларнинг энг аввалида шубҳасиз Оиша онамизнинг номи зикр этилади. Чунки ул муҳтарама Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам учун энг сеvimли рафиқа бўлганлар. Набий алайҳиссалом Оиша онамизни эркалаб, «Йа Аъиш» деб чақирар эканлар. Пайғамбаримиз учун сеvimли бўлган зотлар унинг умматлари учун ҳам сеvimлидир. Қолаверса, Оиша онамиз билан боғлиқ ояти карималар ҳам нозил бўлганки, бу улуғ ҳодиса ҳам ул муҳтараманинг Аллоҳ ҳузаридаги мартабасидан нишонадир. Оиша онамизнинг ўзидан шундай ҳадис ривоят қилинади: «Расулуллоҳ алайҳиссалом менга: *«Эй Оиша, Жаброил сенга салом келтирди»*, дедилар». (Бухорий ривояти). Жаброил алайҳиссаломдек улуғ малакнинг саломига муносиб бўлиш саодати ҳар кимга ҳам насиб этавермайди.

Қолаверса, ҳазрати Оиша (р.а.) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳар икки дунёдаги дўсти,



халифаси Абу Бакр Сиддиқ розияллоху анхунинг қизидир. Бу улуғ зот эса ислом оламига тенгсиз хизматлари билан дунё ва охиратнинг яхшиликларига сазовор бўлган инсондир.

Оиша онамиз мужтаҳид саҳобий олимлар қаторида туради. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам ҳадисларини ёд олган катта саҳобалар билан солиштирилганда, ҳадис ёд олиш ва ривоят қилиш жиҳатидан бешинчи ўринда туради. Чунончи Абу Ҳурайра, ибн Умар, Анас ибн Молик ва ибн Аббос розияллоху анхумлардан кейин энг кўп ҳадис ривоят қилган киши ҳазрати Оишадир. Оиша онамизнинг ҳадис ривоят қилишларида ҳам бошқаларга нисбатан устунлик бор. Яъни, у Набий алайҳиссаломдан бевосита ёлғиз ўзи ривоятлар келтиради. Бошқа саҳобалар эса кўпгина ҳадисларни бир-бирларидан ривоят қилишган. Биз Оиша онамиз шарофати билан Пайғамбаримиз суннатларининг катта қисмини, хусусан, у кишининг уйларидаги феълий суннатларини ўрганамиз.

Дарвоқе, мусулмон оламида ана шундай буюк мақом соҳиби Оиша онамиз Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламга никоҳланган пайтларида тўққиз ёшда эдилар. Улар мана шу муборак никоҳ билан ўн йил, яъни Пайғамбаримизнинг вафотларига қадар бирга яшадилар.

Бу шарифа зот ҳижратнинг 50-санасида (Баъзи манбаларда бу сана ҳижратнинг 56-санасида, айримларида эса 58-санасида, деб ҳам кўрсатилган) Мадинада вафот этганлар. Муборак қабрлари “Бақеъ” қабристонидадир.



4. Зайнаб бинти Хузайма (розияллоху анҳо) — Бу муҳтарама онамиз дин йўлидаги фидокорликлари учун ўз вақтида “Уммул-масокин” (мискинларнинг онаси) деган номга соҳиба бўлган машҳур аёл эдилар. У Бадр уруши иштирокчиси сифатида яна бир шарафга сазовор. Зайнаб онамизнинг аввалги эри айнан мана шу урушда шахид бўлиб, бева қолган эдилар. Шундан сўнг онамизни Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам никоҳларига олдилар. Аммо Зайнаб (р.а.) бу муборак никоҳдан кўп ўтмай (2 ёки 3 йил) вафот этдилар. Қабри “Бақеъ” қабристонидадир.

5. Ҳафса бинти Умар (розияллоху анҳо) — Расули акрам соллаллоху алайҳи васалламнинг гўзал ва закий аёлларидан бири эди. Ҳафса онамиз ҳар жиҳатдан юксак шараф соҳибаси, Умар ибн ал-Хаттоб розияллоху анҳунинг қизидир.

Ҳазрати Умар (р.а.) Набий акрам соллаллоху алайҳи васаллам жанобимизнинг энг яхши кўрган инсонлари рўйхатининг аввалида туради. У зот Жанобимиз томонидан: *«Аллоҳим, бу динни Умар ибн Хаттоб билан азиз эт»* дея махсус дуо билан сўралган инсондир. Бундай дуо фақат улўф ва адолатли халифа Ҳазрати Умар (р.а.) учун қилинган. Пайғамбаримиз соллаллоху алайҳи васаллам томонидан *«Форўқ»* (ҳақни ботилдан ажратадиган) лақаби берилган ва *«Улўф Аллоҳ ҳақиқат ва адолатни Умарнинг тилига ёпиштирган»* дея мақталган зотдир.

Ҳафса онамизнинг аввалги эри Бадр жангида шахид бўлгач, уни Пайғамбаримиз ўз никоҳларига олдилар. Бу пайтда Ҳафса онамиз 20 ёшда эди. Оиша



(р.а.) Ҳафса онамиз ҳақида: “Расулуллоҳнинг аёллари ичида фақат угина мен билан тенглаша оларди”, деганлар.

Бу онамиз ҳижратнинг 45-йилида вафот этган.

6. Зайнаб бинти Жаҳш (розияллоҳу анҳо) — олий-насаб, гўзал аёл бўлиб, дастлаб Зайд ибн Ҳорисга (р.а.) турмушга чиққан эди. Аммо ўртадаги насаб фарқи ва ўзаро келишмовчиликлар туфайли бу никоҳ бузилади. Бир мунча фурсат ўтгач, Аллоҳнинг иродаси билан Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васаллам уни никоҳларига оладилар. Бу ҳақда Қуръони карим ва ҳадиси шарифда махсус хабарлар бор.

Пайғамбаримизнинг вафотларидан кейин у зотнинг аёллари ичида биринчи бўлиб, 53 ёшида Зайнаб онамиз вафот этдилар. Ўшанда тарихнинг ҳижрий 21-санаи эди.

7. Умму Салама Ҳинд бинти Умаййа ал-Махзумия (розияллоҳу анҳо) — илк иймон келтирган муслималардан бири бўлиб, аввалги эри Абдуллоҳ ибн Абулад билан Ҳабашистонга ҳижрат қилган шарафли зотлардандир. Умму Салама онамиз эри Уҳуд жангида шаҳид бўлгач, тўрт боласи билан бева қолди. Кўп ўтмай Пайғамбаримизнинг таклифига кўра, у кишининг муборақ никоҳига кирдилар.

Шу ўринда айтиб ўтишимиз керакки, Умму Салама онамиз дастлаб Пайғамбаримизнинг таклифларига ёши ўтиб қолганини, ўта рашкчилигини, бунинг устига тўрт нафар етим боласи борлигини айтиб узр сўраганлар. Аммо саховат ва олийжанобликда тенгсиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам етимларни тарбияламоқ-



чи эканликларини, ёшнинг муҳим эмаслигини, рашик кўтарилиши учун эса дуо қилишларини айтадилар. Шундан кейин Умму Салама онамиз рози бўлади.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аёллари ичида Умму Салама онамиз энг узоқ умр кўрганлар. Манбаларда келтирилишича, ҳижрий 63 йилда, яъни, ҳазрати Ҳусайннинг (р.а.) шаҳид этилганини эшитиб қайғунинг зўридан ўзидан кетиб қолади ва шундан кейин узоқ яшай олмайдилар.

8. Жувайрия бинти Ҳорис (розияллоҳу анҳо) — Бани Мусталиқ қабиласининг раиси Ҳориснинг қизи бўлиб, буюк газотлардан бирида асирга тушади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уни ўз никоҳларига олишлари билан бутун Мусталиқ қабиласининг асирлари ҳам озод қилиниб, улар исломни қабул қиладилар. Шунинг учун ҳам ҳазрати Оиша (р.а.): *“Ўз қавмига Жувайриядан ҳам фойдали бўлган бирор аёлни кўрмадим”*, — деганлари ривоят қилинган.

Жувайрия онамиз ҳижратнинг 56-санасида вафот этганлар.

9. София бинти Ҳуяй ибн Ахтоб (розияллоҳу анҳо) — Бани Назир яҳудлари раисининг қизи эди. Хайбар қалъасининг фатҳида бу аёл асир олинади. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам бу асирга иккита таклиф айтадилар. Таклифга кўра, у хоҳласа озод бўлиб Пайғамбаримизнинг никоҳларида қолиши, агар истамаса ўз қавмига кетиши мумкин эди. Бироқ София онамиз бошига кўнган бахт қушини ўз қўллари билан учириб юборишни истамасди. Натижада улуғ оналаримиз қаторидан жой олди.



Бу онамиз ҳижратнинг 50 ёки 52-йилида вафот этган. Қабрлари “Бақъ”дадир.

10. Умму Ҳабиба Рамла бинти Абу Суфён (розияллоху анҳо) — Абу Суфённинг қизи бўлиб, Пайғамбаримизнинг уни никоҳларига олишлари Абу Суфённинг душманчилигига олийжаноб жавоблардан бири эди. Рамла онамиз дастлабки эри Убайдуллоҳ ибн Жаҳш билан Ҳабашистонга ҳижрат қилганлар. Бироқ мусофирчиликда Убайдуллоҳ насронийликка қайтади ва вафот топади. Шундан сўнг Расули акрам соллаллоху алайҳи васаллам Ҳабашистон подшоши Нажшошийни вакил қилиб Рамлани ўз никоҳига оладилар. Рамла онамиз аввалги эридан Ҳабиба исмли қиз кўргани учун “Умму Ҳабиба” деб аталган.

Умму Ҳабиба онамиз ҳижратнинг 44 ёки 49-сана-сида вафот этган.

11. Маймуна бинти Ҳорис ал-Ҳилулия (розияллоху анҳо) — Пайғамбаримизнинг энг сўнг никоҳларига олган аёлларидир. Асл исми Барра бўлиб, кейинчалик Маймуна деб ўзгартирганлар. Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васаллам Маккага қазо умраси учун борганларида бу мушфиқа ўзини у кишига бағишлаган. Пайғамбаримиз ҳазрати Аббоснинг (р.а.) тавсияларига кўра унга уйланганлар. Ўшанда аввалги эридан бева қолган Маймуна (р.а.) 50 ёшда эканлар. Бу онамиз ҳам энг тақводор ва силаи раҳмни кўп қиладиганлардан эдилар.

Ҳижратнинг 63-йили вафот этган.

Юқорида санаб ўтилган оналаримиздан София (р.а.) Бани Исроил қавмидан, Хадича, Савда, Оиша, Ҳафса, Умму Салама ва Умму Ҳабиба розияллоху анҳолар



Қурайшдан, қолганлари эса бошқа араб қабилаларидан эдилар.

Бундан ташқари яна баъзи манбаларда Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг Мория бинти Шамбун ал-Қибтия, Райҳона бинти Зайд ал-Қурайзия ва Зуллайхо исмли жориялари ҳам бўлганлиги таъкидланади. Миср подшоси Муқавқисдан ҳадя сифатида жўнатилган Мория Иброҳим исмли ўғил тукқач, Расули акрам соллаллоҳу алайҳи васалламнинг завжалари қаторига қўшилганлиги ҳақида ҳам айтилади. Бироқ Иброҳим икки ёшга етмасдан вафот этади. Пайғамбаримиз у ҳақда қайғу билан кўзларига ёш олиб: *“Эй Иброҳим! Сенинг фироқинг бизларни маҳзун қилди!”*, деганлар.

Ўрни келганда шуни ҳам айтишимиз лозимки, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўп уйланганликлари масаласини айрим тарихчилар, хусусан, ғарб олимлари нотўғри талқин қиладилар. Уларнинг фикрича, Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам хотинларга ўч бўлган гўё. Мисол учун, Вашингтон Ирвинг (1990 йил Москвада чоп этилган) *“Жизнь Магомета”* номли китобида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг инсоният олдидаги хизматларини эътироф эта туриб, пайғамбардаги кўпхотинлик моҳиятини тушунмайди. Масалан, ўзининг асранди ўғли Зайд ибн Ҳорис розияллоҳу анҳунинг собиқ хотини Зайнабнинг гўзаллигини кўриб қолиб унга хушомад қилибди. Шунинг учун Зайд хотинини талоқ қилган экан.


Бу Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламга туҳматдан бошқа нарса эмас. Бунақа тарихчиларга ҳам-фикр бўлмоқдек мусибатдан Аллоҳ таоло паноҳида



асрасин! Ахир Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам уйланган хотинларнинг аксарияти ёши ўтиб қолган, айримларининг тўртта-бештадан етим боласи бор аёллар эди. У зот соллаллоҳу алайҳи васаллам фақатгина Оиша онамизни бокиралигида никоҳига олганлар. Қолаверса, у киши Хадича онамиз билан 25 йил бирга яшаб, умрининг навқирон йилларини мана шу аёл билан ўтказганлар. Бироқ бу йиллар давомида Хадича онамизнинг устига бошқа хотин олмаганлар. Хадича онамиз вафот этганларида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам 50 ёшда эди. Шундан кейин у киши Савда онамизга уйланганлар. Савда онамизга совчи юборганларида бу аёл аллақачон эллик ёшдан ошган, бунинг устига бир этак етим болалари ҳам бор эди.

Энди инсоф билан айтинг-чи, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламдек зотга агар уйланаман деса Маккада кимлар қизини бермасди?! Не-не ожизалар Пайғамбар аёли бўлишдек бахтни орзу қилмаганлар! У зот эса ҳаётидаги ҳар бир ишни илоҳий имдод билан амалга оширдилар.

Уламоларимиз Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг кўп уйланишлари замиридаги сабабларни, ҳикматларни очиб берганлар. У зотнинг ҳар бир уйланишлари таълим-тарбия, шарият қонунларини жорий қилиш, ижтимоий-сиёсий масалалар билан боғлиқ экани эътироф этилган. Оддий бир мисол: Жувайрия онамиз Бани Мусталиқ қабиласининг раиси Ҳориснинг қизи эди. Ҳазотлардан бирида асирга тушиб, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга никоҳлангач,



бутун Мусталиқ қабиласининг асирлари озод бўлиб, ўзлари Исломни қабул қилдилар. Мана, оддий бир никоҳнинг ҳикмати, шарофати!

* * *

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг севиқли бобоси Абдулмуталлибнинг ўн нафар ўғли бор эди. Улар: Ҳорис, Абу Толиб, Абдуллоҳ, Зубайр, Абдулкаъба, Ғайдоқ, Зирор, Абу Лаҳаб, Ҳамза ва Аббослар эди. Бу ака-укалардан Абу Толиб, Абдуллоҳ, Зубайр ва Абдулкаъба бир онадан эдилар.

Ислом тарихида Пайғамбаримиз амакиларининг ҳам алоҳида ўрни бор. Гарчи Абу Лаҳаб диннинг ашаддий душмани бўлган бўлса-да, Абу Толиб рисолатнинг аввалида Пайғамбаримиздан ёрдамни аямаганлар. Ҳамза билан Аббос розияллоҳу анҳуларнинг фидокорликларини эса мусулмон уммати то қиёматгача эътироф этадилар.

Аббос розияллоҳу анҳу Зирор билан бир онадан тутилган бўлиб, Пайғамбаримиздан 2-3 ёшгина катта эди, холос. Маккадалигида мусулмон бўлса-да, иймонини ошқор этмай, Макка фатҳ бўлгач, мусулмонлигини ошқор қилган. Бу зот узоқ яшаб, ҳижратнинг 33-йили 88 ёшида Мадинада вафот этган.

Аббоснинг (р.а.) ўғиллари: Фазл ва Абдуллоҳ розияллоҳу анҳулар улуғ саҳобалардан эди. Айниқса, Абдуллоҳ (р.а.) олим зот бўлиб, кейинчалик Тоифга сургун қилинган ва ҳижратнинг 68-йили 74 ёшида вафот этган. Энг муҳими, тарих саҳнасида “аббосийлар” номи билан чиққан халифаларнинг катта бобо-



си ҳам шу зотдир. Қусам (р.а.) бизнинг юртларда машҳур саҳоба бўлиб, Самарқандда шаҳодат топган. Муборак қабрлари “Шоҳи Зинда” мақбарасидадир. Ўрта Осиёга тарқалган кўп саййид авлодлари мана шу зотга боғланадилар.

Булардан ташқари Аббоснинг (р.а.) Убайдуллоҳ, Абдурраҳмон, Муъаббад, Ҳорис, Касир, Авий ва Таммом исмли ўғиллари ҳам бўлган. Унинг Умму Кулсум исмли қизи эса ҳазрати Ҳасан розияллоҳу анҳунинг аёли бўлганлар. Бу зот шаҳид бўлганларидан сўнг Умму Кулсум машҳур Абу Мусо Ашъарий ҳазратларининг никоҳига ўтганлар.

Пайғамбаримизнинг Отика, Умайма, Байзо, Барра, София ва Урва исмли аммалари бўлган. Улардан София (р.а.) исломга кириб, Мадинага ҳижрат қилганликлари ҳақида аниқ маълумотлар бор. Бироқ, Урва, Отика ва Умайманинг иймон келтирган-келтирмаганликлари ҳақида ихтилофлар мавжуд. Бошқа аммалари эса рисолатгача вафот топганлар.

* * *

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг “Хулафои рошидин” сифатида фаолият юргизган тўрт улуғ саҳобаси номи ва хизматлари ҳақида кўплаб асарлар битилган. Улар ҳар бир мўъмин учун сидқу вафо, эзгулик, адолат, ҳаё ва шижоат тимсоли бўлган зотлардир.

1. Абу Бакр ас-Сиддиқ (р.а.) — Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламдан икки ёш кичик эди. У зот вафот этганидан сўнг Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу



анҳу икки йилдан ортиқроқ, яъни, ҳижрий 11-13, милодий 632-634 йилларда халифа ўлароқ давлатни бошқарди. Бу улуғ зотнинг Ислом динининг тарқалиши ва қарор топиши учун кўрсатган хизматлари, қилган фидокорликлари, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга нисбатан чексиз ҳурмату муҳаббати то қиёматгача биз умматларга ибратдир.

2. Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) — Абу Бакр (р.а.) вафотидан сўнг халифа сифатида сайланган вақтида 52 ёшда эди. У зот ўн йилдан ортиқроқ адолат билан давлатни бошқарди. (Ҳижрий 13-23, милодий 634-644 йиллар). Умар ибн ал-Хаттоб (р.а.) Ислом тарихида адолат тимсоли сифатида намоён бўлди. Унинг даврида мамлакат сарҳадлари кенгайди, давлат бойида ва куч-қувватга тўлди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга ҳаётлик чоғида қандай муҳаббатли бўлса, у киши вафотидан кейин ҳам шундай садоқат ва меҳр билан умрини ўтказди.

3. Усмон ибн Аффон (р.а.) — ҳазрати Умар (р.а.) шаҳид бўлгач, давлат тепасига халифа сифатида сайланди. У ўн икки йилга яқин мамлакатни бошқарди. (Ҳижрий 23-35, милодий 644-656 йиллар). Бу зотнинг халифалик даврида янги-янги фатҳлар рўй берди. Куръони карим илк бора китоб ҳолига келтирилди.

Усмон (р.а.) ҳам муқаддас дин йўлида молу жонини аямаган улуғ зот эдилар. У ҳижратнинг 35-санасида, зулҳижжа ойининг 18-куни “Мусҳафи Усмоний” тиловати устида шаҳид бўлди.

4. Али ибн Абу Толиб (р.а.) — Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам томонидан “*илм шахрининг эшиги*” дея таърифланган, душманлар қалбига қўрқув солган,



дўстлар кўнглини тоғдай юксалтирган, фазлу карамда генгсиз зот эдилар. Ҳазрати Али Усмон (р.а.) шаҳид этилгач, халифа сифатида сайланган. Унинг давлат бошқаруви йилларида мамлакат яна кенгайди ва равнақ топди. (Ҳижрий 35–40, милодий 566–661 йиллар).

Алининг (р.а.) халифа бўлишларидан аввал ҳам дин учун хизмати нечоғлик катта бўлган бўлса, бундан кейин ҳам кўп улуг ишларни амалга оширдилар. Афсуски, бу зот ҳам айрим жоҳил кимсалар томонидан уюштирилган суиқасд қурбони бўлди. Кўфада бомдод намози чоғида заҳарланган қилич билан орқасига урилган зарбдан оғир яраланиб, шаҳид бўлди. Бу билан у киши шаҳид этилган учинчи халифа бўлди.

Бу воқеадан сўнг ул зотнинг катта ўғли Ҳасан (р.а.) халифаликка сайланди. Бироқ атиги етти ойгина давлатни бошқарган Ҳасан ибн Али (р.а.) айрим фитналарнинг, хунрезликларнинг олдини олиш мақсадида ўз ихтиёри билан халифаликни тарк этди. Шу тариқа, Расулуллоҳ халифалари даври ниҳоясига етди.

Шуни ҳам айтиш керакки, саҳобалар орасида ҳам Пайғамбаримизга беқиёс хизматлари сабабли маълум даражада аҳли байтга яқинлашиб қолган кишилар бор эди. Мисол учун, баъзи бир манбаларда Анас ибн Молик, Абдуллоҳ ибн Масъуд, Муайқиб Давсий, Уқба ибн Омир, Билол Ҳабаший, Абу Зар Гифорий розияллоху анҳуларнинг номлари Расулуллоҳ соллаллоху алайҳи васалламнинг ходимлари сифатида эътироф этилган. Бу улуг зотлар ўзларининг хизматларини беминнат адо этганлар. Масалан, Абдуллоҳ ибн Масъуд (р.а.) Пайғамбаримизнинг ҳассала-



ри ва мисвокларига қараганлар. Қаерга борсалар у зотнинг кавушларини олиб, чиқаётганларида оёқларига тўғрилаб қўяр эканлар. Ҳазрати Билол (р.а.) Пайғамбаримизнинг хос муаззинлари бўлганлар.

Дарҳақиқат, биз бугун фахри коинот жанобимиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг аҳли байти, фарзандлари, халифа ва ходимларининг ҳаётларига бирров назар ташлар эканмиз, уларнинг ҳар бирида сизу бизга тенгсиз ибратлар борлигини кўрамиз. Аллоҳ таоло бу зотларга раҳматларини беадад ёғдириб, охиратда бизларга шафоатчи қилсин!

Отабек ЖҶРАБОЕВ,
филология фанлари номзоди.

Манбалар:

- Buyuk islam tarihi. 1-cilt. *H. Muhammed devri*. — Istanbul, 1992;
Buyuk islam tarihi. 2-cilt. *Hulefairaidin ve emeviyler*. — Istanbul, 1992;
Аш-шайх Муҳаммад ал-Хузарий. *Нурул-яқин фий сийрати саййидал-мурсалин маъа Итмомул-вафо*. Мовароуннаҳр, 1413-1992;
Оиша Абдурраҳмон. *Нисаун-набиййи*. — Қоҳира (санасиз).
Наҳжул-фародис. *Türk dil kurumu yayınları*: 518;
Алихонтўра Соғуний. *Тарихи Муҳаммадий*. — Тошкент: Шарқ, 2004;
Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф. Ҳадис ва Ҳаёт. 19-жуз. *Нубувват ва рисолат китоби*. — Тошкент: Шарқ, 2006;
Раҳматуллоҳ қори Обидов. *Пайғамбарлар тарихи исломият тарихидир*. 2-китоб. — Тошкент: Мовароуннаҳр, 2005;
Ризоуддин ибн Фахриддин. *Муҳаммад пайғамбар тарихи*. — Тошкент: Ёзувчи, 1993;
В.Ирвинг. *Жизнь Магомета*. — Москва, 1990.

Кўнгиللاردан илму
маърифат, оқибату офият
кўтарилган, ҳақ билан ботилнинг
мезонлари бузилиб кетган бир пай-
тда инсониятнинг энг улуғи Муҳам-
мад (с.а.в.) мана оламшумул бир таъ-
лимотни эълон қилди. Шунинг учун ҳам
инсоният то қиёматгача хотимул анбиё,
саидул мурсалин Муҳаммад Мустафо (с.а.в.) қоши-
да ҳар доим қарздордирлар.

* * *

Бугун дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида
муслмон бўлмаган одамлар яшайдилар. Бироқ бу мам-
лакатлар ҳар қанча ривожланган бўлмасин, кундан-кун-
га муаммолар гирдобига шўнғиб бормоқда. Нима учун?
Сабаби: кишиларнинг қалбини муолажа қиладиган со-
елом эътиқоднинг йўқлиги, тавҳиднинг йўқолганидир.

* * *

Бугун психология олимлари ҳар қандай беморга энг
яхши муолажа "эртанги кунга ишонч ҳисси"
эканини таъкидлар экан, бу нуқтаи назар
муборак Исломотидан кўчирма
эканини биладиларми? Билмасалар бил-
синларки, бундан ўн тўрт аср бурун
Муҳаммад (с.а.в.) бутун инсони-
ятни мана шу йўл билан даво-
лаган эдилар.



ҲАҚИҚАТ ТАЪЛИМОТИ

Ёхуд хотима ўрнида

Дунё машҳурларидан бири Лев Толстой ёзади: “Яхшиям қуён ботир эмас, агар у ботир бўлганида ер юзида қуён қолмасди”. Дарҳақиқат, қуён қўрқув билан тирик. Қуённинг тириклигини мана шу оний қўрқувгина муҳофаза қилиб туради. Қўрқув — қуён учун яратганнинг олий неъматини!

Буни қарангки, теранроқ ўйлаб кўрсак, инсонни ҳам инсоний мезонда тутиб турувчи куч — қўрқувдир! Яъни, Аллоҳдан қўрқиш ҳисси! Мозийга бирров назар ташланг: инсоният қўлбола илоҳларга сифинган пайтларида қанчалар тубанлашди. Аллоҳдан қўрқмайдиган замонларда ҳақсизлик ва умидсизлик гирдобидида қолди. Уни инкор қиладиган тузумларда бошига не-не шўриш савдолар ёғилди. Шунинг учун ҳам пайғамбаримиз Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам бир муборак ҳадисларида марҳамат қилдиларки: “Ҳикматнинг боши қўрқувдир”.

Меҳрибон Аллоҳ инсоннинг ер юзида яшашини ирода этганидан сўнг одамларни ёмонликка жазо, яхшилиikka мукофот борлигидан огоҳлантириш учун вақти-вақти билан Ўз элчиларини юбориб турди. Инсонлар ичидан танлаб олинган бу хослар ўз замон ва маконига муносиб, қавмининг ақлу фаросатига лойиқ



шаръий ҳукмларни жорий қилдилар. Қўлларидан келганича Аллоҳ таолонинг буйруқларини одамларга етказиб, уларни яхшиликка даъват этдилар. Вақт ўтиши билан бу илоҳий ҳукмлар бирин-кетин маънодан узилиб, бир-бирини тўлғазиб, соддаликдан мураккаблик томон силжиб бораверди. Таъбир жоиз бўлса, Аллоҳ таоло инсониятни чақалоқликдан то камолот ёшигача ўзига хос тарзда тарбиялаб борди. Ва ниҳоят, Аллоҳ таоло улғайган инсониятга ривожланиб бораётган ижтимоий ҳаётнинг барча талабларига жавоб берадиган, то қиёматгача дастуриламал бўладиган ва айни пайтгача жорий этилган илоҳий динларни ўз ичига олган бир динни тақдим этди. Бу — муқаддас Ислом дини эди.

Бу илоҳий дин пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам тимсолида намоён бўлди. Аллоҳ таоло бу пайғамбарни ва у зот келтирган шаръий тўпламни маълум бир қавмларга, халқларга ёки арабларнинг ўзигагина жўнатмади. Муҳаммад алайҳиссалом бутун оламларга раҳмат бўлиб келди.

وَمَا أَرْسَلْنَاكَ إِلَّا رَحْمَةً لِّلْعَالَمِينَ

“(Эй Муҳаммад), дарҳақиқат Биз сизни барча оламларга фақат раҳмат (яъни Аллоҳнинг раҳмати-жаниятга етакловчи) қилиб юбордик” (Анбиё сураси, 107-оят).

Бу улуғ зот Аллоҳ таолодан Ислом шариатини жорий этиш ҳақидаги буйруқни олганларида дунё зулмат ва ҳақсизлик ботқоғига ботиб ётган эди. Одамиятнинг ақлу идрокини ларзага солган бу таълимот қайсидир халқ ўзидан чиққан шоҳга сажда қилаётган, бошқа



бири оташга сиғинаётган, яна кимдир ўзи ясаган бутларга илоҳ деб топинаётган бир пайтда майдонга келди. Кўнгиллардан илму маърифат, оқибату офият кўтарилган, ҳақ билан ботилнинг мезонлари бузилиб кетган бир пайтда инсониятнинг энг улуғи Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам мана шу оламшумул таълимотни эълон қилди. Шунинг учун ҳам инсоният то қиёматгача хотимул анбиё, саййидул мурсалин Муҳаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васаллам қошида ҳар доим қарздордирлар.

Инсоният бу буюк зот қаршисида нега қарздор бўлмасин, ахир у зот жонсиз санамларга, оташларга, осмонларга сиғиниб, ўзининг кимлигини унутиб қўйган одамзодга покиза тавҳид ақидасидан дарс берди. Одамлар бу муборак дарсни тингламасларидан илгари инсоний туйғулардан мосуво эдилар. Улар ўзларининг кимлигини, нима учун яшаётганини билмаганлари туфайли жоҳил ва шафқатсиз эдилар.

...Ҳали Рисолат келмаган, дунёни зулмат пардалари қоплаган ана шу рутубатли кунларнинг бири эди. Бир ота олти ёшлар чамасидаги қизчасини олиб Маккадан ташқарига йўл олди. Улар анча йўл босиб, хилват бир жойга келдилар. Ота елкасидан белкурагини олди-да чуқур қазий бошлади.

— Нима қилаяпсиз, отажон? Нега қазияпсиз бу чуқурни? — деб эндигина тили бийрон бўлган қизчаси отанинг атрофида гирдикапалак бўларди.

— Сени шу ерга кўмаман, — деди ота қизалоққа.

Шўрлик қизчанинг ранги оқариб кетди. Лекин отасининг кўмишига ишонмади. Ахир қандоқ ишонсин,



у отажонини яхши кўради-ку! Бироқ шундай бўлса-да, қизалоқнинг митти юраги бир шумликни сезгандек бўлди.

— Отажон мени ўлдирманг, — деди у йиғлаб. Сўнгра ортига қараб юра бошлади. Шу пайт чуқурни қазиб бўлган ота югуриб келиб қизининг қўлидан тутди. У қизалоқни судраб келди-да, чуқурга улоқтирди. Сўнгра шошиб-пишиб қизчанинг устига тупроқ торта бошлади.

— Отажон, мени кўмманг, мен сизни яхши кўрман, мени ўлдирманг, мени ўлдирманг!

Қизчанинг бу нолаю афғонлари отани аҳдидан қайтаролмади. Ахир қавмининг ичида бинойидай обрўси бор кишининг уйида қиз боланинг ўсиши иснод эмасми? Мана шу ақида отанинг юрагини тошга айлантирган эди. Бечора қизча охирги марта “отажон”, деб чинқирди-ю овози бошқа эшитилмади.

Биласизми, мана шу шафқатсиз ота ким эди? Бу — Ислом оламидаги энг улуг зотлардан бири Ҳазрати Умар эди! Дунёга Ислом қуёши чиқмаган замонларда Ҳазрати Умардек зотлар ҳам ана шундай ҳаёт тарзида яшардилар. Жоҳилликлари ва илмсизликларидан турли хурофотларга берилиб, ўз жигарларини ўлдириш билан ҳам фахрланар эдилар. Ислом дини келиб, Ҳазрати Умар ҳидоятга ноил бўлган кунларнинг бирида ўз қизчасини қандай қилиб тириклайин кўмганини Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васалламга гапириб берадилар. Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам Умардан бу қайғули ҳикояни эшитиб йиғлаганидан муборак соқоллари ҳўл бўлиб кетиб: “Эй Умар, агар ислом келмасидан аввалги гуноҳлар учун



жазо йўқлиги айтилмаганида, мен сени жазолардим”, деган эканлар.

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам тақдим этган тавҳид таълимоти инсонларга инсоний мақомини қайтариб берди.

Эътибор қилсангиз, бугун дунёнинг энг ривожланган мамлакатларида мусулмон бўлмаган одамлар яшайдилар. Бироқ бу мамлакатлар ҳар қанча ривожланган бўлмасин, кундан-кунга муаммолар гирдобига шўнғиб бормоқда. Бу жамиятларда наркомания, фаҳшият, ваҳшийлик йилдан-йилга оммавийлашиб бораётгани кузатилмоқда. Нима учун? Сабаби: кишиларнинг қалбини муолажа қиладиган соғлом эътиқоднинг йўқлиги, тавҳиднинг йўқолганидир.

Сўнгги йилларда бу ҳақиқатни ғарбликларнинг ўзлари ҳам билиб-билмай тан олмоқдалар. Яқинда америкalik машҳур олим Майк Харт “Инсоният тарихининг юзта энг буюк шахслари” номли китобини чоп эттирди. Номидан ҳам кўриниб турибдики, бу асарда инсониятнинг юз нафар буюк намоёндаси ҳақида сўз боради. Ушбу рўйхатнинг бошида пайғамбаримиз Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак исмлари қайд этилган. Нега Майк Харт ўз китобида таълимотлари Европа ва Америкада жуда машҳур бўлган Будда ёки Конфуцийни пайғамбаримиздан кейинги ўринларга қўйди? Унинг фикрича, Муҳаммад алайҳиссалом инсоният тарихида нафақат янги дин, янги таълимотга, балки янги-ча давлат тузумига ҳам асос солдики, бу ҳол у зотнинг мутлақо ўзига хос салоҳиятидан дарак беради.

Дарҳақиқат, шунинг учун ҳам пайғамбаримиз шах-



сияти ва таълимоти айни пайтда ҳам дунё олимлари томонидан катта қизиқиш билан ўрганилмоқда. Майли, улар ўргансинлар. Шояд, қуруқ саҳродангина иборат бўлган бир маконда пайдо бўлган дин, ҳаққи рост бўлгани туфайли дунёни забт этганини англасалар, тан олсалар.

Инсоният бу буюк зот қаршисида нега қарздор бўлмасин, ахир у зот инсониятни умидсизлик ва тушкунлик ботқоғидан тортиб олди. Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам одамларга тавба эшикларини кўрсатмагунларича улар ўзлари тўқиб олган чўпчакларга ишониб ёхуд айрим бузуқ динларнинг ақидалари таъсирида умидсизликка берилган эдилар. Улар ҳатто кийимларимиз билан Каъбани зиёрат қилолмаймиз, чунки бу кийимларнинг ичида гуноҳ ишларни қилганмиз, деган ақида билан “Аллоҳнинг уйи”ни қип-яланғоч ҳолда тавоф қилардилар. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган таълимот кишилар кўнглида ўлиб бораётган умидворлик ҳиссини тирилтирди.

Бугун психология олимлари ҳар қандай беморга энг яхши муолажа “эртанги кунга ишонч ҳисси” эканини таъкидлар экан, бу нуқтаи назар муборак Ислом таълимотидан кўчирма эканини биладиларми? Билмасалар билсинларки, бундан ўн тўрт аср бурун Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам бутун инсониятни мана шу йўл билан даволаган эдилар. Олам бир беморхона эди. Тушкунлик ва ноумидлик эпидемияси одамларни қарахт қилиб қўйганди. Шунда Ул буюк халоскор Аллоҳ таоло тарафидан инсонлар кўнглига малҳам ўлароқ хушхабар келтирди:

قُلْ يَبْعَادَى الَّذِينَ اسْتَرْفَوْا عَلَى أَنْفُسِهِمْ لَا تَقْنَطُوا مِنْ رَحْمَةِ اللَّهِ

إِنَّ اللَّهَ يَغْفِرُ الذُّنُوبَ جَمِيعًا إِنَّهُ هُوَ الْغَفُورُ الرَّحِيمُ

«Сен менинг тарафимдан: «Эй ўз жонларига исроф (жабр) қилган бандаларим, Аллоҳнинг раҳматидан ноумид бўлманг! Албатта, Аллоҳ барча гуноҳларни мағфират этар. Албатта, унинг Ўзи ўта мағфиратли ва ўта раҳмли зотдир», деб айт» (Зумар сураси, 53-оят).

Инсоният бу буюк зот қаршисида нега қарздор бўлмасин, ахир у зот турли халқлар, миллатлар, ирқлар аро бўлиши мумкин бўлган энг катта ихтилофнинг олдини олди. Яъни, Ул зот соллаллоҳу алайҳи васаллам инсонларга Аллоҳ таоло тарафидан муҳим бир муждани айтди:

يَا أَيُّهَا النَّاسُ إِنَّا خَلَقْنَاكُمْ مِنْ ذَكَرٍ وَأُنْثَى وَجَعَلْنَاكُمْ

شُعُوبًا وَقَبَائِلَ لِتَعَارَفُوا إِنَّ أَكْرَمَكُمْ عِنْدَ اللَّهِ أَتْقَاكُمْ

إِنَّ اللَّهَ عَلِيمٌ خَبِيرٌ

“Эй инсонлар, дарҳақиқат Биз сизларни бир эркак (Одам) ва аёл (Хавво)дан яратдик ҳамда бир-бирларингиз билан ўзаро танишишингиз учун турли халқлар ва қабила-лар қилиб қўйдик. Албатта, сизларнинг Аллоҳ наздидаги энг ҳурматлигиз энг тақводорингиздир. Албатта, Аллоҳ билгувчи ва огоҳ зотдир” (Хужурот сураси, 13-оят).

Бугун халқлар аро тинч-тотувликни, илму маърифат, маданият алмашинувини муайян бир мезонга солиб ту-



риш учун турли хил муассасалар, марказлар фаолият юритмоқда. Лекин улар бу муассасаларининг низоми Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олиб келган таълимотдан кўчирма эканини биладиларми? Билмасалар билсинларки, Ислом дини ҳеч бир инсонни миллати, ирқи, жинсига биноан табақага ажратмайди. Унинг буюк хитобларидан бири тинчлик ва биродарликдир!

Бугун инсоннинг ҳуқуқи ва ҳуррияти энг олий қадрият экани ҳақида огиз кўпиртираётганлар мусулмон оламида бу қадрият бундан ўн тўрт аср бурун ҳаётгий мезонга айланганини биладиларми? Билмасалар билсинларки, Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган таълимотнинг асосида инсон манфаатлари, инсон ҳақлари, инсоний ҳақиқатлар мужассамланган.

Инсоният бу буюк зот қаршисида нега қарздор бўлмасин, ахир у зот инсониятга унинг улуғлиги илму маърифат билан ўлчанишини англатди. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган таълимот ҳар бир эркак ва аёлга илм олмоқни фарз қилди. Бу даъват инсоннинг ўзини англаш йўлидаги инқилобий ҳаракати эди. Бугунги дунё илм-фанининг тараққиёти айнан мана шу даъватнинг натижасидир. Чунки бу оламшумул эълондан сўнг Ислом оламида илм олмоққа рағбат уйғонди. Айниқса, китобат ишлари авж олиб кетди. Бу ҳақда Доктор Густав ле Бон бундай деб ёзади: «Ҳали оврупаликлар китоб нима, кутубхона нима эканини билмаган бир пайтда жуда кўп Ислом мамлакатларида китоб ва кутубхоналарнинг саноғи йўқ эди».

Маълумотларга қараганда ўша пайтларда биргина мусулмонлар қўл остидаги Испанияда йилига етмиш



мингдан саксон минг жилдгача китоб чоп қилинар экан. Бағдоддаги Хорун ар-Рашид томонидан қурдирилган «Байт ул-ҳикма», Андалусиядаги «Ал-ҳикма» кутубхоналари ҳақида ўқимаган зиёли бўлмаса керак. Мўғул истилочилари Боғдодни босиб олгач, кутубхоналардаги барча китобларни Дажла дарёсига улоқтиргани, натижада китобларнинг бўёғи сувга чиқиб дарё бир неча ой тим қора бўлиб оққани ҳақида ким ўқимаган дейсиз. Мусулмонлар устига салб юришлари пайтида миллионлаб нусхада ўғирлаб кетилган китоблар ҳақида кўпчилик билсалар керак.

Бугун бу тарихий ҳақиқатлар устида мушоҳада қилар экансан, айнан мусулмон ўлкаларида ўтказилган “да-рахт”, ўзгалар боғида мева берганига амин бўласан. Лекин улар бу ҳақиқатни тан олармикинлар?!

Эҳтимол тан олмаслар, лекин шуниси аниқки, одамзод бундан кейин то қиёматгача Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам келтирган маърифатдан-да ҳаётийроқ, хайрлироқ, адолатлироқ таълимотни тополмаяжак.

Бугунги замон тараққиётдан баҳраманд бўлаётган инсоният улуг пайғамбар Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам олдида шунчалик қарздор экан, сизу биз мусулмонлар у зотнинг олдида яна-да масъулиятлироқмиз. Бу масъулият Ул зотга, соллаллоҳу алайҳи васаллам муносиб уммат бўлмоқдир. Муносиб бўлиш эса амал билан тасдиқланади. Энди айтинг-чи, биз қандай умматмиз?

Бир куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васалламнинг озод қилган қуллари Савбон розияллоҳу анҳу юзлари қизариб, титраб кириб келдилар. Унинг бу ҳолатини кўрган Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Эй Савбон, сенга нима бўлди, бетобмисан?” деб сўрадилар. Шунда Савбон (р.а.) жавоб бердиларки: “Бетоб эмасман, аммо озгина вақт сизни кўрмай қолсам, даҳшатга тушаяпман. Ҳозиргина охиратни эсладим. Шубҳасиз сиз жаннатда пайғамбарлар билан бирга бўласиз. Мен эса гарчи Аллоҳ раҳматига ноил бўлиб жаннатга кирсам ҳам сиз билан бўлолмайман. Ахир сизнинг мақомингиз юксак. Агар жаннатга киролмасам, сизни ҳеч қачон кўра олмайман. Шунини ўйлаб, титраб кетаяпман”, дедилар.

Пайғамбар алайҳиссалом боқий дунёга рихлат этган кунларнинг бирида бир аёл келиб, Оиша онамиздан Пайғамбаримизнинг соллаллоҳу алайҳи васаллам қабрларини кўрсатишларини илтимос қилибди. Оиша онамиз муборак қабрни кўрсатганларида, у аёл қабр ёнига борибди-да, изтиробнинг зўридан жон таслим қилибди.

Машҳур Билол Ҳабаший (р.а.) Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам вафотларидан кейин азон айтолмай қолибдилар. Ҳар сафар “Ашҳаду анна Муҳаммадур Расулуллоҳ” дейишлари билан ҳушдан кетаверар эканлар.

Ҳижрат асносида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам билан Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу Савр тоғидаги бир ғорга бориб яшириниб, у ерда уч кечаю уч кундуз жон сақлашди. Шу кунларнинг бирида Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам Абу Бакрнинг (р.а.) тиззаларига муборак бошларини қўйиб ухлаб қолдилар. Аллоҳ таолонинг имтиҳонини кўринг: шу пайт Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳунинг оёғидан

чаён чақиб олди. Бироқ у зот қимир этмадилар. Тишини-тишига қўйиб чидадилар. Ахир оддий бир чаёнинг чақиши шундай улуг зотнинг оромини бузишга арзирмикин? Аммо ҳар қанча уринмасин, оғриқнинг зўридан кўзларидан дувиллаб ёш оқа бошлади. Бу садоқат ёшлари Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг муборак юзларига томди. Шунда у зот соллаллоҳу алайҳи васаллам уйғониб кетдилар.

— Сизга нима бўлди, эй Абу Бакр? — дедилар.

— Оёғимдан чаён чақиб олди. Сизнинг уйқунгиз бузилмасин деб жим ўтирган эдим, — дедилар Абу Бакр Сиддиқ розияллоҳу анҳу ҳижолатомуз.

Пайғамбаримиз чаён чаққан жойга муборак тупукларини суриб қўйдилар. Оғриқ шу онда тўхтади.

Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббат мана шундай самимий ва рост бўлади! Зеро, Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи ва саллам айтдилар: “Аллоҳга қасамки, мени ота-онангиз, фарзандларингиз ва молу дунёларингиздан ҳам яхшироқ кўрмагунларингизча, ҳақиқий мўмин бўла олмайсизлар”.

Демак, бирдан-бир вазифамиз қалбимизда Аллоҳ ва Расулига бўлган муҳаббат ҳиссини шакллантирмоғимиз, ҳаётимизни буюк Ислом таълимоти асосида қурмоғимиздир. Бу йўлда Ўзи мададкор бўлсин!

Алишер НАЗАР,
журналист



«САОДАТ АСРИ»НИНГ МУҲИМ САНАЛАРИ

1. Милодий 571 йил, рабиъул-аввал ойининг ўн иккинчи санаси, душанба куни Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам дунёга келдилар.

2. Расулulloҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам 6 ёшга тўлганларида оналари Омина, 8 ёшида эса бобоси Абдулмутталиб вафот этди.

3. Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васаллам 25 ёшида Маккада улуғ хулқи билан "Тоҳира" лақабини олган Хадича Хувайлид қизига уйландилар.

4. Муҳаммад соллаллоҳу алайҳи васаллам 40 ёшга тўлганларида, яъни, милодий 610 йилнинг Рамазон ойида ilk ваҳий нозил бўлди.

5. Пайғамбарликнинг бешинчи йилида Ҳабашистонга Ислom йўлидаги биринчи ҳижрат бўлди. Ҳижрат соҳиблари аёл-эркак бўлиб 13 киши эдилар.

6. Пайғамбарликнинг олтинчи йилида Ҳабашистонга иккинчи ҳижрат бўлди. Ҳижрат қилганлар болалардан ташқари саксон уч киши эди.



7. *Пайғамбарликнинг ўнинчи йилида Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васалламнинг амакиси Абу Толиб вафот этди.*

8. *Пайғамбарликнинг ўн иккинчи йилида: Меърож воқеаси содир бўлди; мусулмонларга намоз фарз бўлди.*

9. *Милодий 622 йил, рабиъул-аввал ойининг ўн иккинчи санаси, душанба куни Пайғамбаримиз соллаллоҳу алайҳи васаллам Маккадан Мадинага ҳижрат қилдилар.*

10. *Ҳижратнинг биринчи йилида: Масжиди Набавия қурилди; намозларда Азон айтиш эжрий қилинди; Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Оиша розийяллоҳу анҳога уйландилар.*

11. *Ҳижратнинг иккинчи йилида: қибла Қуддусдаги Масжиди Ақсодан Маккаи мукаррамадаги Каъбаи муаззамага қаратиб ўзгартирилди; жиҳод фарз қилинди; мусулмонлар билан Макка муширлари ўртасида илк Бадр уруши бўлди; рўза ва закот фарз қилинди; Пайғамбар соллаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Руқайя розияллоҳу анҳу вафот этди; Ҳазрати Али билан Фотима онамизнинг никоҳлари бўлди.*

12. *Ҳижратнинг учинчи йилида: Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам Ҳафса ва Зайнаб оналаримизга уйландилар; Ислом тарихидаги машҳум Уҳуд уруши бўлди ва унда Ҳамза розияллоҳу анҳу ўлдирилди.*



13. *Ҳижратнинг тўртинчи йилида: маст қилувчи ичимликлар ҳаром қилинди; Пайғамбаримиз Умму Салама онамизга уйландилар.*

14. *Ҳижратнинг бешинчи йилида: Давматул жандал, Бани Мусталиқ, Хандақ, Бани Қурайза ғазотлари бўлди; Пайғамбаримиз Зайнаб бинти Жаҳи ва Жувайрия бинти Ҳорис розияллоҳу анҳоларга уйландилар.*

15. *Ҳижратнинг олтинчи йилида машҳур Ҳудайбия сулҳи тузилди.*

16. *Ҳижратнинг еттинчи йилида: Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам София, Маймуна ва Умму Ҳабиба оналаримизга уйландилар; Хайбар уруши бўлди.*

17. *Ҳижратнинг саккизинчи йилида: Макка фатҳ қилинди; Мутъа никоҳи бекор қилинди; Мутъа, Ҳунайн, Тоиф ғазотлари бўлди; Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васалламнинг қизлари Зайнаб розияллоҳу анҳо вафот этди.*

18. *Ҳижратнинг тўққизинчи йилида: Ҳабашистон подшоҳи Наэжжоший вафот этди; рибо ҳаром қилинди; Табук ғазоти бўлди.*

19. *Ҳижратнинг ўнинчи йилида Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам исломдаги биринчи ва охирги ҳажини адо этди.*

20. *Ҳижратнинг ўн биринчи йилида Расулуллоҳ солаллоҳу алайҳи васаллам вафот этдилар.*




21. Ҳижрий 11-13, милодий 632-634 йилларда Абу Бакр ас-Сиддиқ розияллоҳу анҳу халифалик қилдилар.

22. Ҳижрий 13-23, милодий 634-644 йилларда Илом тарихида адолат тимсоли сифатида намоён бўлган Умар ибн ал-Хаттоб розияллоҳу анҳу халифалик қилдилар.

23. Ҳижрий 23-35, милодий 644-656 йилларда Усмон ибн Аффон розияллоҳу анҳу халифалик қилдилар.

24. Ҳижрий 35-40, милодий 566-661 йилларда Али ибн Абу Толиб розияллоҳу анҳу халифалик қилдилар.

Тузувчи: Алишер НАЗАР



**НАЪТИ НАБИЙ
(С.А.В.)**

Жумла оламга сармад,
Кўк ичра номи Аҳмад,
Ер узрадур Муҳаммад,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Ҳақдин келмиш бароти,
"Лавлок" унинг сифоти,
"Ёсин" эрур бир оти
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

"Қоба қавсайн" камоли,
"Кашфи дужо" жамоли,
Оби ҳайвон- зулоли,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Пайғамбари инсу жон,
Умматига меҳрибон,
Жон ичрадур жонажон.
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Тавҳид йўлини очган,
Иймон нурини сочган,
Ҳақ келиб, ботил қочган,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!



Оламларга раҳматдир,
Ҳар бир сўзи ҳикматдир,
Фақирлиги ибратдир,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Рўза, намоз, қил дуо,
Шариати-муқтадо,
Шафоати-муддао...
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Гавҳари насли Халил,
Ходимидур Жабраил,
"Мунтаҳо"дан ўтди бил,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Меърожи- фазли илоҳ,
Сифоти - Ҳабибуллоҳ,
Восили- жамолуллоҳ,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Буюклардан буюкдур,
Суюклардан суюкдур,
Ўтли қалбим куюкдур,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!



Тасбиҳ айтар хору хас,
Иймон истайди ҳар кас,
Ёлғон даъволар абас,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Холиқимга ёлворсам,
Макка, Мадина борсам,
Равзада кўнгил ёрсам,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Озор берди бединлар,
Абужаҳл, малъунлар,
Огоҳ бўлинг мўминлар,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Орифлар жўёнадир,
Ошиқлар парвонадир,
"Ё расул!", деб ёнадир,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Бандаси тадбир қилар,
Аллоҳим тақдир қилар,
Не қилса билиб қилар,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад

Ваъда бордир Куръонда,
Набийга эргаш банда,
Аллоҳ севар ўшанда,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад
Ибодатда барқарор,
Саховатда устувор,
Марҳаматли, хушгуфтор,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад
Муҳожир, ансор ёри,
Жон нисор этар бори,
На гўзал хулқ- атвори,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!
Мўъжиза эрур Куръон,
"Дуруд айт" дейди Раҳмон,
Ғаниматдир ҳар бир он,
Салли ало Муҳаммад!
Саййидино Муҳаммад!

Сайфиддин САЙФУЛЛОҲ

01.02.2007

